



Al-Bayan

Кенг кўламли,
фикрий, сақоғий журнал

Ал-Ваъй сўзи

**Ливандаги молиявий инқирозни бартараф этиш учун
кўлланаётган мұолажалар инқирозни янада кучайтиради**

**Ушбу инқирознинг Ҳалифалик давлати
низомини татбиқ этишдан бошқа ечими йўқ**

Ирқий дискриминация ва оқ
танли одамнинг устунлиги
капиталистик Farb ҳазоратида
мустаҳкам ўрнашган тушунча
бўлиб, бу тушунча унинг
қулашига олиб боради

Farb оммавий ахборот
воситалари томонидан
исломий ҳазоратнинг бузуб
кўрсатилишига ёлғиз
Ҳалифалик якун ясайди

Ўзгартириш ҳақида
фикрлаш тариқати
Ислом ва Farb
ўртасида



406

Ўттиз бешинчи
йил чиқиши
Зулқаъда 1441х
Июл 2020м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Үйиду сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ливандаги молиявий инқирозни бартараф этиш учун қўлланаётган муолажалар инқирозни янада кучайтиради... Ушбу инқирознинг Халифалик давлати низомини татбиқ этишдан бошқа ечими йўқ....3
- Ўзгартириш хақида фикрлаш тариқати Ислом ва Farb ўртасида12
- Ирқий дискриминация ва оқ танли одамнинг устунлиги капиталистик Farb хазоратида мустаҳкам ўрнашган тушунча бўлиб, бу тушунча унинг қулашига олиб боради22
- Farb оммавий ахборот воситалари томонидан исломий ҳазоратнинг бузиб кўрсатилишига ёлғиз Халифалик якун ясади.....28
- Куръонийлар.....39
- **Оlam мусулмонлари хабарлари**50
- **Куръони Карим сұхбатида**56
- **Жаннат боғлари:** Росууллоҳ ﷺнинг амали давомли бўлган66
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Буюк саҳобия Умму Сулайм ﷺ71
- **Сўнгги сўз:** «Дунё қандай бўлса шундайлигича»: АҚШ президенти Обаманинг араблар ҳақидаги кўз-қарашини баён қилган китоб75
- Гардиан: Трампнинг Хитойга қарши урушида «Мёрдок» медиаимперияси унга ёрдам бермоқда76

ЛИВАНДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ҚҰЛЛАНАЁТГАН МУОЛАЖАЛАР ИНҚИРОЗНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАДИ

УШБУ ИНҚИРОЗНИНГ ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ НИЗОМИНИ ТАТБИҚ ЭТИШДАН БОШҚА ЕЧИМИ ЙҮҚ

Ливанда фуқаролик уруши якун топиши ортидан ҳокимиятга Рафиқ Ҳаририй келиши ва Тоиф келишуви имзоланиши билан қарз олиш даври бошланди. Рафиқ Ҳаририйнинг стратегияси Ливанни Гонконгга ўхшаган хизмат кўрсатувчи мамлакатга айлантиришга асосланган эди. Шу боис, урушда вайрон бўлган жойларни қайта тиклаш ҳамда туризм, молия, кўчмас мулк ва қурилишга асосланган лойиҳага инфратузилмани тайёрлаш учун кенг кўламда қарз олиш жараёнини бошлаб юборди. Айни пайтда олининган ушбу қарзлар мамлакат тараққиёти йўлида ишлатилмади. Чунки мамлакатда барча сиёсий синфлар истисносиз иштирок этган коррупция, исрофгарчилик ва пулларни ўғирлаш мавжуд бўлиб, бунда бу синфларнинг ҳар бири ўз услубига эга эди... Бу лойиҳа Ҳаририйнинг ўлдирилиши билан тўхтаб қолган бўлса-да, бироқ, қарз олиш тўхтамасдан давом этди. Қарз олишнинг давом этиши ушбу кичик бир мамлакатни тахминан юз миллиардни ташкил этган ва фоизи тўхтовсиз ўсиб бораётган қарзлар ботқоғига ботирди. Ливан аҳли бу қарзлардан ҳеч қандай фойда кўрмади. На электр энергия ва на сув таъминотига эришди, на инфратузилма барпо этилди ва на асфальт бостирилган йўллар қурилди. Аксинча, бу қарзлар сиёsatчилар, уларнинг яқинлари, партиядош ва тарафдорларининг чўнтагини тўлдириди. Улкан қарз одамлар зиммасига тушди. Аҳоли сони ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан олиб қараганда, бу қарзлар Ливанни қарздор давлатлар орасида биринчи ўринга олиб чиқиб қўйди. Сиёсий синфнинг коррупцияни, исрофгарчилик ва ўғриликни давом эттириши ҳамда қарз хизматлари (қарзнинг асли ва фоизини вакти-вакти билан тўлаб бориш) таъмин этилмагани туфайли ушбу қарзлар катталашди. Бу билан Ливан яқинда кредитор томонларга ўз қарзини долларда тўлай олмаслигини расман эълон қилди. Бугунга келиб, Ливан Ҳалқаро Валюта Фондидан унинг шартларига кўра қарз олиш учун унга мурожаат қилмоқда.

Бироқ, ушбу қарзларнинг тобора ўсиб бораётган фоизини Ливан одамлар чўнтағидан йиғиб олаётган давлат маблағларидан ҳар йили тўлаб борар эди. Бу эса, хазинанинг тугаб битишига, одамларнинг ишлаш имкониятидан маҳрум бўлишига ҳамда барча соҳаларда хизматлар таъмин этилмаслигига олиб келди ва натижа ачинарли бўлди: Қарзлар шу даражада катталашдик, давлат қарзлар фоизларини тўлай олмай қолди, турли соҳаларда одамларнинг яшаш ва ишлаш шароити оғирлашди. Ушбу оғир молиявий ва иқтисодий шароит билан бир қаторда бутун сиёсий синфнинг коррупцияси, даллоллик шартномалари, талончилик ва ўғрилик ҳақидаги гап-сўзлар ҳам давом этди. Улардан ҳар бир гурух ўзидан айбловни йироклаштириш ва уни бошқасига ёпиштириш илинжида бир-бирини фош килар эди. Бунга яққол мисол электр энергияси масаласи бўлиб, унинг жиноятида барча иштирок этмоқда. Электр энергияси фуқароларга мунтазам етказиб берилмаётганидан ташқари, давлат ҳар йили ушбу соҳани қўллаб-куватлаш учун миллиард доллардан ортиқ ёқилғи пулинни тўлаб келади. Ёлғиз шунинг ўзи хазинага оғир юқ бўлиб тушиб, давлат қарзини ўнлаб миллиардларга етказди. Ушбу муаммонинг ҳал килинмаганлиги ҳамда электр энергиясининг 24 соат давомида таъмин этилмаслигининг сабаби ушбу сермаҳсул тармоқнинг ўнлаб йиллар давомида сиёсатчилар ва уларнинг яқинларига фойда келтираётганидир. Кичик бир мамлакатда электр энергияси тармоғи каби тармоқнинг ўнлаб миллиард қарзни келтириб чиқариши мумкинми?! Олдиндан исталсагина ва бунинг учун олдиндан режа тузилсагина шундай бўлиши мумкин эмасми?! Бу –одамлар қашшоқлиги ва хаётдаги энг оддий нарсалардан ҳам маҳрум бўлиши ҳисобига хукмрон синфнинг хузур-халоватда яшаётганини очиқ кўрсатиб берадиган мисолдир. Электр энергияси тармоғи, алоқа тармоқлари, жамоат мулки бўлган тармоқлар ва булардан бошқа бир қанча тармоқлар борки, хукмрон синф бу тармоқларда коррупция, исрофгарчилик ва талончиликка бошигача ботган.

Биз хукмрон сиёсий синф деганда бугунги кунда бошқарувда бўлғанларни назарда тутмаяпмиз, балки, бошқарувдан ташқарида бўлғанларини ҳам назарда тутяпмиз. Чунки, уларнинг барчаси жиноятда иштирок этган бўлиб, коррупция ва ўғриликка барчаси аралашган. Улардан ҳар бири ўзидан бошқасини коррупцияда, исрофгарчилик ва талончиликда айблайди. Улар бир-бирига «агар мени фош этсанг, мен ҳам сени фош қиласман» қабилида таҳдид қиласди. Улардан ҳар бир гурух бошқа тоифалар олдида ўзини ўз тоифаси билан, рақиблари олдида ўз тарафдорлари билан ҳимоя

қилади. Агар улар хавфни сезишса ўз манфаатини сақлаб қолиш учун тарафдорларини сафарбар қилишга ҳаракат қилишади. Улардан ҳар бири оммавий ахборот воситаларида ўзини олийжаноб қилиб кўрсатади, ўзининг ислоҳот калитига эгалигини ва бошқаларнинг коррупциячи эканини даъво қиласди. Улар ўртасида ўзаро бир-бирини айблашлар бўлиб келаётган бўлса-да, бирор бир коррупция иши бўйича тергов олиб борилмаган, коррупция фош этилиб, айбдорлар жавобгарликка тортилмаган. Негаки, суд тизими сиёсийлашган бўлиб, судьялар ўз мансабларини у ёки бу сиёсий синфнинг қўллаб-куватлови билан эгаллайдилар. Хавфсизлик хизматида ҳам мансабга тайинлаш тоифачилик асосида амалга ошади ва хавфсизлик хизмати сиёсий жиҳатдан тоифалардан бирига боғланган. Шунинг учун хавфсизлик хизматида бирор бир ноқонуний иш юз берса, унинг фош этилгани маълум қилинмаган. Чунки ҳар бир томон иккинчи томоннинг ноқонуний ишлари бўйича ҳужжатга эга.

Одамлар азоб чекиб келаётган ушбу моддий босим ҳамда сиёсатчиларнинг аҳволи уларни кўчага чиқишига ва бутун сиёсий синфга қарши қўзғалишга ундади. Улар сиёсатчиларни оғирлашиб бораётган ушбу шароит ортида турганлиқда айблайдилар.

Ливандаги ҳокимиятнинг бутун таркибий қисми коррупция ва талончилик жиноятида иштирок этган, деган гап Эрон Ҳизбига ҳам тегишилдири. Эрон Ҳизбининг алоҳида ўз тарихи бор, бироқ, нима бўлганда ҳам у жиноятда иштирокчидир. Бунинг баёни шуки, у Ҳаририйнинг (Гонконг) стратегиясига қарама-қарши стратегияни қабул қилган ва бу стратегиясига (Ханой) деб ном берган. Ханой шимолий Вьетнам пойтахти бўлиб, у ердаги қаршилик Американинг мағлуб бўлиб, босиб олган мамлакатидан чиқиб кетишига мажбур қилган. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Эрон Ҳизби қаршилик кўрсатиш, жиход, содиқлик, мажбурият ва булардан бошқа ўз қомусида келган шиорларни кўтариб чиқади. Бу шиорлар Эрон раҳбарлик қилаётган доира ичкарисида унинг яхудий вужудига қарши жанговар ўзлигини (хусусиятини) кўрсатади.

Эрон Ҳизби Ҳаририйга суиқасд қилганидан кейин Ливандаги ички сиёсий саҳнани эгаллаб олди ва бу саҳнани минтақада кечеётган миллатлар ўйинида Эрон манфаатига бўйсундиришишга ҳаракат қилди. Унинг лойиҳаси Ҳаририй ўлдирилишидан олдин ва у Ливанда (Исройлга) қарши чиқиб, уни чиқиб кетишига мажбур қилган пайтида бошланган эди. Кейин у Суриянинг ёрдами билан ички сиёсий вазиятни ўз назоратига олди. Вақт ўтиши билан жумҳурият президентини сайлашда ва хукumatни ташкил этишда унинг сўзи ҳал қилувчи сўзга айланди... У кўпчилик овозга эга бўлган парламент

блогига айланиш учун регионал миқёсда кенгайишга ҳаракат қилмоқда. Агар у бунга эришса, ичкарида энг кучли ўйинчига айланади. У минтақада Эрон лойиҳасига хизмат кўрсатиш учун у ерда ўз мавқенин кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Агар керак бўлса, худди 2008 йил 7 майда бўлганидек қаршисида турганларнинг барчасига таҳдид қиласи. У Авн билан тузган иттифоқини ўз лойиҳасини амалга ошириш учун ташланган тактик қадам деб ҳисоблайди. Шунингдек, Берри билан тузган иттифоқини ҳам ўз лойиҳасини юргизиш ҳамда Ливан режими таркибида ўзининг шиа тоифаси мавқенин кучайтириш ва вақти келганда Ливан режими таркибини ўз манфаати учун ўзгартиришга ҳаракат қилиш иттифоқи деб билади. Айни шу йўналишда Эрон Ҳизби мамлакатни ўз назоратига олиш учун давлатнинг барча бурчакларига, муассасаларига, хавфсизлик бошқармасига, суд тизимиға, ташкилотларига, касаба уюшмаларига, иттифоқчи ва муҳолафатчи диний муассасаларга ёриб киришда айбланган.

Эрон Ҳизбининг коррупциядаги роли ҳамда Ливанни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ушбу фожиали вазиятга олиб боришда қўшган хиссасига келсак, у мамлакатни бошқарган барча коррупциячи ҳукуматларда иштирок этган. Унинг Жуброн Босил етакчилигидаги Озод Ватанпарвар ҳаракати ҳамда Берри бошчилигидаги ривожланиш ва озодлик блогидан ташкил топган иттифоқчилари коррупцияда Ҳаририй бошқарган Мустақбал ҳаракатидан фарқ қилмайди. Қолаверса, Эрон Ҳизби бу икки ҳаракатнинг айбланишини ёки уларга қарши ҳалқнинг ҳаракатга келишини ўзининг улардан кувват олган мавқесига таъсир қиласи деб ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Шунинг учун у мамлакатда бутун сиёсий синфга қарши қўзғолон кўтарган ҳалқ ҳаракатларига қарши чиқди ва уларни сиёсийлаштирилган ҳамда ташқи жиҳатдан глобал миқёсда мутакаббир давлат бўлган Америка томонидан қўллаб-қувватланган деб ҳисоблади. Шунингдек, уларни ўзининг қаршилик кўрсатиш лойиҳасига қарши қаратилган деб билди ва уларни фитна деб атади. Шунинг учун унинг тарафдорлари намойишчилар билан бирга кўринмади. Бу ҳолат унга ва Беррига қарши кенг миқёсда норозиликлар пайдо бўлишига олиб келди ва у тизгиндан чиқиб, кўчага чиқди. Айни пайтда Эрон Ҳизби ва Берри тарафдорлари уларга қарши чиқиб, уларни бостиришга ҳаракат қилишди.

Эрон Ҳизбининг коррупцияда бевосита иштирок этишига келсак, унинг иштироқи бошқача услубда бўлди. Масалан, у ва Берри Байрутдаги порт ва аэропортни ҳамда Эрондан товарларни олиб келиб, уларнинг солиқ тўламасдан ўтказилишини назорат қилди.

Аввало ўз елкасидаги молиявий юкни енгиллатиш ҳамда барча расмий муассасаларда ўз қадамини мустаҳкамлаш учун юзлаб тарафдорлари ва мансабдор шахсларни иш билан таъминлади. Ундаги мансабдор шахсларнинг коррупциясига келсақ, олдин Эрон Ҳизби сафида бўлиб, кейин ундан чиққанлардан бирига кўра, Эрон Ҳизби масъулларидан бири ҳарбий мактабга абитуриентларни киритиш учун улкан маблағ эвазига воситачилик ролини йўнаган. Шунингдек, у денгиз йўлида жойлашган ерларни ноқонуний эгаллаб олган. Зеро, бу ерлар унга миллионлаб доллар фойда келтирган. Унинг уй хизматчиларини олиб келиш билан хизмат кўрсатувчи ширкатга эгалик қилувчи ўғли чет эллик элчиларни Ливанга ноқонуний олиб кирган. Бу иш хавфсизлик ва алоқа ишлари масъули Ҳожи Вафиқ Сафо назорати остида амалга ошган. Вафиқ Сафо ҳали ҳам ўз мансабида ишламоқда ва у Эрон Ҳизбининг фаол масъулларидандир. Шунингдек, Эрон Ҳизби масъуллари ва аъзоларининг яқин қариндошлари ҳам мамлакат ичкариси ва ташқарисида гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдосида айбланишган. Уларнинг айримлари контрабанда ҳамда тақиқланган товарларни олиб кириш учун чегара ва ўтиш йўлларидан фойдаланишган. Айтилишича, Эрон Ҳизби яқинда ичкарида коррупцияга қарши кураш режаси бўйича иш тутишини маълум килган. Гарчи у коррупцион ишларнинг кўпида иштирок этмаган бўлса ҳам, коррупцион ишларнинг бутун тафсилларидан хабардор. У коррупцион ишлар ҳақидаги маълумотларни коррупциячиларни ўзининг олдида заифлаштириш учун ишга солади ва улардан ўз манфаати йўлида фойдаланади. Уларни фош этишда ҳам ташаббус кўрсатмайди. Чунки уларнинг айримлари билан у иттифоқчидир. Булар Эрон Ҳизбининг ичкаридаги коррупция ишларига қўшган хиссаси ҳақида айтилган гаплардир.

Регионал ва ҳалқаро вазиятга келсақ, Эрон Ҳизби ички вазиятни назорат қилиши билан Кўрфаз давлатлари, хусусан, Саудиянинг нуфузини заифлаштириди. Бу эса, Ливанга нисбатан Саудиянинг позицияси заифлашишига ва Америка Эрон режимига нисбатан ўз позициясини билдиргунига қадар унга молиявий ёрдам кўрсатиш ёки кўрсатмасликда иккиланишига олиб келди. Зеро, Америка Эронни ҳамда минтақадаги унга қарашли кўнгилли кучларни, шу жумладан Эрон Ҳизбини террорчиликда айблади ва у билан муносабатда бўлганларнинг барчасига санкция жорий қилиш билан таҳдид қилди. Сўнг, Америка Сурия режимига ва у билан муносабатда бўлганларнинг барчасига қарши Қайсар (Цезар) қонунини қабул қилди... Буларнинг барчаси мамлакатни бўғилиш даражасига етиб

боргунига қадар молиявий ва иқтисодий босимнинг кучайишига олиб келди. Бу – Эрон Ҳизбига ҳамда унинг мамлакатда молиявий ва иқтисодий инқироз вужудга келишига қўшган ҳиссасига боғлиқ иккинчи жиҳатдир.

Бу – Ливандаги молиявий ва иқтисодий инқирознинг воқелиги ҳамда умумий сабаблари. Биз қуидаги мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз:

– Ливан минтақадаги бошқа давлатлар сингари омадсиз давлат бўлиши учун Фарб томонидан барпо этилган. Унинг иқтисоди гаровга олинган, сиёсий низоми қарам, тоифалар етакчилари ва сиёсатчилардан ташкил топган Ливандаги ҳукмдорлар ҳақиқий маънодаги ҳукмдорлар эмас, балки, куч билан бошқарувчи ҳукмдорлардир. Улар ҳокимиятни ота-боболаридан мерос қилиб олишган. Улар ҳокимиятни иқтидор ва лаёқат асосида эмас, балки, мерос асосида бўлишишади. Улар мусулмонларнинг бошқа юртлари даги ҳукмдорлари сингари Фарбга ёлланган қўриқчилар сифатида юртни бошқаришади. Президентни танлаш сўнгги соат чорагида элчихоналардан келадиган ваҳийга асосланади. Сўнгги пайтларда кўпинча бу масалада Америка элчихоналари асосий ролни ўйнамоқда. Бу ҳукмдорларга «ҳукмдор» деган сифатдан бошқа барча сифат мос келади. Бу шундай бир ҳолатни келтириб чиқарадики, унда иқтисодий вазият сиёсий воқелик билан туташади, сиёсий воқелик иқтисодий вазиятга ўз таъсирини ўтказади ва у бу воқеликдан ажralмайди. Бу шуни исботлайдики, буюк давлат битта бармоғи билан ҳукмрон сиёсий синфни ҳаракатга келтириб, унинг қарорларини назорат қилса, иккинчи бармоғи билан иқтисодий вазиятни бошқаради. Ҳукмдорлар ўз сиёсатларини ўзлари белгиламайдилар.

– Минтақа ҳукмдорлари ҳеч бир истисносиз малайлардир. Уларни Farbning элчихона ва разведка бошқармалари халқаро кураш ўйинида ўз қўлидаги қуроллар бўлиши учун ҳокимиятга олиб келган. Улар танлаб олинган бўлиб, агар ҳўжайнинларининг минтақадаги лойиҳаларини амалга ошира олишмаса улардан воз кечилади. Бунинг яққол далили Башар Асаддир. Унга қарши қўзголон юз беришидан олдин у Американинг минтақадаги энг омадли малайларидан бири эди. Қўзголон юз бериб, Асад қўзғолонга барҳам беришда муваффақиятсизликка учрагач, Америка унинг ҳокимиятда қолишига сукут қилди. Чунки у унинг альтернативига эга эмас эди. Шунинг учун халқига нисбатан содир этган жиноятларига қарамай унинг ҳокимиятда қолишига сукут қилди. Асад режими қулаш арафасида турганида Америка унинг альтернативи таъмин этилгунига қадар

кулашига йўл қўймаслик учун Эрон ва унга тобе қучлар орқали, кейин Россия орқали унга ёрдам кўрсатди. Биз малайлар деганда Саудия ва Эронни, шунингдек, минтақадаги мусулмонларнинг ҳар қандай давлатини ҳам истисно қилмаймиз. Ливан ҳукмдорлари ҳам шунга ўхшашдир. Дарҳақиқат, Ливанда ҳал қилувчи сўз Америка элчихонасиники экани ҳамда унинг молиявий ва иқтисодий инқирозга алоқадор нозик ишларга аралashiши кўриниб қолди. Мисол учун, Америка Ливан банки бошқарувчисининг хавфсизлигига етказилган заарни қизил чизик деб ҳисоблади. Ҳолбуки, бугунги молиявий инқирозда у муҳим рол ўйнаган эди.

— Минтақа ҳукмдорлари малай бўлишидан ташқари, коррупциячи ҳамdir. Мамлакат бойиклари уларнинг назоратида бўлса ҳам, уларнинг пасткаш қалби уларни давлат пулларига қўл чўзишга ҳамда мамлакатдаги коррупция, даллоллик амалиётларига ва шубҳали битимларга киришга унади. Кўпинча, ҳалқаро ёрдамлар, гоҳида ҳалқаро қарзлар уларнинг шахсий ҳисоб рақамларига тушади. Ливан ҳам мана шундай давлатлар сирасига киради ва давлат амалдорлари мана шу ишларда айбланган. Шунинг учун давлат пулларининг талон-торож қилинишига, одамларнинг қашшоқлашишига биринчи сабабчи ҳукмдорлардир. Бу билан ҳукмдорлар, уларнинг қариндошлари ва уларга алоқадор бўлган кишилар бойиб бораверади. Уларнинг чет эл банкларида яширин ҳисоб рақамлари мавжуд.

— Farb ҳукмдорлари мусулмонлар ҳукмдорлари амалга оширган ўғирлик ва даллолликларни ҳамда улар тузган шубҳали битимларни бутун тафсилотлари билан билишса ҳам бунинг учун уларни муҳосаба қилишмайди. Аксинча, мамлакатни янада қарзга ботириш учун бундан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Чунки бу мамлакатларнинг қарздор бўлиши охири бориб уларнинг устидан ҳукмронлик қилишларига ва мамлакат бойикларини гаровга олишларига имкон беради. Сир эмаски, мамлакатдаги ишлар оғир босқичга етган пайтда, Ҳалқаро Валюта Фондининг аралашуви йирик кредитор давлатлар манфаати учун мамлакат иқтисодини янада издан чикаради. Ливан етиб борган ушбу оғир иқтисодий вазият қашшоқ давлатларга қарз бериш сиёсатига амал қилаётган бой капиталистик Farb давлатлари сиёсатига тамоман мос келади. Бундай қашшоқ давлатлар минтақадаги барча давлатларни, шу жумладан, Ливанини ҳам ўз ичига олади. Минтақа давлатларининг барчаси қарздордир. Мусулмонлар давлатларининг қарзлари таҳминан триллион доллар деб баҳоланмоқда. Кредитор давлатлар хорижий қарзлар фоизидан йилига ўн миллиардлаб фойда кўради. Бундай сиёсат янги

мустамлакачиликнинг бир туридир. Биз журналнинг 399 сонида «Ташқи риболи қарзлар... Фарбнинг халқларни мустамлака қилиш услубларидандир» сарлавҳали мақола нашр қилиб, унда буни баён қилиб берадиган статистик маълумотларни айтиб ўтганмиз.

— Айтиб ўтганимиздек, Ливандаги қарздорликни ҳал қилиш халқаро ва регионал сиёсий вазиятга боғлиқдир. Ливан бошдан кечираётган ушбу мураккаб вазиятда кўряпмизки, Америка нефть қазиб олиш жараёнини қасдан кечиктироқда ва халқаро жиҳатдан (Истроил) билан келишган ҳолда нефть қазиб олишни муайян майдонларга, бинобарин, «аср келишуви» дея аталган келишув орқали яхудийлар билан тузилган сулҳга боғламоқда... Яна кўряпмизки, Америка Эронга қарши жорий қилган санкцияларига Эрон Ҳизбини ҳам киритди ҳамда Ливандаги сиёсий арбобларнинг кўпчилигини ҳам шу қаторга киритиш билан таҳдид қилди... Сурия режимини муҳосаба қилишга алоқадор бўлган Қайсар қонунининг ҳам молиявий вазият ёмонлашишига таъсири бўлди. Ҳатто санкцияларнинг келгуси нишонида Ливан бўлиши кўриниб қолди.

— Ушбу инқироз даврида Эрон Ҳизбининг қуроллари тортиб олиниши кераклиги ҳақидаги таклиф, Американинг Ливан масаласига битта пакет сифатида муносабатда бўлишини ва молиявий вазиятни унинг бир томони деб ҳисоблашини очик кўрсатмоқда. Демак, Америка Ливандаги молиявий инқирозни алоҳида ҳал қилишни кўзламайди, аксинча, у Ливан масаласини ҳамда бошқа масалаларнинг барчасини аралаштиради ва уларни ўзининг минтақадаги режасига, шунингдек, энг аввало (Истроил) манфаатига мувофиқ юргизади. Эрон Ҳизби эса, буни ўзи байроғини кўтариб чиқаётганини даъво қилаётган масалага (Фаластин масаласига) қарши тил бириттирув деб ҳисоблайди. Американинг бундай позицияси Америка ва (Истроил) манфаати учун эканлиги бир томондан тўғри бўлса ҳам, мусулмонлар бу масалада жуда эҳтиёт бўлишлари керак. Мусулмонлар Эрон ва унинг Ҳизбининг Фаластин масаласини тамсил этишлари, шунингдек, (Истроилни) йўқ қилишни исташлари тўғрисидаги даъволарига ишонмайдиган бўлиб қолдилар. Мусулмонлар энди биладиларки, Эрон Афғонистон ва Ирокнинг босиб олинишида Америкага хизмат кўрсатганидек ҳамда Шомда Америка малайи Башар Асаднинг қуламаслигига унга ёрдам берганидек, Американинг «Аср келишуви» ҳамда минтақада яхудий вужудини мустаҳкамлашни давом эттириш лойиҳасига ҳам қарши чиқмайди. Бироқ, у Америка ўйини талабларига кўра, яхудий вужудига қарши курашувчи, унга таҳдид қилувчи ролини эгаллайди. Шунинг учун Эрон Ҳизби ҳақидаги кўз-қараш ўзгарди ва

мусулмонларда унинг ушбу дাъвоси ҳакида шубҳа пайдо бўлди. Мусулмонлар Эрон Ҳизбининг Америка манфаати учун Сурияда мусулмонларнинг покиза қонларини тўкишда иштирок этганига беътибор бўлмайдилар. Бу – Америка ўз манфаати ва (Исройл) манфаати учун Ливандаги вазиятдан қандай фойдаланаётганини кўрсатиб беради. Биз бу масалада Эрон Ҳизби таянаётган ёлғонлардан эҳтиёт бўлишимиз лозим.

– Ливандаги молиявий инқирозни ҳал қилиш ҳамда молиявий режаларни белгилаш масаласида Ливандаги ёки ташқаридаги барча мутахассислар томонидан қўлланаётган чоралар яна кўпроқ карз олишдан бошқа нарсага олиб бормайди. Яъни, бу чоралар инқирозни янада кучайтиради... Халқаро Валюта Фондига мурожаат қилиш молиявий жиҳатдан ўз жонига қасд қилишдир. Зеро, бунинг сиёсий ва иқтисодий оқибатлари мамлакатни вайрон қиласди. Қарздорлик инқирозини ҳал қилиш учун молиявий тадқиқотлар олиб боришини сўраб McKinsey & Company каби халқаро молиявий институтларга мурожаат қилиш ҳам бирор нарсани ҳал қилмайди. Чунки бундай институтлар таклиф қилган муолажалар ҳам судхўрлик тизимига асосланган бўлади. Хуллас, одамлар онгини эгаллаб олган ушбу глобал судхўрлик тизимида фавқулодда ёки вақтинчалик ечим топилмайди.

Ха, Ливаннинг молиявий муаммоси глобал муаммо бўлиб, унда заиф давлатлар бой давлатлар қурбонига айланади ва у мустамлакачилик сиёсатининг асосидир. Тарих давомида бу муаммонинг сабабчиси яхудийлар бўлиб келган, ҳамон шундай бўлиб қолмоқда. Бу шундай бир муаммоқи, дунёдаги заиф давлатларнинг барчаси бирин-кетин унинг тузогига илинади. Бугун Ливан шу тузоққа илинган. Подани бўрига топшириб қўйиш соддаликдир.

Агар муаммони келтириб чиқаргандар қўли билан уни ҳал қилиб бўлмаса, унинг ечими қандай бўлади? Бунинг жавоби оддий ва у одамлар онгини эгаллаб олган бугунги халқаро тизим сақофатидан таъсиранмаган. Яъни бунинг ечими, дунё давлатларига хукмронлик қилаётган ваҳшийлашган, ер юзининг хар томонига фасод уруғини эккан халқаро низомни тубдан ўзгартириб, инсонга инсон деган эътиборда қарайдиган альтернатива халқаро низомни барпо қилишдир... Бу низомрошид Халифалик давлати низоми бўлиб, унда судхўрлик бўлмайди ва у бойликнинг бир гуруҳ одамлар қўлида тўпланиб қолишига йўл қўймайди. Бугунги кунда бутун башарият Халифалик давлати низомига муҳтождир. Зеро, бу низом Раббоний низом бўлиб, у одамларни зулматдан нурга, дунё торлигидан охират кенглигига олиб чиқади. □

ЎЗГАРТИРИШ ҲАҚИДА ФИКРЛАШ ТАРИҚАТИ ИСЛОМ ВА ҒАРБ ҮРТАСИДА

Руло Иброҳим – Шом юрти

Ишларни юритишида олдинга силжиш бўлиши учун инсоннинг ўзгартериш ҳақида фикрлаши зарурий талаблардандир. Агар ўзгартериш ҳақида фикрлаш бўлмаса ҳаёт бир ҳолатда турғун бўлиб, унда ишлаб чиқариш ва ўсиш бўлмайди ҳамда ижодкорлик ва тараққиёт бўлмаса у ибтидоий бўлиб қолаверади. Ўзгартериш ҳақида фикрлаш учун асос бўлиши лозим. Агар ушбу асос тўғри бўлса, фикрлаш ҳам тўғри бўлади ва агар нотўғри бўлса, фикрлаш ҳам нотўғри бўлади. Ўзгартериш ҳақида фикрлаш оддий одамлар томонидан амалга оширилмайди, балки, бунинг учун халқнинг сара ўғлонлари керак бўлади.

Атоқли аллома шайх Тақийуддин Набаҳоний ўзининг «Тафкир» номли китобида шундай дейди: «Ўзгартериш ҳақида фикрлаш ҳаётнинг зарурий талабларидандир. Чунки ҳаётдаги турғунлик, тақдирга таслим бўлиш хатарли оғат бўлиб, халклар ва умматларнинг маълум воқелар, оғир кунлар таъсирни йўқ бўлиб кетишига олиб боради. Шунинг учун ўзгартериш ҳақида фикрлаш тафаккур турларининг энг муҳимларидандир. Ўзгартеришнинг тўлови оғир бўлгани учун лоқайд ва дангаса кишилар уни маъқул кўрмайдилар. Маълум одатларга кўнишиб қолган кишилар ҳам ўзгартериш ҳақида фикрлашни заарли деб билиб, ўзларининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчишини оғир деб хисоблайдилар. Шунинг учун, унга тубанлашган дангасалар, консерваторлар ҳамда одамларни бошқариб, уларнинг меҳнати эвазига кун кўраётганлар қарши чиқади. Шунинг учун ўзгартериш ҳақида фикрлаш ўз соҳиби учун хатарлидир ва фикрлашнинг айни шу турига қарши аёвсиз уруш олиб борилади.

Ўзгартериш ҳақида фикрлаш – хоҳ у шахсларни ва уларнинг ҳолатини ўзгартериш бўладими ёки жамиятларни, халқ ва умматлар вазиятини ўзгартериш бўладими ва ёки булардан бошқа ўзгартериш керак бўлган нарсаларни ўзгартериш бўладими ҳеч бир фарқсиз – инсон турмушининг асосидан, шунингдек, асоси бўлмаган ёки нотўғри асосга курилган жамиятларни ва нотўғри йўлда кетаётган вазиятларни ўзгартериш ҳақида фикрлашдан бошланмоғи лозим. Ҳаёт унинг устига курилган асос ё ҳаётни юксалтиради ёки тубанлаштиради, ё баҳтли ёки баҳтсиз қиласи. Бу асос ҳаёт ҳақидаги кўз-қарашни вужудга келтиради ва инсон ҳаётдаги ишларини шу кўз-қарашга мувофиқ шакллантиради.

Шунинг учун, аввало шу асосга қаралади. Агар бу асос инсон фитратига мос келадиган ақлий ақида бўлса, унда уни ўзгартеришга эҳтиёж бўлмайди ва бундай асосни ўзгартериш керак деган фикр хеч бир инсоннинг ақлига келмайди. Чунки у ҳаёт унинг устига қурилиши керак бўлган асосдир. Чунки, ўзгартериш ишлар нотўғри бўлган ўринда, хатолик ақлга аён бўлиб, очиқ ҳис қилинган пайтда керак бўлади. Агар инсон ишларнинг тўғрилигига қатъий ишонса, унинг ҳаётий энергияси тўлиқ қониқиши ҳосил қиласа, унда ўзгартериш лозимлиги ҳақидаги фикр асло пайдо бўлмайди. Шунинг учун агар ҳаётнинг асоси инсон фитратига мос ақлий ақида бўлса, инсон ўзгартериш ҳакида фикрламайди. Агар инсон ҳаётини, жамиятни ва ишлар ҳолатини тартибга келтираётган асос асло мавжуд бўлмаса ёки хато бўлса, асосни, яъни инсон эътиқод қилган ақидани ўзгартирмай туриб, қандайдир бир нарсани ўзгартериш ҳакида фикрлаш бефойдадир. Шунинг учун инсон фитратига мос ақида неъматига сазовор бўлган мусулмонларга эътиқоди бўлмаган ёки эътиқоди ақлни қаноатлантирмайдиган ва инсон фитратига мос бўлмаган инсонларда ўзгаришни пайдо қилиш вожибдир. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, гарчи Ислом даъватини етказиш кофирлар билан жангга киришга олиб борса ҳам файримусулмонларга, яъни, инсон фитратига мос ақлий ақидага эга бўлмаган инсонларга Ислом даъватини етказиш мусулмонларга фарзdir.

Ўзгартериш асосдан бошланмоғи лозим. Агар ушбу асос ўзгартирилиб, унинг ўрнини ишончли ва тўғри асос эгалласа, шундан кейингина инсон жамиятларни ва ишлар ҳолатини ўзгартериш ҳакида фикрлайди. Жамиятларни ва ишлар ҳолатини ўзгартериш ўлчов, тушунча ва қаноатларни ўзгартериш билан бўлади. Агар ишончли ва тўғри асос вужудга келтирилса, асосий ўлчов барча ўлчовларнинг, асосий тушунча барча тушунчаларнинг ва асосий қаноат барча қаноатларнинг асоси бўлади. Демак, қачон ушбу асос вужудга келтирилса, ана ўшандан кейингина ўлчов, тушунча ва қаноатларни ўзгартериш, бинобарин, жамиятлар ва ишлар ҳолатини ўзгартериш мумкин бўлади. Чунки бу билан барча қийматлар: нарсалар ва фикрлар қийматлари, бинобарин, ҳаёт асослари ўзгаради. Инсон ўзгартериш ҳакида фикрламоғи лозим ва агар у бу ҳақда фикрламаса унда ўзгартериш ҳакида фикрлаш истаги пайдо қилиниши керак. Инсон фитратига мос ақлий ақидага эга бўлган ҳар бир киши ўзгартериш ҳакида

фикрлайди. Уни бунга ўзидағи яширин қувват ёки ҳаёт майдонидаги амалий ўзгаришлар ундайди.

Бу дегани ўз ҳолати ва қарашларини ўзгартериш зарурлигини хис қилған кишиларгина ўзгартериш ҳақида фикрлайдилар дегани әмас. Модомики, ўзгартеришни талаб қилған бир ҳолат бўлар экан, ўзгартериш ҳақида фикрлаш мавжуд бўлиб қолаверади. Шунинг учун инсоннинг ўзгартериш ҳақида фикрлаши ўз ҳолатини, жамиятини, ҳалқи ва умматини ўзгартеришгагина чекланиб қолмайди. Балки, инсон бошқа инсонлар ҳолатини ва бошқа жамиятларни ўзгартериш ҳақида ҳам фикрлайди. Чунки инсонда инсонпарварлик хусусияти бўлиб, бу хусусият бошқа инсонлар ҳақида – улар ўзининг юртида бўладими ёки бошқа юртдами, ўзининг давлатида бўладими ёки бошқа давлатдами, ўз ҳалқи вакиллари бўладими ёки бошқами ҳеч бир фарқсиз – фикр юритишни талаб қиласди. Демак, инсон ўзгартерилиши керак бўлган ҳолат мавжуд бўлган барча жойларда ўзгартеришни амалга оширишга интилади.

Ўзгартериш ҳақида фикрлаш қалбнинг тўридан отилиб чиқади ва ҳаётдаги воқеалар унга туртки бўлади. Ҳатто уни ҳаётни хис қилишнинг ўзи пайдо қилиши ҳам мумкин. Унинг ҳар бир инсонда мавжуд бўлиши муқаррап. Аммо инсонларни ўзгартериш ҳақида фикрлайдиган қилиш уларни ишонтириш ёки уларнинг устида узлуксиз меҳнат қилиш билан бўлади. Қачонки, ўзгартериш амалда юз берса ёки унинг қиймати идрок этилса, ўзгартериш ҳақида фикрлаш осон кечади. Чунки у инсонларни ўзгартеришни хис қилишга қайтаради, бинобарин, уларда ўзгартериш ҳақида фикрлашни пайдо қиласди. Шунинг учун ҳар бир мусулмон ўзгартериш ҳақида фикрламоги лозим». (Иқтибос тугади).

«Тафкир» китобидан келтирилган ушбу иқтибос мусулмонларнинг бугунги вазиятини ўзгартериш ҳақида фикрлаш эшигини очади. Зоро, вазият дўстни хурсанд қилмайдиган ва душманда ҳасад уйғотмайдиган даражада ачинарлидир. Қолаверса, бундай вазиятни Ғарб ўзининг ўзгартериш тариқати орқали вужудга келтирган. Унинг бу тариқати динни ҳаётдан ажратишга, индивидуализмни ва манфаатпараматликни гавдалантиришга асосланади. Бундай кўз-қарашга эга бўлган инсон моддий қийматдан бошқа ҳар қандай инсоний, ахлоқий ва руҳий қийматларга эътибор бермайди. Бир неча аср олдин дин давлатдан ажратилганидан кейин, Европада саноат инқилоби юз берган даврда Ғарб қабул қилған капиталистик ҳазорат мана шудир. Кейин бу ҳазоратни Америка қабул қилди. Совет Иттифоқи дея

танилган коммунистик система қулаганидан кейин бу ҳазоратни Россия ҳам қабул қилди. Хитой бу ҳазоратни қабул қилишга бошида бироз уялган бўлсада, бироқ, у ҳам уни қабул қилган давлатлар каторига қўшилди.

Мана бир асрдан ортиқ даврдан буён, биз ҳам бугунги кунда Ғарбнинг фикрлаш тариқати келтириб чиқарган ўзгариш оқими ортидан кетмоқдамиз. Агар моддий қийматдан бошқа барча қийматларни издан чиқарган гарбча фикрлаш вирусидан ҳимоя қилувчи қалқон вазифасини ўтаган Усмоний Халифалик қулатилмаганида эди бу юз бермаган бўларди. Ғарб карвони ортидан бу тарзда ихтиёран ва мажбуран юриш Исломнинг фикрлаш тариқатига салбий таъсир кўрсатди. Исломнинг фикрлаш тариқати одамларни зулматдан нурга олиб чиқишига, дунё ҳаётини охират ҳаётига боғлашга асосланиб, жамиятни руҳий, инсоний ва ахлоқий қийматларга уйғун бўлган моддий ютуқларнинг энг юқори чўққисига олиб чиққан эди. Энди эса, исломий қадриятлар тизими қулақ парчаланиб кетди ва мусулмонларнинг ҳаёт ҳақидаги кўз-қараши бузилди. Улар ўзларининг тақдирий ва асосий масалаларидан гафлатда қолиб, бошларини қум остига тикиб олдилар. Ортидан туриб жанг қилинадиган ва у билан ҳимояланиладиган қалқон вазифасини ўтайдиган имомнинг ўйқлиги туфайли душманлар қархисида ҳимоячисиз қолдилар.

Фикрлаш тариқатида ушбу ҳалокатли вирусга энг кўп дуч келган гуруҳ ёшлар гурухидир. Ҳолбуки, ўзгариши ва уйғониш лойиҳаларида айни шу ёшлар гурухига таянилади. Мусулмонлар юртларида Ғарб ўзининг ҳукмронлигини ўрнатганидан буён мусулмон ёшларнинг фикрлаш тариқатида улкан ўзгариш юз берди. Биз мусулмонлар юртларидаги бугунги ёш авлод билан Исломнинг олдинги асрларидаги ёш авлодлар ўртасини солишитириб кўрадиган бўлсак, бу икки авлоднинг фикрлаш тариқатида, мақсад ва интилишларида катта фарқни кўрамиз. Ҳаётнинг барча соҳаларида бу икки авлод эришган ютуклар ҳажми ўртасидаги катта фарқни кўриб ҳайратга тушамиз. Ўтган асрларга солиширганда бугунги асримизда Раббоний уламоларнинг озлиги ҳам ҳайратланарлидир. Афсуски, бугунги кунда ўтган асрлардаги муҳоҳид фотиҳлардек Умматни ғалаба сари етаклайдиган ҳарбий кўмондонлар деярли йўқ. Умматнинг илм-фан соҳасида тарақкий этишига ҳамда қуроллар, вакциналар, дори-дармонлар, уй жиҳозлари ва булардан бошқа ҳаёт учун муҳим бўлган нарсаларни ривожлантиришга имкон берадиган илмий ихтиrolарнинг камлиги ҳам ҳайратланарлидир. Олдинги авлодлар илмий асосларни

яратиб, бу соҳада юксак даражага кўтарилилган эдилар. Қолаверса, Ғарб ҳам ўзининг уйғонишида шу асосларга таянди. Бошқа халқларга солиштирганда ёшлар нисбати бизда юқори бўлишига қарамай, ҳаммадан ортда қолишимиз, энг кўп ер ости бойликларига эга бўлишимизга қарамай, қашшоқликнинг энг қўйи даражасида яшашимиз жуда ачинарлидир. Бугунги аксар ёшларнинг муҳим ишлардан йироқлашиб, аҳамиятсиз ишлар билан машгул бўлиши бунданда ачинарлидир. Бугунги кунда спорт заллари, ўйингоҳлар, кўнгилхушлик қилинадиган масканларнинг ёшлар билан тўлалигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Агар биз солиштиришни давом эттирадиган бўлсак, олдинги авлод билан ҳозирги авлод ўртасидаги фарқни сифатлашга битта мақола камлик қиласди. Бироқ, биз фикрлаш тариқатини ва унинг биз етиб борган ушбу аянчли аҳволдаги таъсирини муҳокама қилишимиз керак. Чунки, Ислом Умматининг бошқа халқлардан ортда қолишига олиб келган асосий сабабларни фикрлаш тариқатини муҳокама қилиш орқали топишимиз мумкин. Ислом Умматининг бошқа халқлардан ортда қолишининг асосий сабаби шуки, мусулмон ёшлар билган ёки билмаган ҳолларида ўзгартириш масаласида Ғарбнинг фикрлаш тариқатини қабул қилдилар ва исломий фикрлаш тариқатини қабул қилишни истамадилар. Чунки улар бузук воқеликка рози бўлиб, унга мослашиб кетдилар ва уни фикрлаш мавзуси эмас, балки, асоси қилиб олдилар. Бунинг натижасида воқеликни фикрлаш асоси эмас, балки, мавзуси қилиб оладиган исломий фикрлаш тариқатидан маҳрум бўлдилар. Янада тушунарлироқ бўлиши ҳамда ўзгартиришга боғлиқ ушбу ҳақиқатни исботлаш учун башарият тарихида юз берган ўзгаришларнинг энг муҳим босқичларини келтириб ўтамиз:

1 – Пайғамбарлар ﷺларнинг ўз қавмларида амалга оширган ўзгартириш билан боғлиқ ишлар.

2 – Набий ﷺнинг Макка ва унинг атрофидаги халқлар аҳволини ўзгартириш мақсадида амалга оширган ишлари ҳамда Ислом мағкурасининг дунёга келиши.

3 – Большевиклар инқилоби ва Социалистик, шу жумладан, коммунистик мағкурунинг дунёга келиши.

4 – Европадаги саноат инқилоби ва капиталистик мағкурунинг дунёга келиши.

Ушбу мақолада биз юқорида келтирилган нуқталарнинг ҳар бирини бутун тафсилоти билан шарҳламоқчи эмасмиз. Бироқ, шуни айтиб ўтиш керакки, ўзгартиришдан мақсад ислоҳ қилиш ва

тузатиш киритиш бўлиб қолмаслиги, аксинча, кенг қамровли инқилобий бўлиши лозимлигини тушунтиришдир. Инқилобий ўзгариш эски хукмрон фикр ва туйғуларни ҳамда одамлар ўртасидаги алоқаларни тартибга келтираётган низомни ўзгаришиш билан, шунингдек, жамиятда янги фикр ва туйғуларни пайдо қилиб, янги низомни ўрнатиш билан бўлади. Росулуллоҳ ﷺ айни шундай ўзгаришни амалга оширганлар ва бу Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِقَوْمٍ سُوءًا فَلَا مَرْدَدَ لَهُ وَمَا لَهُمْ مِنْ ذُونَهُ مِنْ وَالِ﴾

«Аниқки, то бирор қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас. Қачон Аллоҳ бирор қавмга ёмонлик — бало юборишни иродга қилса, бас, уни қайтариб бўлмас. Ва улар учун Үндан ўзга ҳоким йўқдир» [Роъд 11]

деб айтган қавлига амал қилган ҳолда амалга ошириладиган шаръий ўзгаришнинг ягона тариқати бўлиб қолди. Айрим кишилар ўйлагандек, бундай ўзгариш якка шахсларнинг ўзгариши эмас, балки, жамоий ўзгаришдир. Чунки, оятдаги (قوم، يغيرة، بأنفسهم) сўзларининг ҳар бири жамъ (кўплик) сийфасида келган. Росулуллоҳ ﷺ айни шундай ўзгаришни амалга оширганлар. У зот аввало ўзларини, кейин саҳобаларни ўзгартирдилар ва Макка жамиятида саҳобалардан уюшма туздилар. Кейин бу уюшма Макка жамитига қарши чиқиб, уларнинг олиҳаларини айблай бошлади, мушрикларнинг орзу-истакларини аҳмоқлик, деди, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа низомларни танқид қилди. У ақида ва қонунчилик масаласида алътернативани тақдим этиш билан бир каторда, буларнинг барчасини охиратга боғлади. Агар биз ушбу оятлар мажмуасини ўрганиб чиқсан ҳамда уларга ўзгартаришни истаган киши кўзи билан қарасак буларни очик кўра олишимиз мумкин:

﴿إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ أَنْتُمْ لَهَا وَرِدُونَ﴾

«(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Аллоҳни қўйиб сигинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтиларидир. Сизлар у (жаҳаннамга) тушгувчи дурсизлар» [Анбиё 98]

﴿وَإِذَا أَلْمَوْدَةُ سُلِّكَتْ ۝ يَا أَيُّ ذَئْبٍ قُتِلَتْ ۝﴾

«Тириклий кўмилган (ҳар бир) қиздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида» [Таквир 81]

Шунингдек, Набий ﷺ ўзгартериш амалиётига боғлиқ бўлган бир қанча воқеаларда айтган сўзларини синчилаб ўрганадиган бўлсак, ўзгартериш амалиётининг жамоий иш эканини ҳамда бу вазифа якка шахслар зиммасига эмас, балки, жамоа зиммасига тушишини кўришимиз мумкин.

Иbn Аббос Али ибн Абу Толибнинг шундай деб айтганини ривоят қиласди: «Аллоҳ Азза ва Жалла ўз пайғамбарига ўзини араб қабилаларига рўбарў қилишни (таништиришни) буюргач, мен ва Абу Бакр У зот билан бирга минога чиқиб, араблар тўпланадиган жойгача етиб бордик...». Ушбу ҳадиснинг охирида келишича, Ресулуллоҳ ﷺ ўзларини Бану Шайбон қабиласига таништиргач, У Зотга Мусанно ибн Ҳорис шундай дейди: «Сиз чақираётган бу ишни подшоҳлар ёмон кўради. Бизнинг Кисро билан хужум қилмаслик ва хужумчиларга бошпана бермаслик устида шартномамиз бор. Агар истасангиз арабларнинг сувигача бўлган жойда сизни ҳимоя қилиб, ёрдам берамиз». Набий ﷺ унга жавобан айтдилар:

«مَا أَسْأَمْ بِالرَّدِ إِذْ أَفْصَحْتُمْ بِالصِّدْقِ، إِنَّ دِينَ اللَّهِ لَا يَنْصُرُهُ إِلَّا مَنْ أَحَاطَهُ مِنْ جَمِيعِ جَوَانِيهِ»
«Ёмон жавоб қилмадингиз, тўғрисини айтдингиз. Зоро, Аллоҳнинг динига уни ҳар томонлама қамраб олган кишигина ёрдам бера олади». Бу ҳадисни Байҳақий Далоилда ривоят қилган ва Ҳофиз ибн Ҳажар уни ҳасан ҳадис деган.

Мусаддад Яҳёдан, Яҳё Исмоилдан, Исмоил Қайсдан, Қайс Ҳаббоб ибн Аратдан ривоят қилган ҳадисда Ҳаббоб айтади: Ресулуллоҳ ﷺ чопонини ёстиқ қилиб ётганларида биз У зотга шикоят қилиб: Биз учун ёрдам сўрамайсизми?, биз учун дуо қилмайсизми? – дедик. Бунга жавобан Ресулуллоҳ ﷺ айтдилар:

«قَدْ كَانَ مِنْ قَبْلَكُمْ، يُؤْخُذُ الرَّجُلُ فَيُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ، فَيُجْعَلُ فِيهَا، فَيُجَاءُ بِالْمِنْشَارِ فَيُؤْوَضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيُجْعَلُ نِصْفِينِ، وَيُمْسِطُ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ مَا دُونَ لَهُمْ وَعِظَمَهُ، فَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ. وَاللَّهُ لَيَتَمَّنَ هَذَا الْأَمْرُ، حَتَّى يَسِيرَ الرَّاكِبُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَى حَضْرَمَوْتَ، لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهُ وَالدِّلْبُبُ عَلَى غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ سَتَسْتَعْجِلُونَ»

«Сизлардан аввалгилар даврида киши ушлаб келиниб, унга чуқур қазилар, сўнг шу чуқурга туширилиб, appa билан бошини ўртасидан иккига бўлиб ташланар эди. Темир тароқлар билар таралиб, гўшти билан суяги ажратиб олинарди. Аммо бу нарса уни динидан қайтаролмас эди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай.

Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ хеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва кўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Сизлар эса, шошяпсизлар». (Бухорий ривояти).

Ибн Исҳоқ айтади: ансорлар иккинчи ақаба байъати учун тўплангандаридан Аббос ибн Убода ибн Назла: Бу кишига ниманинг устида байъат бераётганингизни биласизларми? – деди. Улар: Ҳа, деб жавоб қилдилар. У айтди: Сизлар бу кишига қизилуқора танли одамларга қарши уруш қилиш устида байъат бермоқдасизлар. Агар мол-дунёингизга талафот етиб, улуғларингиз ўлдирилган пайтда, сизлар у кишини ташлаб кетишини ўйлаётган бўлсанглар, байъатни ҳозироқ тўхтатинглар. Чунки бундай қиласидан бўлсанглар, Аллоҳга қасамки, бу нарса дунё ва охиратда шармандаликдир. Агар у кишига берган байъатингларга, мол-дунёларингга талафот етса ҳам, улуғларингиз ўлдирилса ҳам вафо қиласиз деб ўйлаётган бўлсангларгина байъат беринглар. Зоро, бу иш, Аллоҳга қасамки, дунё ва охиратдаги энг яхши амалдир. Шунда, қавм – биз молларимизга талафот етиб, улуғларимиз ўлдирилса ҳам байъат берамиш, деди. Кейин Росулуллоҳ дан сўрашди: Ё Росулуллоҳ, агар биз вафо қилсак, бизга нима мукофот бўлади?. Росулуллоҳ  хотиржамлик билан «Жаннат», деб жавоб бердилар».

Бу ва бундан бошқа кўплаб нусуслар учта нарсани ифодалайди:

1 – Фикрлаш шаръий бўлмоғи лозим. У мантиқка, воқеликка, илмий аксиомаларга ва фикрлашнинг бошқа тариқатларига асосланмаслиги керак.

2 – Фикрлаш тариқати жамоий бўлиши, индивидуал (якка шахсларга чекланган) бўлмаслиги лозим.

3 – Ўзгартыриш ҳаракатлари ва унинг босқичлари бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирига боғланган бўлиши лозим. У уюшмаган холда, тайёргарликсиз бўлмаслиги керак.

Шунинг учун шаръий шартларга мувофиқ амалга ошириладиган ўзгариш амалиётида барча мусулмонларнинг иштирок этиши талаб килинади. Яъни, мусулмонлар Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликнинг тикланишига олиб борувчи ўзгаришни амалга оширишлари учун, Набий  амалга оширган биринчи ижобий ўзгартыриш тариқатига мувофиқ иш тутишлари лозим. Шунингдек, мусулмонлардан Ғарб фикрларидан воз кечиши ҳам талаб қилинади. Чунки, Ғарб фикрлари уларни чулғаб олиб, шаръий ўзгартыриш тариқатидан буриб юборди. Қолаверса, араб ва ажам хоинлари Усмоний Халифаликка қарши инқилоб қилиб,

биринчи салбий ўзгартриш амалиётини амалга оширганларидан кейин мусулмонлар ўзгартриш ҳақида оддий фикрлашдан ҳам маҳрум бўлиб қолдилар.

Иккинчи ижобий ўзгартришни амалга ошириш сари қадам ташлаган ёшлар қўйидаги ҳақиқатларни англаб етишлари лозим.

1 – Капиталистик ҳазорат инқироз ёқасида турибди, либерализм эса, бутун башариятга бало ва оғатлар олиб келгани учун уларни лаънатига учради.

2 – Ғарб сиёсатчилари икки қўрқув ўртасида яшашмоқда: Биринчи қўрқув капиталистик мағкуранинг қулаши бўлса, иккинчи қўрқув Исломнинг олам етакчилигига қайтишидир. Ҳозирги босқич Ғарб ҳазоратининг қулаши ва Аллоҳнинг изни или Ислом ҳазоратининг юксалиши босқичидир.

3 – Биз истаётган ўзгариш режимларнинг ўзгаришигина эмас, балки, глобал ўзгаришдир. Шунинг учун, бу босқичнинг оғир кечиши ва вақтнинг чўзилиб кетиши ажабланарли эмас. Бу ўзгариш Ғарбнинг фикрлаш тариқатидан озод бўлишни ва исломий фикрлаш тариқатига чекланишни талаб қиласди. Бунга фикрлашини айни шу тариқатга асослаган, аъзоларини айни шу тариқат асосида шакллантирган ҳизбина қодир бўлади. Чунки исломий фикрлаш тариқати даъватни етказувчи ва давлат арбоби сифатида шаклланган ҳизб аъзолари вужудининг ажралмас бир қисми бўлади. Улар Набий ﷺ ва У зотнинг асхоблари ﷺлардан намуна олган даъватни етказиш фаолиятини давом эттирадилар.

4 – Исломий Уммат сифатида биз истаётган ўзгариш пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни қайта барпо этиш учун жiddий фаолият олиб боришни ўз ичига олади. Зоро, Халифалик Исломни ўз дунёқарашининг, вужуди ва жиҳозларининг асоси сифатида қабул қиласди ҳамда Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш орқали Исломни бутун дунёга ҳидоят ва нур сифатида етказади.

5 – Фалаба ёлғиз Аллоҳнинг қўлида бўлиб, Аллоҳ уни ўзи истаган бандасига қачон ва қаерда беришни истаса беради.

وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

«Аслида нусрат фақат қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ ҳузуридан келур» [Оли Имрон 126]

Сўзимиз ниҳоясида биз мусулмон ёшларни ўзгартриш ҳақида фикрлаш тариқатидан боришга қатъий қарор қилишга ҳамда Халифалик давлатини барпо қилиш учун жiddий фаолият олиб бораётганлар билан бирга фаолият олиб боришга чақирамиз. Зоро,

Халифалик мусулмонларнинг бугунги аҳволини ўзгаришига, азоб-уқубатли кунларини саодатли кунларга айлантиришга, кейин, бутун инсонларни зулматдан нурга олиб чиқишга кафилдир. Бу ҳақирикка жавоб қилган холис мусулмонлар билсинки, агар уларнинг иши биринчи саҳобалар ишига мос бўлса, уларнинг ажри саҳобалар ажридан эллик баробар кўп бўлади. Утба ибн Фазвондан ривоят қилинган ҳадисда Росулллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ مِنْ وَرَائِكُمْ أَيَامَ الصَّبْرِ، لِمُتَمَسِّكٍ فِيهِنَّ يَوْمَنِدٌ بِمَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ أَجْرٌ حَمْسِينَ مِنْكُمْ. قَالُوا: يَا نَبِيَّ اللَّهِ أَوْ مِنْهُمْ؟ قَالَ: بَلْ مِنْكُمْ»

«Сизлардан кейин сабр кунлари келади, у кунда сизлар ушлаган нарсани маҳкам ушлаган кишининг ажри сизлардан элликтангизнинг ажринингга тенг бўлади. Сўрадилар: Эй Аллоҳнинг пайғамбари, улардан элликтасининг ажrimi? Пайғамбар ﷺ айтдилар: Аксинча, сизлардан элликтангизнинг ажри». Бу ҳадисни Албоний саҳиҳлар силсиласида келтириб, саҳих деган.

«وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ»

«Аллоҳ Ўз ишида голибdir, лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар» [Исуф 21]

«وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هُوَ قُلْ عَسَىٰ أَنْ يَكُونَ قَرِيبًا»

«Ҳали улар: У (кун) қачон бўлур? – деб (сўрайдилар). «Шоядки яқин бўлса», деб айтинг!» [Исро 51] □

**ИРҚИЙ ДИСКРИМИНАЦИЯ ВА ОҚ ТАНЛИ ОДАМНИНГ
УСТУНЛИГИ КАПИТАЛИСТИК ФАРБ ҲАЗОРАТИДА
МУСТАҲКАМ ЎРНАШГАН ТУШУНЧА БЎЛИБ, БУ ТУШУНЧА
УНИНГ ҚУЛАШИГА ОЛИБ БОРАДИ**

Сожида Иззуддин – Триполи, Шом

«Мен нафас ололмаяпман» – бу ибора Америка демократиясининг ҳақиқий юзини хеч қандай безаксиз кўрсатадиган аниқ қисқа иборадир. Америка ўз тарихида ҳеч қачон ер юзидағи тинчлик элчиси бўлмаган, одамларга эзгулик улашмаган ва улар ўртасида адолат ўрнатмаган. У давлат сифатида шаклланиб улгурмасданоқ, бошқа ирқдаги одамларни камситиши ва уларга зулм қилиши билан ўз номини қора қилиб бўлган. Унинг жирканч мафкураси қурбони бўлганларнинг биринчиси юртнинг туб аҳолиси бўлган қизил танли ҳиндулар бўлди. Уларга қарши содир этилган оммавий қирғинлар натижасида жуда кам сондаги ҳиндуларнинг қолиши бугунги кунгача Кўшма Штатлар сиёсатининг шафқатсизлигига тирик гувоҳ бўлиб қолмоқда... Америка бошқа одамларга нисбатан ирқчилик муносабатини ҳеч қачон яширгмаган. Бугунги кунда Америка мактабларида Дарвин назарияси ўқитилади. Бу назарияга кўра, оқ танли одам олдин пайдо бўлгани учун бошқа одамлардан ривожланган бўлади. Қора танли одам эса, ўз тузилишида, масалан, пешонасининг олдга бўртиб чиққанлиги, бурнининг яссилиги ва рангининг қоралиги жиҳатидан ҳайвонларга яқинроқдир... Шунингдек, бу назарияда олий ирқлар паст табақадаги ирқларни тутатиб йўқ қилиш орқалигина ривожланишини давом эттира оладилар, дея уқтирилади... Дарвин ўзининг «Инсониятнинг келиб чиқиши» номли китобида шундай ёзади: «Агар асрлар билан қиёсланса, яқин келажакда, одамларнинг маданиятли ирқлари бутун дунёдаги ёввойи ирқларни деярли йўқ қилади ва уларни ўзгартиради».

Америка француз файласуфи, «Қонунлар рухи» китоби муаллифи Монтескёнинг фикрларидан ҳам йироқ эмас. У ўз китобида шундай ёзади: «Қора танлиларни қул қилиб олишга бизнинг ҳаққимиз бор. Европа халқлари Американинг туб аҳолисини йўқ қилишганидан кейин уларнинг олдида ушбу кенг майдонларни ўзлаштиришда Африка халқларидан фойдаланиш учун уларни қул қилиб олишдан бошқа танлов қолмади. Бошининг чўққисидан то оёғининг остигача қора бўлган бу халқлар фойдаланиладиган қуролдан бошқа нарса эмас. Қудрати улуғ Аллоҳнинг бундай қора танага шарафли жонни жойлаши мумкин

эмас». Уэбстер луғатидаги «кора» сўзининг маъносига қаранг: «Кора – ғоят жирканч, ифлос, ёвуз, офат сабабчиси».

Шунга асосланиб айта оламизки, ирқий дискриминация Ғарб сақофатида муқаррар ишдир. Шайх Тақийюддин Набаҳоний «Ислом низоми» китобида шундай дейди: «Инсон ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига кўра ҳаётдаги турмуш тарзини шакллантиради. Масалан, инсоннинг ўзи ёқтирадиган шахс ҳақидаги тушунчалари унинг ушбу шахсга нисбатан қўллайдиган муомала тарзини шакллантиради. Шунингдек, унинг ўзи ёқтирамайдиган шахс ҳақидаги тушунчалари ҳам бу шахсга нисбатан қўллайдиган муомала тарзини белгилайди. Ўзи танимайдиган, у ҳақда ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган бошқа бир шахсга нисбатан қўллайдиган муомалада ҳам инсондаги тушунчалар асосий ўринни эгаллади. Демак, инсоннинг яшаш тарзи унинг тушунчаларига боғлиқдир». Бу жумла Америка жамиятидаги ирқий дискриминациянинг воқелигини ифодалаб беради. Америкаликлар турмушидаги ирқий дискриминация Америка жамиятида чукур ўрнашган тушунчаларга боғлиқдир. Улардаги ирқчилик нотўғри хатти-харакатгина эмас, балки, мустаҳкам ўрнашган тушунчадир.

Америкада юз бераётган воқеалар нотўғри сиёsatнинг ҳамда жиноятчилар жинояти ва хукмдорлар бузғунчилигининг натижасигина эмас, балки, мафқуранинг яроқсизлиги натижасидир. Қулаш арафасида турган бу мафкура ички ва ташқи муаммоларга учрамоқда. Ташқи муаммо коронавирус тарқалиши ва халқаро можаролар бўлса, ички муаммо оқ танлилар билан бошқа ирқлар ўртасидаги ирқий бўлинниш, бойлар билан бошқа одамлар ўртасидаги синфий бўлинниш ҳамда ўнгчилар билан сўлчилар ўртасидаги фикрий бўлиннишдир. Америка ҳеч шубҳасиз капиталистик мафкуруни кўтариб чиқаётган энг кўзга кўринган давлатдир. Бугунги кунда муаммонинг мафкуравий эканлигини америкаликларнинг ўзлари тан олишмоқда. Мана, Доналд Трампнинг ўзи: «Биз ғазабнок оломоннинг демократиямизни барбод қилишларига йўл қўймаймиз» – деди. Қўшма Штатлар кўчаларидаги намойишчилар Трамп эътиқод қилган капитализмга эътиқод қилганлари учун у бу гапни айтди. Агар муаммо давом этиб кучайса, мафкура бутунлай барбод бўлиши мумкинлигини намойишчилар ҳам билади.

Лекин бу – Америкада юз бераётган воқеалар Ғарб мафкураси ёки ҳазоратини қулатишга қаратилган, дегани эмас. Чунки намойишчилар альтернатив мафкурага ёки бошқа низомга эга эмас. Ҳақиқий ўзгартиришни рӯёбга чиқарадиган альтернатив

мафқурага мусулмонлардан бошқаси эга эмас. Бироқ, Америка коронавирус пандемиясидан, ирқчилик ва жамиятдаги бўлинишлардан келиб чиқсан кетма-кет инқизолардан азият чекяпти. Агар коронавирус пандемияси унинг иқтисодини издан чиқарди, дейиладиган бўлса, иқтисод коронавирус пандемиясидан олдин издан чиқсан эди. Коронавирус пандемияси фуқарога хавф туғдираётган бўлса, ирқчилик ҳукмрон режимга хавф солмоқда. Биз бунга Америкада юз берадиган ҳодисаларда гувоҳ бўлмоқдамиз ва бу ҳодисалар ушбу жирканч ҳазорат завол топишининг даракчисидир.

Тақийюддин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳдан нақл қилинишича, Американинг парчаланиши учун учта омил етарлидир. Бу омилларнинг иккитаси ички омил бўлса, биттаси ташқи омилдир. Ички омиллар – оқ танлилар билан қора танлилар ўртасидаги ирқчилик, шунингдек, штатларнинг бўлиниб, мустақил бўлишга уринишидир. Ташқи омил эса, долларнинг ўз мавқесидан тушиб, маҳаллий валютага айланишидир. Америкада бугунги кунда юз берадиган воқеалар бу турдаги воқеларнинг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмас. Тақийюддин роҳимаҳуллоҳнинг сўзлари илму идрокка асосланиб айтилган сўзлардир. Чунки у – юз бериши ва ушбу буюк давлатнинг вужудига хавф солиши мумкин бўлган омилларни айтди. Биз бугунги кунда ушбу омиллардан бирининг, яъни ирқчиликнинг фаоллашганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Келинг, ирқчиликнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилмайдиган бошқа бир кўринишини кўриб чиқайлик. Америкада оқ танлиларнинг тоза, ривожланган кварталлари мавжуд. У ерда қора танлиларнинг учинчи олам давлатларидағи ҳаробазорларни эсга соладиган кварталлари бор. Шунингдек, оқ танлиларнинг фарзандлари учун маҳсус мактаблар, қора танлиларнинг фарзандларига хос мактаблар бор. Ишсизлик нисбати ҳам қора танлиларда оқ танлилардагидан уч баробарга кўп. Америка ўзининг эркинлик, адолат ва тенг ҳуқуқлилик каби шиорлари билан мақтаниб келаётган бўлсада, оқ танлиларда қора танлиларга нисбатан чуқур илдиз отган ирқчиликни йўқ қила олмади. Американинг оқ танли фуқароси қачон қора танли фуқарога дуч келса, унга нисбатан ирқчиликни намоён қилиш имкониятини қўлдан бой бермайди. Америка жамияти азият чекиб келаётган бошқа муаммолар келиб чиқишининг асосий сабабчиси ирқчилик назариясининг мавжудлигидир. Шунинг учун қора танлилар жамиятида қашшоқлик, ишсизлик, илмий савиянинг пастлиги, жиной тўдаларга қўшилиш ва гиёҳванд моддалар

савдоси билан шуғулланиш ҳолатлари кўп учрайди. Чунки уларнинг турмуш шароити паст бўлиб, оғир қашшоқликда ва изоляцияда яшашади. Қора танлилардан айбсиз кишиларнинг ўлдирилиш ҳолатлари вазиятни янада мураккаблаштириб, уларни оқ танлилардан кўра кўпроқ иркчига айлантириб қўймоқда. Чунки, қора танлилар ҳам ўша жирканч капиталистик система ичидаги яшайдилар. Ушбу ирқий дискриминация капиталистик мафкура тобутига қоқиласидиган навбатдаги мих бўлиши ҳам мумкин.

Қора танлилар ва бутун инсоният учун фақат Исломдагина нажот бор. Ғайримусулмонлар ирқий дискриминация ҳукмрон бўлган вазиятни тубдан ўзгартириш имкониятига эга эмас. Фақат Исломгина араблар билан ажамлар ўртасида адолатни ёяди, оқ танли билан қора, сарик ва қизил танлилар ўртасидаги фарқни йўқ қиласиди. Пайғамбарлар саййиди Мұхаммад ﷺ Макка фатҳ қилинган куни Билол Ҳабашийга хурмат кўрсатиб: «**Кир эй Билол, сендан бошқа бирор бир киши Каъбанинг ичидаги мен билан бирга намоз ўқимайди**», дедилар. Ислом барча халқ ва ирқлар ўртасини ажратмасдан уларни ўз дошқозонида эритиб тобблайди. Гарчи биз бугунги кунда аянчли қолоқликни бошдан кечираётган бўлсак-да, бунинг таъсирини ҳамон ҳис килмоқдамиз. Фарбда қора танлилар бошдан кечираётган дискриминация уларни мусулмонлар билан ҳамдард бўлишга, ўз жамиятларига яқинлашишдан кўра мусулмонларга яқинлашишга унади. Фарб мусулмонларни ўз жамиятларига ассимиляция қилиш учун турли макрларни ишга солган бўлса-да, у бунга эриша олмади. Аксинча, Фарб қора танлилар орасидаги ўз тарафдорларини йўқотди. Чунки, мусулмонлар Америка жамиятидаги ғайримусулмонларни, шу жумладан, қора танлиларни ўзларига жалб қилдилар. Гиёҳвандлик айби билан қамоққа олинган қора танлиларнинг кўпчилиги қамоқдан мусулмон бўлиб чиқмоқда. Чунки, улар Ислом гоялари учун қамоққа олинган мусулмонлар билан ҳамсухбат бўлиш имконига эга бўлмоқдалар.

Фарб ҳазорати туғёнга тушиб, зулм қилган, сўнг Аллоҳ уларни йўқ қилган ҳазоратларнинг биринчиси эмас.

﴿فَمَا بَيْكَثُ عَلَيْهِمُ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ وَمَا كَانُوا مُنْظَرِينَ﴾

«**Бас, уларга осмон ҳам, ер ҳам (аза тутиб) тиглагани йўқ ва уларга (тавба-тазарруъ учун) мұхлат ҳам берилмади!**» [Духон 29] Фарб ҳазорати олдинги ҳазоратлар каби ўзини асрлар давомида сақланиб қоламан деб ўйламоқда. Шу боис, у ўзининг давомий сақланиб қолишини кафолатлаш учун кенгайишга ва бошқа

юртлар устидан мумкин қадар кўпроқ ҳукмронликни ўрнатишига харакат қилмоқда. АҚШ сенатида Индиана штати вакили бўлган Альберт Беверидж айтган куйидаги сўзлар Америка мутакаббиралигини очиқ ифодалайди: «Тартибсизлик бўлган жойда тартиб ўрнатишимиш учун Аллоҳ бизни бутун дунёга устоз қилди. Қари ёввойи халқларни бошқариш имконига эга бўлишимиз учун бизни бошқарувга лойик кўрди. Агар ушбу куч бўлмаса бутун дунёни ёввойилик ва зулмат қамраб олади. Бутун дунёни ўзини янгилаш сари етаклашимиз учун Аллоҳ Америка халқини бошқа халқлардан ажратиб танланган халқ сифатида танлади». Американинг собиқ давлат котибаси Мадлен Олбрайт ўз интервьюларининг бирида: «Бу борлиқда ягона буюк куч Кўшма Штатлардир» – дейди.

Собиқ давлат котиби Колин Пауэлл 11 сентябр воқеаларидан кейин шундай дейди: «Биз бугунги кунда буюк кучмиз. Биз бугун халқаро саҳнадаги асосий ўйинчимиз. Биз бугун бутун дунёдан жавобгар эканлигимиз ва бутун дунёни қамраб олган манфаатларимиз ҳақида ўйлашимиз керак». Биз булардан англаб етамизки, Трамп ўзини катта олган Америка сиёsatчилари биринчиси эмас. У бир неча кун олдин: «Биз ғазабнок оломоннинг демократиямизни барбод қилишларига йўл қўймаймиз» – деб айтиши билан, Фиръавннинг:

﴿قَالُوا إِنْ هَذَنِ لَسِحْرٍ نِّيْرِيدَانِ أَنْ يُخْرِجَكُمْ مِّنْ أَرْضِكُمْ بِسِحْرٍ هُمْ وَيَذْهَبَا بِظَرِيقَتِكُمْ أَمْثَلَ﴾

«(Сўнг) айтдилар: Албатта бу иккови (яъни Мусо ва Ҳорун) ўз сехрлари билан сизларни ерингиздан чиқармоқни ва юксак йўлингизни (яъни динингизни) йўқотмоқни истайдиган сехргарлардир» [Тоха 63]

деб айтган сўзларини ёдимизга солади. Мутакаббиралик ва Парвардигордан ва одамлардан ўзини катта олиш ҳар бир замон ва макондаги тоғутларнинг хусусиятидир. Қуръон Каримда келишича, Фиръавн шундай дейди:

﴿مَا أُرِيكُمْ إِلَّا مَا أَرَى وَمَا أَهْدِيَكُمْ إِلَّا سَبِيلَ الْرَّشادِ﴾

«Мен сизларга фақат ўзим раъй қилаётган нарсани (яъни Мусони ўлдиришининг маслаҳатинигина) кўрсатурман ва мен сизларни фақат тўғри йўлга етакларман» [Фоғир 29]

Кўрфаз уруши пайтида Оқ Уйнинг расмий воизи: «Биз нефтни араблар ерига жойлаган Худонинг хатосини тўғрилагани келдик» – деган эди. Келинг, Ал-Ваъй журналидаги Америка ҳазорати

ҳақиқатини сифатлаб берган мақоладан иқтибос келтириб ўттай. Бу мақолада шундай келади: «Америка ҳазорати ташқи кўриниши қараган кишини мафтун қилиб қўядиган улкан дарахтга ўхшайди. Бироқ, унинг бу кўриниши алдамчи бўлиб, ичидаги курт-қумурскалар яшайди ва улар унинг танасини, томирларини, шохлари ва баргларини кемиради. Бу ҳазорат ўзи дунёга келтирган инқизозлар бўронига учраганида қулайди. Кейин, Ғарбнинг ўзи уни ўз оёғи билан депсаб яксон қилади. Америка жамиятида бу холат бугун юз бермасада, Аллоҳ хоҳласа яқинда юз беради...». Мақолада яна шундай келади: «Америка сақофати мустаҳкам пойдевори бўлмаган бинога ўхшайди. У ўзини бироз тўхтатиб, ўзи асосланган ахлоқий нормаларни ва ижтимоий меъёрларни қайта кўриб чиқишга муҳтож. Америкалик муфакирлардан бири ўзининг қуидаги сўзлари билан нақадар ҳақ гапни айтган: «Агар биз онгли равишда иш тутмасак, тарих бизни инсонни ойга кўтарган, юлдузлар урушида биринчиликни қўлга киритиш учун курашган ва бир вақтнинг ўзида ботқоққа ботган авлод сифатида эслайди».

Эй мусулмонлар, Ғарб сақофатига алданганлар учун уни, унинг мағкураси ва ҳазоратини рад этиш вақти келди. Улар англаб етиши лозимки, уларнинг нажоти Исломни татбиқ қиласидиган адолатли давлатдадир. Зоро, бу давлат уларни ҳам, бизни ҳам азиз қиласи ва бизни Аллоҳ Қуръонда сифатлаган энг яхши умматлик мақомига қайта олиб чиқади.

﴿كُنُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ﴾

«Одамлар учун чиқарилган Умматларнинг энг яхиси бўлдингиз» [Оли Имрон 110]

Бошқалардан олдин ўз қавмига турмуш аччиқлигини ва зулмни тотдириган Ғарб ҳазоратига яна кўпроқ ойдинлик киритиш даъватни етказувчи сифатида бизнинг вазифамиздир. Бу йўлда Аллоҳ бизнинг қўмакчимиздир. □

ҒАРБ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ИСЛОМИЙ ҲАЗОРАТНИНГ БУЗИБ КЎРСАТИЛИШИГА ЁЛҒИЗ ХАЛИФАЛИК ЯКУН ЯСАЙДИ

Абдуллоҳ Қози – Яман

Ислом ва мусулмонлар дуч келаётган таҳқирлашлар бошқа дин, сақофат ва халқлар тарихида деярли учрамаган. Шунинг учун биз муболағасиз айта оламизки, агар бу мунтазам таҳқирлашлар бирор ҳазорат, ёки сақофат, ёки динга қарши қаратилганда, улар йўқ бўлиб кетган ва ундан асар ҳам қолмаган бўлар эди. Эҳтимол, оммавий ахборот воситаларида Ислом ва мусулмонлар ҳақида тарқатилаётган хабарларни кузатган киши, исломий ҳазоратнинг бузиб қўрсатилиши бир неча кўринишларда бўлишини пайқаган бўлса керак. Бу кўринишлар Ислом ҳақида нотўғри тасаввур беришда ҳамда гарблик инсон қалбига Исломга қарши адоват уруғини экишда оммавий ахборот воситалари қай даражада рол ўйнашини кўрсатиб беради. Бу кўринишлар қуидаги нуқталардан ташқарига чиқмайди:

- Ислом зўравонлик, террор ва қотиллик динидир.
- Ислом қилич кучи билан тарқалган, унда қаноат ва фикр юритишга ўрин йўқ.
- Ислом ибтидоий, қолоқ ва шаҳвоний дин.
- Ислом аёл кишини камситади, унга зулм қиласи ҳамда аёл билан эркакни тенг кўрмайди.
- Исломий жамият ёввойи ва қолоқ жамиятдир.
- Ислом дин қонунларини бузган кишиларни қатл қилишга буюради.
- Ислом қонун ва низомлари (ҳад ва жазо чоралари) шафқатсиз бўлган диндир.
- Ислом аёл кишига бир қанча чекловлар қўйган ва уни жамиятдан узоқлаштириб юборган.

Гарчи гарбликлар қалбидаги Исломга қарши адovat бошқа ташкилот ва манбалар томонидан пайдо қилиниб кучайтирилсада, оммавий ахборот воситалари бу адovatнинг шаклланишига ҳисса қўшадиган энг хатарли институт ҳисобланади. Чунки медиа институтлари ҳамда уларнинг таъсир кучи ва имкониятлари кенг бўлиб, хитобни омманинг эътиборига ҳавола этади, натижада гарбликлар ундан таъсиранади. Бу эса, гарбликлар назарида исломий шарққа нисбатан хато тасаввур ва салбий таассуротни пайдо қиласи.

Албатта Ғарбнинг барча ахборот воситалари мусулмонлар ҳақида салбий суратни пайдо қилиш ва тарқатиша муштарақдирлар. Бунда газета, радио, телевидение, кино, интернет ва бошқаларнинг фарқи йўқ.

Биринчи: Кино индустряси:

Назорат остидаги ахборот воситалари фикрни чиройли қилиб кўрсатиш ва қаноат ҳосил қилдиришда улкан қудратга эга. Ҳозирги кунда кино индустряси жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳисса қўшадиган энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Гарчи кинода кўрсатилаётган нарсалар қуруқ ва хаёлий сафсата ҳамда Ғарбнинг сақоғий ва идеологик манфаатларига хизмат қиласиган адаштиришдан иборат бўлса-да, жамоатчилик фикрига таъсир қилиш ҳамда турли кўринишларга алоқадор ахлоқий қадриятлар ва ўлчовларни шакллантиришда у муҳим ўринга эга.

Иккинчи: радио ва телевидение:

Шубҳасизки, айрим радио телеканалларни кузатган киши у ердаги манзара кинодагидан фарқ қилмаслигини билади. Ҳолбуки, исломий уйғониш охирги пайтларда турли Ғарб доиралари эътиборини ўзига тортди. Натижада, бу вазият Ғарб медиасининг шу юртлардаги исломий ҳаракатлар, хусусан, моддий ишлар билан шуғулланадиган ҳаракатларга қарши янада марказлашишига олиб келди. Дарҳақиқат, медиа исломий таълим-тарбияда қотиллик, вайронагарчилик ва қўпорувчилик амалиётларига тарғиб қилинади дея ахборот тарқатди.

Фаластиндаги жиҳодий ҳаракатлар ва босқинчи сионист вужуди ўртасидаги курашни ёритувчи аксар Ғарб радио ва телевизион каналларда мана шундай ғаразли йўналиш бор эканини кўрамиз. Зеро, бундай медиа Фаластинликларга нисбатан қанчалар ваҳший кирғинлар амалга оширилаётганига қарамай жабрланувчилар портретини кўрсатишдан тўхтамайди. Аммо ўз ерлари ва қадриятларини ҳимоя қилаётган фаластинликлар қон тўкишга ташна террорист сифатида кўрсатилади. Шунингдек, (Исройл) ўз халқини ҳимоя қилиши учун уларни йўқ қилиши лозим дея уқтирилади. Шунинг учун Ғарбдаги радио ва телеканаллар Исломни зўравонлик ва террорга боғлаб кўрсатади.

Учинчи: газета ва журналлар

Биз бу ерда Ғарбда чиқадиган газета ва журналларда «исломофобик» йўналиш борлигига далолат қилувчи айрим мақола ва муқовалардаги сарлавҳаларга ишора қилиш билан чекланамиз. Масалан:

- «Исломий нафрат илдизлари»;
- «Ёрилиши мумкин бўлган Ислом бомбаси»;
- «Хитой ҳам Исломдан саросимада» каби мақолалар.

Айрим чет эл газета ва журнallарида мусулмонлар ва яхудийлар ўртасидаги алоқа ҳақида ёзилаётган нарсаларни кузатган киши уларни ушбу босқинчи вужудга тарафдор эканини кўради. Шунингдек, исломий жамият ҳақида хунук сурат тарқатаётганини билади. Фарбда чиқадиган газета ва журнallарда босқинчи сионист вужудни қуидаги тарзда тасвирлайди:

- У мустақил давлат бўлиб, бор бўлишга тарихий ҳаққи бор.
- У ҳазорий, тарихий ва сақоғий жиҳатдан Ғарб вужудига боғлиқ.
- Унинг мусулмонларга қарши амалга ошираётган урушлари (ўзини ҳимоя қилиш учун олиб борилаётгани эътиборидан) маънавий ва инсонийлик жиҳатидан мақбулдир.

Доверти ва Уорден исмли эксперталарнинг «Нью-Йорк Таймс», «Вашингтон Таймс», «Кристиан Сайенс монитор» ва «Уолт стрит жорнал» газеталари бош мақоласида қилган таҳлилларини мисол қиласа бўлади. Бу газеталардаги умумий йўналиш шундан иборатки, улар (Истроил)ни тажовузкор араб давлатлари томонидан куршаб олинган давлат сифатида ёритади. Шунингдек, унда барча жиҳатдан ўраб турган мутаассиб душманларга қарши курашаётган ушбу (бечора) давлатга ҳамдардлик қилиш учун кучли илҳомлантириш бор.

Тўртинчи: ташвиқот ва эълон:

Аксарият мусулмонлар Ғарб медиаси исломий олам ҳақида тарқатаётган салбий сурат фақатгина газета ва журнallарга чекланиб қолмагани, балки реклама ва эълонлар майдонини ҳам қамраб олганини билмайдилар. Зоро, товар ва хизматлар мусулмонлар ва уларнинг эътиқодларини масхаралаш орқали тарқатилади. Бу эса, Ғарбнинг Ислом ва мусулмонларга қарши медиа вакиллари тасодифий кишилар эмас, катта эътибор билан ўргатилган кишилар эканини англатади. Эҳтимол, реклама ва эълонларнинг таъсири кинофильм, телевизион дастур ва матбуот баёноти каби материалларидан кам эмас. Бу шубҳасиз қуидаги бир неча сабабларга бориб тақалади:

- Албатта рекламада кўшиқ, мусика, таъсири овозлар ва алдовчи харакатлардан фойдаланилади. Шунингдек санъат, ва кино юлдузларига суюнади, бу эса, уларнинг таъсири ва кўламини оширади.

• Реклама хабарлари кўпинча киска тушунтириш ва ягона мақсадга қаратилган бўлади ҳамда улар тинмай такрорланиши билан ўзгачадир. Бу эса, уларни тингловчининг хотирасига муҳрлаб қўйилишини осонлаштиради, натижада тингловчи уни эсидан чиқармайдиган бўлади.

• Кўпинча реклама материаллари кучли вазнга эга ахборот ташкилотлари йўналиши бўйича юради. Бу эса, ўша материаллар билан шуғулланувчилар кўп эканини англатади.

Фарб медиасидаги тижорат рекламаларида мусулмонларнинг таҳқирланиши тўхтовсиз давом этаётганига қарамай, бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар деярли йўқ. Бу эса, ушбу мавзуга жиддий эътибор бериш лозимлигини талаб қиласди. Токи, биз учун ушбу ҳодисаларга ташхис қўйиш ва уларга нисбатан тўла ва умумий муносабат билдириш мумкин бўлсин. Фарбнинг айрим ахборот воситаларида тарқатилаётган нарсани кузатган киши кўплаган ташвиқот кўринишларига гувоҳ бўлади. Бу ташвиқотлар Фарбнинг Ислом ва мусулмонларга нисбатан душманона қарашини акс эттиради.

Бешинчи: карикатуралар:

Аксарият одамлар Исломни таҳқирлаш Данияда чиқадиган «Jullands Posten» газетасида 2005 йили карикатура расмларидан фойдаланиши билан бошланди деб тушунишади. Бу тушунча ҳатодир. Чунки Фарбдаги Ислом ва мусулмонларни таҳқирлаш амалиётида карикатурадан фойдаланиш бундан бир неча йиллар олдин бошланган. Ушбу мавзуни – айниқса охирги пайтларда – кузатган киши айрим Фарб ахборот минбарлари томонидан мусулмонларнинг туйғуларини таҳқирлаш ва уларнинг қадриятларини пастга уришга катта эътибор берадиганини кўради.

Бу рассомлар кўпинча Фарбдаги Исломда таҳдид ва хатардан бошқасини кўра олмаслик касалига чалинган воқеликдан илҳом олади. Бу воқелик Фарбга ўрта асрлардан мерос бўлиб, унда черков фикрини сайқаллаш мавжуддир. Дарҳақиқат, черков дин арбоблари ҳар қандай йўллар билан Европани Исломдан ва Исломни Европадан узоклаштиришга ҳаракат қилишди ҳамда Ислом ва унинг Пайғамбари ﷺ ҳақида ҳақиқатдан йироқ хурофотларни тарқатишиди. Бу даврга келиб шарқшунослик мактаби ҳам исломий шарқ тарихи ва ҳазорати ҳақида ўз заҳрини сочди. Аммо ушбу масаладаги энг хатарли учинчи қутб, яъни аввалги икки қутбдан каттиқ таъсиранган медиа исломий Шарқ ҳақидағи қора тасвир пайдо қилишда уларга хисса кўшди.

Бу таҳқирлаш Фарб юртларида конституция томонидан кафолатланган фикр эркинлиги даъвоси остида амалга оширилмоқда. Лекин воқелик шуни кўрсатмоқдаки, анавилардаги фикр эркинлиги иккиласи стандарт сиёсатига бўйсунмоқда ва Фарб фақат Ислом динидан нафратланмоқда. Бугунги асрдаги фикр эркинлиги бошқа соҳалардан кўра кўпроқ медиа фаолияти соҳасида кўринмоқда. Чунки рассом ва журналистларга эркинлик берилиши натижасида турли халқлар, айниқса, араб ва мусулмонларнинг диний, маънавий ва ҳазорий ўзлигини таҳқирлашмоқда.

Дарҳақиқат, Исломга қарши тушунчалар Европадан салибчилик нишонини кўтариб келган босқинчилар зеҳнида пайдо бўлди. Аммо Араб ярим оролида исломий ақида пайдо бўлиши билан унинг куни тугаганига олти аср бўлган эди. Европадаги Бағдод ва исломий Андалусияни билган олий табақани истисно қилганда, Европанинг кўпчилик аҳолиси ушбу ақиданинг тараққиёти ҳамда унинг ютуқлари ва кўринишларидан хабардор эмас эди. Бу нарса европаликларни мусулмонлардан ажаблантирган бўлса, шу билан бирга мусулмонлар эришган ва Европанинг чеккасида жойлашган Пирения ярим оролида гуллаб яшнаган ҳазоратлари даврида ундан фойдаланган ютуқларига гина ва ҳасад қилишди. Бу нарса папа Орбан иккинчининг 1095 йили сўзлаган нутқида аниқ намоён бўлган эди.

Орбан иккинчи нутқида мусулмонларни ер-у осмонлар роббисига ибодат қиласиган кишилар дея сифатлаб, улар билан ярашиш ва уйғунлашиш оҳангиди гапириши лозим эди. Лекин у мусулмонларни бутларга ибодат қиласиган, мўминларни азоблашдан тортинмайдиган ва ерларни қонуний эгаси бўлмиш масихийлардан тортиб олган босқинчи ваҳшийлар дея сифатлади...

Албатта маълумотлар инсонга таъсир қиласи. Чунки инсон фикрлашда уларга муҳтож. Инсон фикрлаш жараёнида маълумотларни воқега боғлайди ва у ҳақда хукм чиқариш учун маълумотларни хис органлари воситасида мияга кўчиради. Ахборот воситалари эса, одамларнинг фикрлашига таъсир қилиш учун тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар ҳар қандай маълумотларни тарқатади. Ахборот воситалари маълумот тарқатиш билан чекланмай, уларни ҳақиқатни акс эттирмайдиган суратда беради ва бунинг таъсири кўпроқ бўлади. Бундан ҳам хатарлиси мавзу ҳақида адаштирувчи фикрларни беради. Натижада одамлар уни олиб уларнинг кўпчилиги ундан таъсирланади. Шунингдек, муайян жамоатчилик фикрини пайдо

қилиш учун маълумот ва фикрларга қаноат хосил қилдирадиган пухта услугблардан фойдаланади.

Шунинг учун ахборот воситалари хабарларни ҳеч нарсага аралашмай, куруқ ўзини мавзу шаклида тарқатиб, одамларни фикрлашларига ташлаб қўймайди. Балки улар ортида турган давлатлар ҳамда хўжайинларининг кўрсатмалари билан юрадилар. Уларнинг хўжайинлари кофир бўладими, малайми ёки ёлланмами бундан қатъий назар Исломга қарши курашмоқдалар.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, Ғарб ахборот воситалари исломий юртлардаги ахборот воситаларини бошқаради. Шунингдек, улар Ислом, унинг даъватчилари ва уни маҳкам тутгандарга қарши курашади. Ўзи тарқатаётган хабарларда ёлғон ва хато маълумотлардан иборат заҳарни беради ва ҳақиқатларни бузиб кўрсатади. Уларни бир жиҳатини ёритиб бошқа жиҳатини эътиборсиз қолдиради ёки ҳақиқатларнинг ярмини тарқатади. Шунингдек, бир жиҳатини ёритаётганда адаштириш, хираклаштириш ва бўяш каби ишларга суюнса, бошқа жиҳатини хунук қилиб кўрсатади. Ёки бир жиҳатига эътибор қаратиб, бошқа муҳим жиҳатидан эътиборни буради. Мусулмонларни, айниқса, исломий бошқарувни тиклаш учун ҳаракат қилаётганларни хунук қилиб кўрсатиш учун турли исм ва лақаблар билан айблайди. Улар бу ишларнинг барчасини ушбу урушда ўзларига манфаат келтирадиган тарзда амалга оширади.

Ғарб тарихчилари салиб урушларида ўз халқларининг қандай адаштирилгани ҳақида ёзишган. Чунки Ғарб давлатлари мусулмонларни қасдан бутпараст, ваҳший ва Байтул Мақдисни ахлатхонага айлантирган кимсалар деб сифатлашди. Уларнинг роҳиблари ташвиқот олиб борар экан, ёлғонга суюнди ҳамда черков билан иттифоқ тузган золим подшоҳларига бўйсунишлари учун халқларни гижгижлади.

Кино индустряси билан бирга радио, телевидение, интернет, электрон алоқа воситалари кашф қилингач, иш янада пухталашди ва программа асосида юргизиладиган бўлди ҳамда жирканч тусга кирди. Чунки ҳабар ва тасвиirlар тўғри бўлса-да, адаштирувчи фикрларни ўз ичига олган эди. Уларда ахборот агентликлари ва ахборот воситалари пайдо бўлди ва ишончга сазовор бўлиб қолди.

Ислом ва мусулмонларни хунук кўрсатишда таъсири роль ўйнаши учун кино, программа, сериаллар ва интернет видеолавҳаларидан фойдаланишди. Бунда Ислом ва мусулмонларни ҳазорат нималигини билмайдиган, аёлларни хорлайдиган ваҳщий қотиллар ва жоҳил мутаассиблар деб

тасвирлашди. Уларнинг шакли жирканч, қиладиган ишлари разиллик, лиbosлари ифлос, фикрлари саёз, кариялари ва бой етакчилари аёлларга ўч ва аёллар билан савдо қиладиган, динлари хурофот, пайғамбари аёлларга хуштор, халқлари қашшоқ ва қолок, турли касалликларга чалинган деб тасвирлашди. Шунингдек, Исломга алоқадор нарсалар ҳақида шак-шубҳа ва хавф уйғотишиди. Фарбликлар ва уларнинг илмоний ва демократлардан иборат малайларини эса тинчликпарвар, маданиятли ҳамда инсон ва аёлларни ҳурмат қиладиган, бойликни қандай сарфлашни биладиган, муаммоларни ҳикмат, ақл, фикр ва хотиржамлик билан муолажа қиладиган кишилар сифатида тасвирлашди. Шунингдек, уларни фойдали ечимларни чиқарадиган, ёрқин фикрлайдиган, заифлар, аёллар ва болаларни озод қиладиган, мухтоjlарга ёрдам берадиган, ёмонликка қарши курашадиган ва инсониятга яхшилик олиб келадиган кишилар дея сифатлашди. Голливуд фильмлари ҳамда Америка ва Фарбда ишлаб чиқиладиган бошқа фильм ва сериаллар айнан мана шу нарсани тарғиб қилади.

Улар турли истилоҳларни қабул қилдилар. Масалан саксонинчи йилларда Ислом учун харакат қилаётганларни ақидапараастлар ва исломий фикрни ақидапараастлик деб аташди. Лекин улар бу ишда муваффақиятга эришмади, чунки бу сўзнинг мусулмонлардаги воқеси гарбликларнидан фарқ қиласди. Фарбликлар буни Масиҳнинг оддий ва бошланғич ҳаётига қайтиш ҳамда ҳар қандай маданий шаклдан бош тортиш деб тушунишади. Улар бунда муваффақият қозона олмагач, ўз курашларини кучайтириш учун Исломни терроризм ва қаттиққўлликка боглашди.

Дарҳақиқат, Франция президенти Макрон 2018 йил Франциянинг Ислом ва мусулмонларга қарши адоватини тан олиб шундай деди: «Исломда адovat ва қаттиққўллик мавжуд бўлиб, бу бизнинг эркин давлат ва эркин жамият сифатидаги қонунларимизга шубҳа уйғотади. Бизнинг давлат ва жамиятимиз асослари диний характердаги таълимотларга бўйсунмайди». Макрон бу сўзларни мусулмонлар Фарбнинг мунофиқлиги ҳамда эркинлик ва тенглик ҳақидаги даъволарида ёлғончилигини англашгач, шунингдек, Фарб мусулмонларни эркинликтан тўсиб, Ислом ва мусулмонларга адovat қилаётганларга эркинлик берадётганини кўришгач айтган эди.

Улар айрим мусулмонлар амалга ошираётган қуролли хужумлардан ҳам фойдаланишиди. У ҳужумлар исломий юртлардаги мустамлакачига қарши амалга ошириладими ёки гарбликларнинг ўз ховлисида мустамлакачига қарши амалга

ошириладими фарқсиз эди. Мустамлакачи давлатлар ва уларнинг малай режимлари кўпинча хужумлар ва портлашларни уюштириб, Исломни бузиб кўрсатиш ва унга амал қиласётганларга қарши курашни оқлаш учун бу ишларни мусулмонга боғлайдилар. Бу эса, уларнинг Исломни бошқарувга қайтиши олдини олиш, мусулмонларнинг уйғонишини тўхтатиш ва Ислом ҳақидаги назарияларини таъкидлаш учун бўлган урушида ахборот воситаларига материал бўлади. Албатта биз кўриб турибмизки, оламнинг барча давлатлари Исломга қарши курашда (террор)ни баҳона қилиб олишган ва барча ахборот воситаларини шу йўлда ишлатади. Улар ўз режимларини халқ кўзголонларидан ҳимоя қилишни исташади. Улар одамларни қўзголонларга Ислом ундаётгани ҳамда одамлар ўзлари дуч келаётган зулм, репрессия ва хўрлашлардан халос бўлиш учун Исломни татбиқ қилишга ҳаракат қилаётганларини билишади.

Мана масалан АҚШ давлат котиби Помпео 2019 йил 10 январда Мисрга қилган ташрифи чоғида Америка Мисрнинг золим ҳокими Сисийни Исломга қарши курашида кўллаб-куватлашини айтди. У «Америка Ўрта Шарқдаги барча дўстларимизга хатар тудираётган (террор)га қарши курашда Миср билан бирга, чунки радикал Исломнинг хатари ҳақиқийдир», деди. Демак, Исломга қарши кураш айрим қуролли хужумлар сабабли эмас, балки улар Исломни ўзлари ва уларга малай режимларга хатар деб ҳисоблашгани ҳамда Ислом бошқарувга қайтса, минтақани уларнинг ифлослигидан тозалаши ва улар минтақа бойликларини ўғирлашдан маҳрум бўлишларини билганлари туфайли бўлмоқда.

Жамиятларнинг вазияти ва замонавий ихтиrolар туфайли электрон алоқа воситалари одамларнинг ҳаётида, уларни маълумотлар билан таъминлашда ва уларга таъсир ўтказишида муҳим роль ўйнайдиган бўлиб қолди. Шунинг учун уларга эътиборсиз қараб бўлмайди, балки (Вожиб нима билан адогига етса, ўша нарса ҳам вожибdir) қоидасига мувофиқ уларни ишлатиш фарзdir. Хусусан душманлар Ислом, мусулмонлар ва унга амал қилувчиларга қарши курашда ундан фойдаланмоқда ва Аллоҳнинг нурини ўчирмоқчи бўлмоқдалар. Шундай экан, имкони борича шу нарсага эътибор қартишимиз лозим. Токи, Аллоҳ коғирлар ва уларнинг дўстлари хоҳламасаларда, бизнинг воситамиизда ўз нурини ҳар тарафга ёйсин.

Маҳаллий, минтақавий ва халқаро аренада бўлаётган сиёсий ўзгаришларни ва жанг майдонларидағи воқеаларни кузатган ҳамда спутник каналлари, радио ва ўргимчак тўридаги ижтимоий алоқа

сайтларидағи хабарларни кузатган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Чунки улардан тўғри маълумот олиш қийин ва ўша маълумот асосида воқеликка нейтрал баҳо бериб бўлмайди. Ёки воқеликка баҳо бериш учун маълумот тарқатувчининг дунё қарashi асосида эмас, балки воқелик қандай бўлса шундайлигича кўчириш имконияти йўқ. Бу воқелик сиёсий бўладими ёки иқтисодий бўладими ёки ижтимоий бўладими бундан қатъий назар, кузатувчи уни таҳлил қилиши, тушуниши ва у хақда хос нуқтаи назарини бериши мушкулдир.

Аммо бу ерда воқега баҳо бериш билан шахснинг ушбу воқе ҳақидаги нуқтаи назари ўртасида катта фарқ бор. Чунки воқе барча одамлар наздида бир хил таърифланади ва умумийдир. Аммо мана шу воқе ҳақидаги нуқтаи назар шахслар, жамиятлар ва мабдалар орасида турличадир. Бу нарса мабда, жамият ва шахсларнинг ақидаси, мана шу ақидадан балқиб чиқсан тушунчалар ва ундан туғилган ҳаёт тарзига қараб бўлади.

Ҳар қандай жамият ёки умматнинг сақофати уларнинг ўзларига хос бўлиши лозим. Чунки сақофат ўзига хос ақидаси бўлган мабдадан балқиб чиқади. Мабда эса, ундан тузум балқиб чиқадиган ақлий ақидадир. Жамият шахслар, фикрлар, туйғулар ва низомлардан таркиб топади. Демак, ушбу жамиятнинг фикрлари, туйғулари ва низомлари ўша жамиятнинг шахслари имон келтирган мабданинг ақидасидан бўлиши лозим. Балки ушбу жамиятнинг шахсларининг ақлия ва нафсијларида ўша фикрлар ва туйғулар бўлиши лозим. Шунингдек, ушбу мабданинг низомлари ўша шахсларга татбиқ қилиниши лозим. Ушбу мабданинг низомлари ижроий жиҳоз, яъни давлат орқали татбиқ қилинади, демак давлат учун одамлар устидан султони бўлиши керак. Лекин бу султон мутлақ бўлмайди, балки у мабданинг низом ва ҳукмларига бўйсунади ва муҳосаба назорати остида бўлади. Ушбу султонга имконият яратган жиҳат Уммат бўлиб, султон ўша Умматнинг вакили сифатида уларга мабданинг низом ва ҳукмларини татбиқ қиласди. Ушбу низом ва ҳукмлар ҳокимият устунлиги билан таъминланган тақдирдагина фуқародан олдин ҳокимни тийиб қўйишга қодир кучга эга бўлади. Демак, низом ва аҳкомлар кучи ҳокимиятга боғлиқ бўлиб, уларнинг сақланиб қолиш кафолати одамларнинг уларга бўлган қаноати ва уларни маҳкам тутишидадир. Уларнинг фаолияти эса, тўғри татбиқ қилинишида.

Аслида мабда одамлар яшаётган воқенинг муаммоларига фойдали ечимлар беради. Лекин ушбу ечимлар турли муаммоларга йўлиқади. Улар икки хил бўлади:

Биринчиси: Уммат имон келтирган мабданинг ақидаси муолажа қиласиган муаммолар.

Иккинчиси: Билим ва мутахассислар муолажа қиласиган муаммолар.

Биринчи қисм ҳақида айтадиган бўлсак, уларни Уммат имон келтирган мабданинг ақидаси билан муолажа қилинади. Бунда муолажа Умматнинг розилиги ва қаноати билан танланган ҳамда Умматнинг вакили бўлган султон орқали амалга оширилади. Шунингдек, муолажа мабданинг ақидаси доирасида бўлади. Токи, муолажалар турли-туман бўлиб, келишмовчилик ва тортишув пайдо бўлмасин.

Иккинчи қисм эса, мутахассислар томонидан амалга оширилади. Бир шарт биланки, бу муолажалар Уммат қабул қиласиган мабданинг ақидасига зид бўлмаслиги лозим. Мана шу жойда ишларни ҳал қилиш, чиройли назорат қилиш ҳамда жамиятни парчаланиш ва қулашдан сақлашда Умматнинг ноиби бўлмиш султоннинг нақадар аҳамиятли экани кўринади.

Бугун медиа ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамиятли бўлиб қолди. Чунки унинг воситалари, услублари ва тарқалиши кўпайди. Медиа бутун оламни кичкина қишлоққа айлантириб қўйди. Бунда у шахсларга хизмат қиласими ёки давлатларгами бунинг фарқи йўқ. Шунинг учун воқеалар тўғрисида хабар бериш ҳамда маълумот ва ёзишмалар алмашишда медиага суюнмасликнинг иложи йўқ. Илмий техника қанчалар ривожлангани сари ишлар тез ва мукаммал битмоқда. Шунингдек, кузатувчилар учун маълумотлар осон ва енгил етиб бормоқда. Бу хизматлар жиҳатидан. Медианинг фикрий ва сиёсий жиҳатдан ҳам аҳамияти катта ва у жамоатчилик фикрини пайдо қилишда гавдаланади. Шунинг учун биз мусулмонлар тўртинчи ҳокимият номли медианинг ҳақиқати, унинг хабарлар индустрисидаги роли ҳамда уни одамларга медиа устидан ҳукмрон бўлиб турганлар манфаатига хизмат қиласиган суратда тақдим қилинишини яхши тушунишимиз лозим. Аслида медиа воқеа ҳақида тўғри суратни тарқатиши лозим, бўлмаса алдов ва адаштириш бўлади. Дезинформация (нотўғри маълумотларни бериб чалғитиш) – одамларда ҳақиқатга зид тасаввурни пайдо қилиш учун адаштирувчи фикрларни ва нотўғри маълумотларни тарқатишдир.

Албатта Ғарб Исломга қарши курашдан чарчамайди. Ғарб мана шу курашни ўз манфаати томонга ҳал қилиш учун турли восита ва услубларни ишлаб чиқди. Умматнинг фикрлаши ва эътиборини ўз манфаатига буриш учун янги услугуб ўйлаб топди ва бу йўлда миллиардлаган пулларни сарфлади. Бу ишда медиага юкланган вазифа одамларда Ислом ва унинг низоми ҳақида бузук раъи ом пайдо қилиш билан бирга Умматни ҳақиқий ўзгартеришга олиб борадиган фикрлашдан узоқлаштириш бўлди.

Агар адаштирувдан огоҳ бўлинмаса, у Уммат ва унинг мабдаси ўртасида ёриқ пайдо қиласди. Шунингдек, бошқа халқларни ҳақ динга киришидан тўсади. Биз буни бугун кўриб турибмиз.

Ислом давлатида медиа Ислом ва мусулмонларга хизмат қилиш учун бу соҳада давлат қабул қилган сиёсатга мувофиқ иш юритади. Ичкарида бир-бирини маҳкам ушлаган ҳамда ифлосини улоқтириб, софини олиб қоладиган исломий жамият куришда хизмат қиласди. Ташқарида эса, тинчлик ва уруш ҳолатида Исломни намойиш қиласди, унинг улуғлиги, адолати ва қўшинининг кучини кўрсатади. Шунингдек, одамлар ишлаб чиқсан низомларнинг бузуклиги, зулми ва қўшинининг заифлигини кўрсатади. Бу яқинда Аллоҳнинг изни билан тикланажак Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи Халифалик давлатида рўй беради. □

ҚУРЬОНИЙЛАР

А. Нур Ахмад – Ғазо

Қуръонийлар – суннатга амал қилишни оғир күриб, уни инкор қилиш ёки енгиллаштиришдан шифо излаган кишилардир. Бундай иш тутиш билан улар ўз заифликларини янада кучайтириб, ҳайратдан жар ёқасига келишди ва натижада жаҳолат ва залолат қаърига равона бўлишди. Қуръонийлар икки гурухга бўлинади: Биринчи гурух суннатни очик инкор қиласди, иккинчи гурух эса суннатни парда ортидан инкор қиласди.

Биринчи гурух ҳақида айтадиган бўлсак, улар Мухаммад ﷺга итоат қилиш вожиблигини инкор қилиш орқали воқеий (Қуръон томонидан тасдиқланган) суннатни инкор қилишди. Шунингдек, нақл қилинган суннатларни уларнинг ровийлари, матнлари ва китобдаги рўйхатларини рад этиш орқали инкор қилишди. Улар шу каби аҳмоқликларни қилиб, шайтонга эргашгандаридан кейин навбат Қуръонга келди. Натижада, Қуръон оятларини ҳужжатсиз таъвил қилишди ва ҳайратомуз ишларни амалга оширишди. Зоро, улар Суннатни ва Росууллоҳ ﷺдан ибрат олишни инкор қилишган ҳамда ривоятларни рад этишган эди. Улар айрим ровийларни инкор қилишда қадимгиларнинг нақл қилган нарсаларини баҳона қилишди. Ҳолбуки, ўша қадимгилар уларда суннатни инкор қилиш учун қандайдир сабабни кўрмаган эдилар. Улар «Бизга Аллоҳнинг китоби кифоя қиласди», дейишди. Демак улар Қуръонни тушунишда ўзлари хоҳлаганича иш тутадилар, ҳийла найранг қиласдилар ва араб тилини пастга урадилар. Бу улар учун катта юк ва ташвиш бўлади. Улар Росууллоҳ ﷺнинг суннати ўз замонига хос бўлган, биз учун шарт эмас, Қуръон эса бизнинг замон учун ва биз учун керак дейишади.

Аммо иккинчи гурух суннатни Аллоҳнинг китобига зид деган даъво билан инкор қилишади. Улар – ҳадис Қуръонга зид келгани учун уни қабул қилмаймиз дейишади. Улар икки гурух ичida ҳатарлироғидир. Чунки уларнинг даъволари қалбга яқинроқ ва қабул қилишга осонроқдир. Аммо уларнинг суннат ҳақидаги якуний сўзлари аввалги гуруҳнинг бошланғич сўзи билан бир хил. Чунки улар ҳақиқатда ҳадисни Қуръонга қарши қўймайдилар. Лекин уни Қуръондан ўзлари хоҳлаган маънога бурадилар. Улар бошланишда одамлар билан тўқнашувга бормайдилар, лекин охирида уларнинг ақлларига билдиримай кириб оладилар.

Ха, бу қуръонийлар ва уларнинг даъвосидир. Аммо уларнинг бугун пайдо бўлишига келсак, улар аслида ўн тўққизинчли асрнинг бошларида Ҳиндистон ярим оролида пайдо бўлишди. Бу

ҳаракатнинг ноараб юртда пайдо бўлиши ўша даврга келиб бу қитъада араб тили заифлашган ҳамда мусулмонлар тариҳида эгри-буғри таълимот ва миллатлар чиқсан эди. Чунки араб тилининг заифлашиши фикрий хйила-найрангларнинг кўпайишига олиб келди. Исҳоқ ибн Иброҳим Ханзалий айтади: «Хуросон бидъат ва ёлғонда тенги йўқ уч кишини чиқарди. Улар Жаҳм ибн Сафрон, Умар ибн Сабих ва Муқотил ибн Сулаймонлардир». Имом Абу Ҳанифадан шундай ривоят қилишган: «Бизга Шарқдан икки жирканч фикр кириб келди, худосиз Жаҳм ва шубҳали Муқотил».

Куръонийлар ва уларнинг мақолалари бугун пайдо бўлган бўлса-да, исломий тариҳда уларнинг ўлик илдизлари бўлиб, уни шарқшунослар тирилтириди. Улар бу илдизларга қайта жон бериб, мусулмон фарзандларини булғашди. Бундай илдизлар Росулуллоҳ ﷺ даврида ҳам бўлган эди.

Абдуроҳман ибн Авған ﷺ айтади: Мен Росулуллоҳ ﷺ эшитган барча нарсани ёдда сақлашни хоҳлаб, ёзиб борар эдим. Лекин Қурайш мени бу ишдан қайтариб, айтдики: Росулуллоҳ ﷺдан эшитган барча нарсани ёзаверасанми? Ахир у киши ҳам инсон, розиликда ҳам гапиради, газабланганда ҳам гапиради. Шундан сўнг ёзишдан тўхтадим ва бу ҳақда Росулуллоҳ ﷺга хабар бердим. Шунда у киши оғзига ишора қилиб:

«أُكْتُبْ، فَوَاللَّهِ نَفْسِي بِيَدِهِ، مَا خَرَجَ مِنْهُ إِلَّا حَقًّا»

«Ёзавер, жоним қўлида бўлган зотга қасамки, бу ердан фақат хақиқат чиқади», дедилар. Абу Довуд ва бошқалар чиқарган, исноди сахих. Ўша илдизлардан яна бири Ҳаворижлар бўлиб, улар ҳам суннатни инкор қилган ва Исломни тушунишда ғаройиб ишлар қилишган эди. Улар ўзларининг ораларидаги суннатни нақл қилган кишиларни коғир деганлари учун суннатни инкор қилишди. Имом Шофеий ўзининг «Илм тўплами» номли китобида хабарларнинг барчасини инкор қиласиган гуруҳ ҳақида ва уларнинг айримлари яъни оҳод хабарларни инкор қиласиган гуруҳ ҳақида ёзган. Ўша илдизлардан яна бири Бишр Марийсийга нисбат бериладиган Марийсийлар фирмасидир. Бишр Марийсий ўз тобеларига шундай васият қилган эди: «Агар сизларга Куръондан хужжат келтирсалар, уларни таъвил билан алданг, агар ҳадисдан хужжат келтирсалар, уни ёлғонга чиқаринглар». Шулардан аён бўладики, куръонийларнинг пайдо бўлиши ҳақ билан ботил ўртасидаги курашнинг бир кисмидир.

Пайғамбаримиз ﷺ у кишининг суннатини инкор қилувчилар чиқиши ҳақида башорат қилганлар. Миқдом ибн Маъд Яқриб Росулуллоҳ ﷺдан ривоят қиласиди:

﴿أَلَا إِنِّي أُوتيتُ الْكِتَابَ وَمِنْهُ مَعَهُ، أَلَا يُوشِكُ رَجُلٌ شَبَعَانُ عَلَى أَرِيكَتِهِ يَقُولُ: عَلَيْكُمْ هَذَا الْقُرْآنُ، فَمَا وَجَدْتُمْ فِيهِ مِنْ حَلَالٍ فَأَحَلُوهُ، وَمَا وَجَدْتُمْ فِيهِ مِنْ حَرَامٍ فَحَرِّمُوهُ...﴾

«Огох бўлингизким, менга Куръон ва унга ўхшалиши берилди. Шундай замон келадики, унда қорни тўқ бир киши ўз тўшагига ўтириб олиб: Сизларга ушбу Қуръон кифоя қилади, унда нима ҳалол қилинган бўлса, ҳалол денг, нима ҳаром қилинган бўлса, ҳаром денг дейди...». Росулуллоҳ қорни тўқ киши деганларида барча нарсаси етарли ва фаровон турмуш тарзи туфайли уйдан чиқмайдиган ва ўз тахминларига суюниб, илм изламайдиган кишини айтган эдилар. Хитобий айтади: «Ушбу ҳадисда шундай далил борки, унга кўра ҳадисни Куръонга таққослаб кўриш шарт эмас. Балки Росулуллоҳ қорни тўқдан событ бўлган ҳар қандай нарса ўзича хужжат бўлаверади».

Аммо ривоят қилган

«إِذَا جَاءَكُمْ الْحَدِيثُ فَاعْرُضُوهُ عَلَى كِتَابِ اللَّهِ، فَإِنْ وَافَقَهُ فَخُذُوهُ...»

«Агар ҳадис ривоят қилсалар, уни Қуръонга таққослаб кўрининг ва Қуръонга мос келса, уни олинглар...», ҳадиси асли йўқ ботил ҳадисдир. Закариё Сожий Яҳё ибн Муиндан ривоят қилишича у киши: «Бу ҳадисни зиндиқлар ўйлаб топган» деган эди. Зиндиқлар куръонийларнинг охирги фирмалариданdir. Улар ўз фикрларини қувватлаш учун Суннатнинг Қуръонга зид келиши тўғрисида ҳадислар тўқишиган. Лекин улар ўзлари тўқиган ҳадислари Қуръонга зидлигига ақллари етмаган. Чунки Аллоҳ Таоло ҳеч қандай чекловсиз мутлақ ва мустақил равишида ўз Росулига итоат қилишга буюрган. Бу каби ҳадисларнинг санад жиҳатдан ҳеч қандай қиймати йўқ. Чунки уларнинг маъноси ботил ва ёлғондир.

Бу қуръонийлар ва уларнинг даъволарининг пайдо бўлиши ҳақидаги қисқача изоҳ эди. Аммо суннатни инкор қиладиган биринчи гурух йўлига келсак – аслида ушбу мақола ўшалар ҳақидадир – у адаштирувчи ва шубҳа уйғотувчи йўлдир. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِيٍّ عَدُوًّا شَيْطَنَ إِلَيْنَاهُنَّ وَالْجِنِّ يُوحَى بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ زُحْرَفَ الْقُولُ عُرُورًا وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ مَا فَعَلُوا قَدَرُهُمْ وَمَا يَفْتَرُونَ ﴿٤٦﴾ وَلِتَصْنَعَ إِلَيْهِ أَفْهَدَهُ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ وَلِيَرْضُوَهُ وَلِيَقْتَرِفُوا مَا هُمْ مُّقْتَرِفُونَ﴾

«Шунингдек, ҳар бир пайгамбар учун инсу жин(дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялтироқ) сўзлар билан васваса қиласадилар. Агар

Парвардигорингиз хоҳласа, ундаи қилмаган бўлур эдилар. Бас, уларни тухмат-бўхтонлари билан бирга тарк қилинг! Ундаи сўзларга охиратга ишонмайдиган кимсаларнинг диллари мойил бўлиши учун ва ўша сўзларга рози бўлиб, ўзлари қилмоқчи бўлган гуноҳларини қилишлари учун (у шайтонлар васваса қиласидилар)»

[Анъом 112-113]

Биз бу ерда уларнинг тўқималаридан бир жиҳатини келтирамиз, улардан бири матнларга зарба бериш орқали адаштиришdir. Куръонийлар ҳақиқатларни рад қилиш учун адаштиришини кўллашади. Бу адаштириш стандарт тил ёки формал мантиқ, яъни Аристотель мантиқи номли нарсага таянади. Бу эса, хулоса ясаш учун асосларни тартиблаштириш деганидир.

Мантиқдаги адаштириш сири нотўғри муқаддималарни ёки биттаси нотўғри бўлган муқаддималарни таққослаб, ботил хулоса ясашдадир. Масалан, улар матнлар борасида шубҳа уйғотишади. (Хурмони чанглантириш) ҳадисида шундай келади:

«إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ بِقَوْمٍ يُلْقَحُونَ، فَقَالَ: لَوْلَا تَعْلَمُوا لَصَلْحَةَ. قَالَ: فَخَرَجَ شِيشِصَا، فَمَرَّ هُمْ فَقَالَ: مَا لِتَحْلِكُمْ؟ قَالُوا: قُلْتَ كَذَا وَكَذَا، قَالَ: أَنْتُمْ أَعْلَمُ بِأَمْرِ دُنْيَاكُمْ»

«Пайғамбаримиз ﷺ хурмони чанглантираётган кишилар олдидан ўтиб кетаётиб уларга: Ундаи қилмаганингизда яхши бўлар эди, дедилар. Сўнгра хурмонинг данаги қотмай яна ўтди ва уларга хурмойингиз нима бўлди (яъни яхши мева қилмабди-ку) деган эдилар, улар: Ахир сиз шундай, шундай деган эдингиз-ку дейишди. Шунда у киши: Дунё ишларини ўзингиз яхши биласиз, дедилар». Баззорнинг Хаммоддан қилган ривоятида Росулуллоҳ ﷺ:

«أَنْتُمْ أَعْلَمُ بِمَا يُصْلِحُكُمْ فِي دُنْيَاكُمْ، فَمَمَّا أَمْرُ آخِرَتِكُمْ فِي إِلَيْيَ»

«Дунёйингизни ислоҳ қиласидиган ишларни ўзингиз яхши биласиз, аммо охират ишларингиз менгадир», дейди. Шубҳа уйғотувчилар айтадиларки, бу Росулуллоҳ ﷺга тухматdir. Чунки Росулуллоҳ ﷺни одамларнинг яشاшига путур етказиши ва меваларини зое кетказишига сабаб қилиб бўлмайди. Агар шундай бўлса, бу ҳадис ботилdir дейишади. Лекин ҳайронликдан энсаси қотган анавилар тушиб қолган адаштириш шундан иборатки, Росулуллоҳ ﷺ бу воқеага элчи ва пайғамбар сифатида эмас, балки идоравий ишдаги ҳоким ва раҳбар сифатида ёндашдилар. Бу пайғамбарлик ва рисолат мақомига лойик бўлмаган диний ва таблиғга оид иш эмас эди. Шунинг учун улар ҳақиқий асос

(муқаддима) деб ишонган нарса хато бўлиб, у адаштирувчи муқаддимадир.

Куръонийлар гапнинг бир қисмини унинг барчасига умумлаштириш каби адаштиришни ҳам қўллашади. Масалан «Ер» ҳақидаги ва осмон у ернинг етти кунда яратилгани ҳақидаги ҳадисни олайлик. Имом Муслим бу ҳадисни «Яратишнинг бошланиши» номли бобда Абу Ҳурайрадан шундай ривоят қиласди: «Росулуллоҳ Қўлимдан ушлаб: Буюк ва улуғ бўлган Аллоҳ ерни шанба куни яратди, якшанба куни унда тоғларни яратди, душанба куни дараҳтларни, сешанба куни макруҳ нарсаларни, чоршанба куни нурни, пайшанба куни ҳайвонларни, жума куни асрдан кейин, охирги соатларда, аср билан тун ўртасида, энг сўнгги маҳлук Одам ҳадисни яратди». Илк пайдо бўлган қуръонийлар бу ҳадиснинг санади ва матнини муҳокама қилиб, кўпчилиги Муслим унда хатога йўл қўйган дейишган. Яъни, уни тақдим этишда хато қилган, чунки бу ҳадис Каъбул Ахбор томонидан ривоят қилинган дейишади. Бошқалар эса, уни санад ва матн жиҳатидан саҳих ҳисоблашган. Чунки уларда Маймуна онамизнинг турли иллатлардан тоза жавоблари бор. Нима бўлганда ҳам, агар ҳадис улар наздида хато бўлса, уни Муслимнинг саҳихи ёки бошқасига умумлаштириб бўлмайди. Чунки хато ўз ўлчами билан ўлчанади. Лекин қуръонийлар уни олиб, барча ҳадис ва барча китобга умумлаштиришади. Бу очик ботил ишдир.

Адаштирувлардан яна бири ровийлар, хусусан Абу Ҳурайрага ўхшаш кўп ҳадис ривоят қилган кишиларни қоралаш. Улар айтишадики: Абу Ҳурайрининг ривоят қилган ҳадислари беш мингга яқин, бу қандай бўлиши мумкин?! Ҳадислар сони жуда кўп, лекин у кишининг Росулуллоҳ Қўли билан бирга бўлган даври ўта қисқа дейишади. Бу адаштиришни қуйидаги ҳақиқатлар рад этади:

Биринчи: Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисларининг ҳақиқий сони турли йўллар ва гувоҳлар орқали ривоят қилинганларини ҳисобга олмаганда 1300тадан ортмайди. Бу эса, у кишининг Росулуллоҳ Қўли билан бирга бўлган даврига нисбатан жуда ҳам оздир.

Иккинчи: Агар у киши ривоят қилган ҳадисларининг сони 5000та деб фараз қилсак, сўнгра унинг Росулуллоҳ Қўли билан бирга бўлган даври, яъни 1460 кунга тақсимласак, у киши бир кунда учта ҳадис ёд олгани маълум бўлади. Бу эса табиий ишдир.

Учинчи: Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисларнинг барчаси Росууллоҳ дан эшитган эмас. Балки ўзига ўхшаган саҳобалардан ҳам ривоят қилган. Саҳобалар бир-биридан ривоят қиласидилар, саҳобанинг мурсал ҳадиси қабул қилинишига иттифоқ қилинган.

Тўртинчи: Ёш жиҳатдан саҳобалар ичидаги энг кичикларидан бўлган Ибн Аббос ривоят қилган ҳадислар сони ҳам минглаган сонни ташкил қиласиди. Агар Абу Ҳурайранинг ривоятига шубҳалансак, Ибн Аббосга ҳам шубҳаланишга тўғри келади.

Бешинчи: Абу Ҳурайра ёлғиз ўзи ривоят қилган ҳадислар жуда ҳам оздир. Уларнинг кўпини бошқа саҳобалар ҳам ривоят қилган.

Олтинчи: Арабларда эслаб қолиш қобилияти кучлидир. Улар ўн минглаган байтларни ёддан билишган. Шундай экан, Аллоҳ уларни Ислом билан сийлаганидан кейин ўzlари учун энг суюкли кишининг сўзларини ёдлаш оғир бўлиши мумкинми?

Уларнинг адаштирувларидан яна бири, бир саҳоба бошқа саҳобанинг ривоятини инкор қилишини, ёки унинг ҳис қилган нарсасига қарши чиқишини, ёки саҳобий гувоҳи бўлган воқеага қарши чиқишини ҳадис билан Қуръонни жамлаш имконсиз эканига баҳона қилишади. Шунингдек, бу хабарни инкор қилиш-ку дейишади. Масалан улар Умар  Фотима бинти Қайснинг хабарини инкор қилганини келтиришади. Хабарда шундай келади: Шаъбий, яъни Омир ибн Шароҳил айтади: Росууллоҳ  унга, яъни Фотимага талоқ қилингандан кейин уй ҳам, нафақа ҳам белгиламади деб айтаётган эди, Асвад ибн Язид бир сиқим майда тошни олиб унга сочиб юборди. Сўнгра: Шундай ривоят қиласанми, Ахир Умар : Бир аёлнинг гапига таяниб Қуръон ва суннатни тарқ этмаймиз. Чунки биз уни ёдда сақлаб қолганми ёки унугланми билмаймиз. Унга уй ҳам нафақа ҳам тайин қилинган дея Аллоҳ Таолонинг қуйидаги

﴿لَا تُخْرِجُهُنَّ مِنْ بُيُوتِهِنَّ وَلَا يَخْرُجُنَّ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَنَّ بِفَحْشَةٍ مُّبِينَ﴾

«(То иддалари тугагунча) уларни (ўzlари яшаб турган) уйларидан ҳайдаб чиқарманлар ва улар ўzlари ҳам чиқиб кетмасинлар. Фақат улар очиқ фаҳишини (яъни бузуқлик ёки беҳаёлик каби қилиқларни) қиласаларгина, (яшаб турган уйларидан ҳайдаб чиқарилурлар)» [Талок 1] оятини ўқиганку – деди.

Аммо бу хабар туфайли барча хабарларни ёки ҳадис илмини айблаш жоиз эмас. Чунки Умар  ўша пайтда ҳадис илми билан шуғулланар эди. У бир хабарни инкор қилган бўлса, бир қанча

хабарларни қабул қилган. Шунингдек, бу Умар ғанинг фикри ва унинг ушбу йўли уламо саҳобаларнинг йўлидир. Уларнинг барчаси хабарларни тасдиқлаб, тўғрилигини текширас эдилар. Ҳадис олимлари ҳам худди шу йўлдан юришган. Ҳадис илми событ ва мустаҳкам бўлиб, уни илмсиз жоҳилларгина айблайди. Шунга кўра, Умар ва бошқалар ҳадис илми билан шуғулланиши уни таҳқирламайди, балки кучайтиради. Шунингдек, саҳобанинг бир хабарни инкор қилиши бошқасига ҳам шарт эмас. Бошқаси уни қабул қилиши ва унга юриши мумкин. Чунки асос ва фикрлаш йўли битта лекин маълумотлар турлича бўлиши мумкин.

Аммо суннатнинг девон қилиниши жиҳатидан айблашларига келсак, улар: Суннат бир ярим аср кейин девон қилинган. Шунинг учун у вазиятга мосланган бўлиши, хато юз бериши ва бошқа сўзлар аралашган бўлиши мумкин дейишиди. Бу даъво ҳам адаштиришdir, лекин у ҳақиқат олдида синади. Чунки суннатнинг девон қилиниши ўша давргача кечиккан эмас, балки у Пайғамбаримиз ғанинг давридаёқ бошланган. Ҳатто бу иш Пайғамбаримиз тириклигига ва у кишининг бевосита кўрсатмаси билан амалга ошган. Масалан у кишининг турли халқлар етакчилари ва қабила бошлиқларига юборган мактублари ҳамда улар ўртасида тузилган сулҳ ва иттифоқлар ҳозиргача ишончли хужжатларда сақланмоқда. Ҳатто уларнинг айримларида Росууллоҳ ғанинг муҳрлари сақланиб қолган. Ўша мактублардан бири Росууллоҳ ғанинг омилларига ёзган мактуби бўлиб, унда уларга ўз вилоятларида кўтарилаётган закот, хун ва мерос ҳукмлари ҳамда баъзи қонунлар борасидаги даъволашувларни ҳал қилиш юқлатилгани ёзилган. Булар ҳақида Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ва имом Али саҳифаларида ҳам ёзилган. Шунингдек, Макка фатҳи йилида Пайғамбаримиз ғанинг Абу Шоҳ Яманийга ёзган мактуби ҳам сақланган. Шунинг учун Пайғамбаримиз асида суннат девон қилинмаган деган гап ҳақиқатдан йироқ гапдир.

Ўша пайтда зарурат бўлмагани учун оз миқдордаги суннат девон қилинган деган гапга келсак, суннат одамлар қалбида сақланган эди. Лекин у одамлар ёлғонга ўрин бўлмаган аввалги аср одамлари бўлиб, улар дин омонатига хиёнат қилинмаган эди. Шунингдек, Пайғамбаримиз ғанинг ўлар ёзаётган суннат Қуръон билан аралашиб кетишидан кўрқсанлари учун уларни тўпланиб ёзишига рухсат бермаган, балки айрим шахсларга рухсат берган эдилар. Рошид Халифалар даврида ҳам шу ҳолат давом этди. Чунки улар ҳам эҳтиёж бўлмагани туфайли тўпланиб девон қилишга эътибор беришмади. Шунингдек, улар Исломга янги кирганлар хабарлар

ўртасидаги қарама-қаршиликлар билан овора бўлиб қолмаслиги учун унга эътибор беришмади.

Девон қилиш жуда кеч бошланган ва у иккинчи аср ўрталарида ёки учинчи асрда бўлган деган гапга келсак, у муболаға ва алдовдир. Чунки қайд қилиш хижратнинг иккинчи асли бошланиши (101 хижрий), яъни рошид халифа Умар ибн Абдулазиз ﷺ даврида бошланган. Ушбу халифа суннатга путур етиши ҳамда ботил билан ҳақ аралашиб кетишидан кўркиб, уни тезда жамлаш, ёзиш ва қайд қилишга киришиш ҳақида фикр қилди. Сўнгра биринчи хижрий асрнинг охири ва иккинчи асрнинг бошларида айrim ишончли уламоларга уларнинг исломий шаҳарлардаги мартабасига қараб мактуб йўллади.

Имом Молик Муваттода ривоят қилишича, Умар ибн Абдулазиз Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Хазмга шундай деб мактуб ёзди: «Росулуллоҳ ﷺ хадиси, ёки суннати, ёки Умарнинг хадиси, ёки шунга ўхшашларга разм сол ва уни ёз. Чунки мен илм дарслари ва уламолар ўтиб кетишидан қўрқяпман». Шу билан кунъонийларнинг матнлар, ровийлар ва қайд қилиш борасидаги шубҳалантиришлари ҳақидаги гап мукаммал бўлди деб ўйлайман.

Аммо уларнинг Росулуллоҳ ﷺ га итоат вожиблигини инкор қилишларига келсак, қуръонийлар «воқеий суннат» яъни Росулуллоҳ ﷺнинг сўзлари, феъллари ва такрирларида у кишига эргашиб вожиб эканини инкор қилиш учун чалғитишади. Улар Куръонда бу ҳақда бирорта ҳам оят келмаган дейишади. Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайгамбарга бўйсунингиз!» [Нисо 59]

деган қавлидан мурод рисолатга, яъни Куръонга итоат қилинг деганидир дейишади. Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَا آتَيْتُكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾

«Пайгамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар» [Хашр 7]

деган қавлидаги нима сўзидан мурод ўлжалардир дейишади. Улар шундай алдашади ва ёлғонларини шу тарзда ўтказишади. Биз эса, уларнинг ёлғонларига шундай жавоб қиласиз: Биринчи оятдаги кўрсатма уларни тинч қўймайди. Чунки Аллоҳ Таоло унда Росулга итоат қилишга алоҳида буюрятти. Агар ундан мурод Куръон бўлганида,

﴿وَطِيعُوا الرَّسُولَ﴾

(Пайгамбарга бўйсунингиз!), демаган бўлар эди. Аммо иккинчи оятдаги кўрсатмага келсак, унинг лафзлари умумийдир. Шунинг учун «Эътибор сабабнинг хослигига эмас балки лафзнинг умумийлигидир» қоидасига асосан лафзнинг умумийлигига эътибор қаратамиз. Чунки ۱۰ лафзи Куръонни ҳам бошқасини ҳам камраб олади.

Куръонийлар Муҳаммад ﷺ га итоат қилиш вожиблиги борасида Пайғамбарлик мақоми билан Росул мақоми орасида фарқ бор дейишади. Айтадиларки, рисолат олиб келган росуллiği жиҳатидан у кишига итоат қилиш вожиб. Аммо ўз замони ва қавми устидан ўз фикри билан хукм юритадиган Пайғамбарлиги жиҳатидан у кишига итоат қилиш вожиб эмас. Чунки бунда хато ва янглишишлар бўлиши мумкин дейишади. Лекин бу гап бир неча жиҳатдан жаҳолат ва адашишга тўла гапдир. Чунки Куръон бу икки сифатни ажратмасдан итоат қилишга буюрган. Масалан Аллоҳ Таоло бир оятда

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишимовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган хукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» [Нисо 65]

деса, бошқасида

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُ تُحْبِبُونَ اللَّهَ فَأَتَئِعُونِي يُحِبِّبُكُمُ اللَّهُ وَيَعْفُرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни магфират қиласди. Аллоҳ (гуноҳларни) магфират қилгувчи, меҳрибондир» [Оли Имрон 31]

дейди. Яна бир оятда эса

﴿وَمَا كَانَ لِئِيِّ أَنْ يَغْلِلَ وَمَنْ يَغْلِلُ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَمةِ﴾

«Хеч бир пайғамбар учун (урушдан тушган ўлжаларга) хиёнат қилиши жоиз эмас. Ким хиёнат қилса, қиёмат кунида (Аллоҳнинг ҳузурига) қилган хиёнати билан бирга келур» [Оли Имрон 161]

дейди. Агар Аллоҳнинг ушбу хитоби фақат Пайғамбарга хос бўлиб, бизга алоқаси бўлмаса, биз учун хиёнат қилиш жоиз бўлиб

қолади, шунинг учун бу ботил гапдир. Пайғамбар ﷺ таблиғ ва шариатда эмас, балки татбиқда муносиб иш қилмагани учун итоб қилинди (айбланди). Аллоҳ Таоло ўз пайғамбарини хато туфайли эмас, балки энг муносибини қилмагани учун итоб қилди.

Зеро, Ресулнинг Аллоҳ Таоло буйруқларига қарши чиқиши маҳолдир. Масалан, у киши асиirlар, ҳалолдан тийилиш ва бошқаларда Аллоҳнинг буйруғига қарши чиққан эмас. Ҳатто саҳобалар ﷺ таблиғ холати билан татбиқ холати ўртасини ажратишган. Чунки Ресуллоро ﷺ Бадр, Ҳудайбия ва бошқа жойларда таблиғ ва татбиқ холатига дуч келган. Шундай қилиб, бундай фарқлашнинг ҳеч қандай асоси йўқлиги ва уни ҳавола қилишга эҳтиёж йўқлиги маълум бўлади.

Куръонийлар Мұхаммад ﷺга итоат қилишни инкор қилишдаги яна бир адаштируви шундан иборатки, улар – ман қилиш фақат Аллоҳга хос, Пайғамбарда ман қилиш ҳуқуқи йўқ, пайғамбарнинг қайтаруви фақат ўз замонасига хос, бошқа замонга ўтмайди, дейишади. Бу жуда жирканч гап бўлиб, уни фақат жоҳил одамгина гапиради. Чунки Аллоҳ Таоло ўз Ресулнинг ман қилиш ҳуқуқи бор эканини тасдиқлаган. Аллоҳ Таоло бу ҳақида шундай дейди:

﴿وَلَا يُحِّرِّمُ مَا حَرَمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ﴾

«Аллоҳ ва Унинг пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билишмайди, Ҳақ (яъни Ислом) динига эътиқод қилишмайди»

[Тавба 29]

Аммо ушбу оят

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ لَمْ تُحِرِّمْ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكَ تَبْتَغِي مَرْضَاتَ أَرْوَاحِكَ﴾

«Эй пайғамбар, нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?!»

[Тахрим 1]

Пайғамбар ҳаром қилишга ҳаққи йўқ эканига далилдир деган гапга келсак, у мутлақо ботилдир. Чунки Пайғамбар Аллоҳ ҳалол қилганини ҳаром қилмади, балки қайта асал ичмасликка қасам ичган эди. Бунга кейинги яъни

﴿قَدْ فَرَضَ اللَّهُ لَكُمْ تَحِلَّةً أَيْمَنِكُمْ وَاللَّهُ مَوْلَدُكُمْ﴾

«Дарвоқеъ, Аллоҳ сизлар учун (маълум миқдорда каффорат-эваз тўлаб) қасамларингиздан қутулиб чиқишини буюрган-ку. Аллоҳ хожжаларингиздир. У билгувчиидир ва ҳикмат соҳибиидир» [Тахрим 2]

ояти далилдир. Аллоҳнинг ўз Пайғамбарига бўлган хитоби хато учун бўлмаган эди. Ҳатто у итоб ҳам бўлмаган эди. Балки бу энг муносиб ишни қилмагани учун хитоб эди. Шунинг учун

Пайғамбар ҳалолни ҳаром қилди дейиш жоиз эмас. Чунки Аллоҳ ҳалол қилған нарсани ҳаром дейиш куфрдир. Пайғамбарга куфр нисбатини бериш мумкин эмас. Шунингдек, Пайғамбар ман килингандык ишга тескари йўл тутди дейиш ҳам жоиз эмас. Чунки бу пайғамбарликка путур етказади. Лекин Пайғамбар қачон хоҳласа ҳалолдан ўзини тийиши мумкин.

Бунга Аллоҳ Таолонинг

﴿كُلُّ الظَّعَامَ كَانَ حِلًا لِّيَنِي إِسْرَاعِيلُ إِلَّا مَا حَرَمَ إِسْرَاعِيلُ عَلَى نَفْسِهِ مِنْ قَبْلِ أَنْ تُنَزَّلَ الْتَّوْرَةُ﴾

«Таврот туширилишидан илгари Исроил (Яъқуб) ўзига ҳаром қилған нарса (туяниг гўшти билан сути)дан бошқа барча таомлар Бану Исроил қавмига ҳалол эди» [Оли Имрон 93]

қавли далилдир. Эҳтимол, Аллоҳ Таоло ҳаром қилиш умматига ҳам ом бўлиб қолишини олдини олиб ҳамда мусулмонлар Пайғамбар бу ишни ҳаром қилған деб ўйламасликлари учун ўз Пайғамбарини огоҳлантиргандир. Бунда Пайғамбар ﷺ ҳар бир ишда ибрат ва намуна бўлганига етук ва нозик ишора ҳамда латиф киноя бордир. Агар шундай бўлмаганида Аллоҳ Таоло у кишини бу ишдан қайтармаган бўлар эди.

Шу билан қуръонийлар фирмасининг пайдо бўлиши, уларнинг адаштирувлари ва уларга берилган раддия ҳақида гапларимизни тамомлаймиз. Токи, Росулуллоҳ ﷺ феъллари, сўзлари ва тақрирларида намуна ва ибратдир деган ҳақиқат кундек равshan бўлсин. Шунингдек, бу нарсага тўғри сўз кишиларнинг хабарлари ва ривоятлари орқали эришиш мумкинлиги ҳамда ривоят қилиш гувоҳлик беришдек масъулиятли иш экани аён бўлсин. Чунки Аллоҳ Таоло бизни содик кишиларнинг гувоҳлигини қабул қилишга буюрди. Шунинг учун уларнинг ривоятлари қабул қилинади. Ҳолбуки, уламолар қозилар гувоҳларни текширганидан ҳам кўра қаттиқроқ ривоятларни текширадилар.

Ҳадисшунослар уни икки томондан, яъни ички ва ташқи томондан ўрганишган. Матнларни ўрганиш санадларни ўрганишда асосдир. Кибор уламолар ҳадис ҳақида тўлиқ ҳар томонлама тасаввурга эга бўлиш учун, ҳадис ровийсининг бутун холатларини ўрганишган. Шундан кейин бир чақага арзимайдиган пасткашлар келиб, буюк кишиларнинг гапига аралашади ва улкан кишилардек бўлишга ҳаракат қилишади. Аллоҳ биз ва сизларни жоҳиллардан сақласин... □

Коронавирус Марокашдаги яхудийларга зарба берди

«Құдс Арабий» (Истроилда) чиқадиган «Ynet news» газетасидан келтиришича, коронавирус Марокашдаги кам сонли яхудий жамоасига жиддий зарап етказди. Газетада ёзилишича, Марокашдаги яхудийлар жамоаси яқында үзининг катта раҳбарларидан бирини йўқотди. У Шалом Эдельман исмли раввин бўлиб, узоқ вақт Марокашдаги яхудий жамоаси хизматини қилган ва коронавирус туфайли ҳаётдан кўз юмган. Газета раввин Леви Баннондан келтиришича, раввин Шалом Эдельманнинг вафоти коронавирус инқирозидан тезроқ чиқишига ҳаракат қилаётган яхудий жамоаси ичида катта йўқотиш бўлган. Марокашда коронавирусдан ўлган яхудийларнинг умумий ўлганлари сони (208танинг) 6 %ини ташкил қиласди. (Истроил)да чиқадиган газетадан келтирилишича, ҳисоботларга кўра, Марокашдаги яхудийлар сони 1500дан 2500гача бўлиши мумкин. Марокашлик яхудийларнинг (Истроил)даги жамоаси эса, анча катта бўлиб, сони тахминан 750 мингни ташкил қиласди. (Истроил)нинг собиқ мудофаа вазири Амир Перец шу йил апрел ойида оиласининг Марокашда истиқомат қилувчи учта аъзоси коронавирусдан вафот этгани ҳақида хабар берган.

Блэр: Истроил- Кўрфаз алоқалари Ўрта Шарқни ўзгартиришда мухимdir

Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр: Фаластин давлатини тиклаш имконсиз бўлиб қолди, энди минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш учун (Истроил) Кўрфаз алоқаларини кучайтириш зарур – деди. Блэр яхудий синагогаси раввии билан интернет орқали қилган сұхбатида: «Бугун Фаластин масаласи жуда оғир аҳволда, бугунги вазият биз Ўрта Шарқдаги низога барҳам бериш учун киришган пайтдаги вазиятдан фарқ қиласди» деб айтди. Собиқ бош вазир лорд Леви билан Ўрта Шарқда қилган ишлари ҳақида гапирав экан: «Биз у ерда қилган ишларимизга нисбатан тескари натижаларга эришдик. Зоро (Истроил)нинг минтақа билан бўлган алоқалари зиддиятли ҳолда бўлиб, (Истроил)-Фаластин сўзлашувлари давом этар эди. Шунингдек, низоларга барҳам бериш учун қандайдир фурсат бор эди», деб билдириди. Блэр (Истроил) хукуматининг Ғарбий Қирғоқ ва Иордан водийсининг айрим қисмларини қўшиб олиши ҳақидаги режаси ҳақида ҳеч нарса демади. Лекин Фаластин давлатини тиклаш имконияти тугаганини тан олар экан, шундай деб қўшимча

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ <i>«Мұмиллар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»</i>	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>килди: «Фаластин давлати яқын орада тикланиши ҳақида гапириш мушкулдир». Блэр сүзлашувлар ҳақида шундай деди: «Бошқа жиҳатдан олиб қараганда, ҳозир ҳақиқий музокаралар бўлмаяпти. Дарҳақиқат, миллий ҳукумат сўнгги кунларда Истроил билан бўлган мувофиқлаштириш оқсаётгани ҳақида хабар берган эди».</p>		
<p style="text-align: center;">(Истроил) дипломати Судан билан алоқаларни нормаллаштириш босқичлари ҳақида гапирмоқда</p>		
<p>(Истроил) ташқи ишлар вазирлиги собиқ мулизими ва (Истроил)нинг Колумбиядаги элчиси ёрдамчиси Рена Пасист Америка ахборот агентлиги ва Иерусалим пост газетаси ваколати остида фаолият қилувчи монитор сайтига берган интервьюсида шундай деди: «Истроил ва Судан ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш сўнгги пайтларда Хартум ва Тель-Авив ўртасидаги алоқаларни нормаллаштириш учун ҳаракат қилган сиёсатчи аёл Нажво Қадамуддамни кутқариш мақсадида Хартумга келган истроиллик шифокорлар портали орқали ўтказилган. Зоро, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни кучайтиришда муҳим роль ўйнаган Нажво Қадамуддам коронавирусга чалинганидан кейин унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокорлар ва Истроил медицина асбоб ускуналари юкланган учоқ Судан пойтахтига учиб келган. Лекин баҳтга қарши учоқ учиб келганидан 24 соат ўтиб, Нажво Қадамуддам вафот этди». Рена Пасист яна: «Расмий жиҳатдан олиб қараганда Истроил билан Судан ўртасида дипломатик алоқа мавжуд эмас. Бу икки мамлакат расмий жиҳатдан бир-бирига душман деб хисобланади. Ҳолбуки, ўтган ойлар мобайнида икки мамлакат ўртасида олий даражадаги алоқалар қайд қилинган». У яна қўшимча қилар экан: «Истроил бош вазири Бинямин Нетаньяху 2020 йил, феврал ойи, Уганда давлатида Судан давлат кенгashi раиси Абдулфаттоҳ Бурҳон билан учрашган. Учрашувда икки раҳбар икки томонлама алоқаларни мувофиқлаштиришга келишиб олган. Айнан шу ойда Абдулфаттоҳ Бурҳон Истроил учоининг Судан ҳаво майдонига киришига рухсат берган» – деди. Рени Пасист: Албатта Қадамуддам БМТга қарашли саноатни ривожлантириш ташкилотининг собиқ масъули ва Судан етакчиси Бурхоннинг ишончли маслаҳатчисидир. Қадамуддам Хартум ва Тель-Авив ўртасидаги янги алоқаларни кучайтиришда муҳим роль ўйнаган аёлдир – деди. У яна: «Нетаньяхунинг фикрича бир қанча исломий давлатлар Истроил билан алоқаларни мувофиқлаштиришга ҳаракат қилмоқда», деб қўшимча қилди.</p>		

Ибн Зойид Лас Вегасни коронавирусдан сақламоқчи

Америкада чиқадиган «Лос Анжелос таймс» газетаси Абу Даби шаҳзодаси Муҳаммад ибн Зойид қиморхоналари билан дунёга машхур Лас Вегас шаҳрини коронавирус тарқалишидан сақлашга ўз ҳиссасини қўшмоқчи экани ҳақида ёзди. Маълумки, Лас Вегас шаҳрининг асосий иқтисоди казинолар, тунги клублар, курортлар ва халқаро йўналишдаги салонларга тўғри келади. Газета Лас Вегасда Невада штати бўйича энг катта вирусга қарши тест маркази очилаётганига эътибор қаратади. Шунингдек, бу нарса шаҳарнинг қиморга асосланган иқтисодини қайта тиклаш учун муҳим қадамлигини айтар экан шундай ёзади: «Бу иш Амирликлар томонидан юборилган баҳоси 20 миллион долларга teng 200 минг донадан ортиқ тестларсиз амалга ошмаган бўлар эди». Газетанинг Невада штатидаги коронавирус пандемиясига қарши кураш ишчи гуруҳига таяниб билдиришича, агар «Амирликларнинг амалдаги ҳокими» Ибн Зойид бу ишга аралашмаганида Лас Вегас ҳақиқий инқизозга дуч келар эди. Айтилишича, Невада вилояти ҳокимияти кунига минглаб бўлмаса-да, юзлаган тестлар сотиб олишга кучи етади. Лекин «MBZ» билан танилган Амирликлар амири камомадни тўлдириш ва иқтисодни тиклашни тезлаштириш учун штатга 200 мингтадан ортиқ тест совфа қилган. Газетанинг билдиришича, Невада штати фавқулодда вазиятни идора қилиш учун федерал агентликдан ёрдам ва пуллар олган. «Лекин Амирликларнинг инъомига teng келадиган ёрдам бўлмаган. Газета бу билан Амирликларнинг Лас Вегасда хаётни қайта тиклашдан манфаати бор эканини фош қилган. Чунки Дубай ҳукуматининг инвестицион идораси бўлмиш «Дубай» халқаро ширкати «Қиморхоналар шаҳри»даги бепоён «City Center» мажмуасининг ярим маблағига эгалик қиласди. Бу мажмуа 2009 йил очилган бўлиб, ўша пайтда шаҳардаги энг катта ва киммат тараққиёт лойихаси деган ном олган эди.

Ал-Ваъй: Қандай ёмон иш ёдга тушмасин унга ибн Зойиднинг шерик эканини гувоҳ бўламиз. Шунингдек, қаерда Ислом ва мусулмонларга қарши уруш бўлаётган бўлса, ибн Зойид ўша уруш жиноятчилари, тарғиботчилари ва қўллаб-қувватловчиларидан бири эканини кўрасиз. Агар ҳар бир динда жиноятчи душманлар бор бўлса, шубҳасиз шундай душманлардан бири Ибн Зойиддир.

Амирликларда биринчи лотерея ўйини эфирга узатилди...
Фатво ҳақидаги сўз

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмиллар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	---	-----------------------------------

Коронавирус тарқалиши туфайли бутун дунё улкан инқизорзларни бошдан кечираётган бир манзарада Амирликлар биринчи лотерея ўйинларини бевосита эфирда күрсатди. Бу ишга күл урганлар исломий шариатга мос фатво олганликларини айтишган. «Амирликлар лото» сайтида: Лотерея низоми исломий шариатга мосдир, чунки шахслар карталарни пул эвазига сотиб оладилар. Бундан ташқари улар ўйинда қатнашишга ихтиёрлидирлар. «Лото Амирликлар» идорасининг етакчи ширкати масъули Бил Себастяннинг айтишича, улар бу борада Абу Дабидан рухсат ва фатво олишган. Ушбу фатво ҳукумат томонидан берилген ҳукмдир. Масъул ўз сўзида давом этар экан: «Бу ерда қийматлар алмашинуви исломий шариатга мувофиқ бўлиши керак» деган. Шунингдек, ҳафталик лотерея мутлақо ихтиёрли эканига ишора қилган. «Gambling News» сайти Амирликлар лотосининг молиявий ва бадиий шакли жиҳатидан Америка ва Европадаги, ҳатто Лас Вегас казиноларидағи лотерея ўйинларидан фарқ қилмаслигини айтган. «Амирликлар лото»си ўйинчиларнинг ёши 18дан ўтган бўлишини шарт қиласиди. Шунингдек, карталарни сотиш амалиёти интернет орқали хос усулда олиб борилади ёки Амирликларнинг турли жойларида чакана савдо дўконларида 10 долларга сотилади.

Ал-Ваъй: Амирликлар ҳукмдорларининг ўз юртларида қиморга рухсат беришлари ҳайратомуз иш эмас. Чунки улар бундан ҳам жирканчроқ ва таққослаб бўлмайдиган ишларни қилишади. Лекин бу ерда эътиборни тортадиган нарса ҳаромга фатво чиқаришидир. Шунинг учун, сизнинг фикрингизча улардан қайси бири дин учун хатарлироқ. Ҳокимларми ёки динларини ҳокимларининг арзимас дунёси эвазига сотган уламоларми? Албатта улар гуноҳда шерикдирлар ва уларнинг барчаси учун ҳукм биттадир.

Константинополь фатҳи:

Миср фатво идораси Миср ва Туркия ўртасидаги сиёсий мунозараларнинг бир қисмига айланниб қолдими?


Туркия президенти Эрдоган жорий йил 29 май куни ҳозирги Истанбул, Константинополь фатҳининг 567 йиллигини нишонлади. Миср фатво идорасининг марказий матбуот бўлими эса, «Эрдоган мамлакат ичкарисидаги истибодини мустаҳкамлаш ва хорижий мустамлакачилик истакларини оқлаш учун фатво қуролидан фойдаланмоқда», номли баёнот тарқатди. Баёнотда айтишича, Туркия президенти «ички барқарорликни рӯёбга чиқариш ва

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»</p>	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>сиёсий душманлари устидан ғалаба қилиш учун» диний хитобдан фойдаланмоқда. Лекин фатво идорасига нисбатан кўп танқидлар ёғилишига сабаб, идора ўз баёнотида Константинополь фатҳини Усманийлар босқинчилиги деб атаган. Бу нарса «Аё София» музейининг қайта масжидга айлантириш таклифларини қоралаш хақидаги абзацда шундай келади: «Аё София Византия империяси даври, 537 милодий йилда черков сифатида курилган. У Усманийлар 1453 йил Истанбулни босиб олиб, Аё Софияни масжидга айлантиргунларигача, яъни 916 йил давомида черков сифатида фаолият кўрсатган». Бу баёнот мусулмонларнинг ижтимоий алоқа сайatlари орқали ғазабланиши ва қаршиликларига сабаб бўлди. Кўпчилик мусулмонлар Миср фатво идорасига танқидлар йўллади. Чунки бу идора Мисрнинг Туркияга қарши сиёсаларига ҳамоҳанг сиёсий позицияни ушлаш истагида Мухаммад ﷺ башорат қилган муҳим исломий фатҳни «босқинчилик», дея атаган эди. Бу нарса идоранинг ўз фикридан қайтишига сабаб бўлди. Лекин у қайта тарқатган баёнотида Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоганга ҳужум қилишдан тўхтамади. Идора ўзининг фейсбуқдаги сахифасида шундай ёзди: «Биз ҳужжат ва далиллар билан бир неча марта таъкидлаганмизки, Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоган мамлакат ичкарисидаги истибодини дин номидан мустаҳкамлаш ва хориждаги истакларини Халифалик номи билан оқлаш учун фатво куролидан фойдаланяпти». У яна давом этар экан: «Аммо Константинополь фатҳига келсак, ҳа у Пайгамбаримиз ﷺ башорат қилганидек буюк султон Мухаммад Фотих қўли билан амалга ошган буюк исломий фатҳdir» – деб қўшимча қилди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Миср фатво идорасининг баёноти уламоларнинг ҳокимларга тобелигини очиқ равshan кўрсатиб турибди. Улар динга зарба бериш бўладими ёки динни бошқарувдан узоклаштиришми фарқсиз ҳокимларга бўйсунаверадилар.</p>		
<p>Америка ва Европадаги намойишлар «ирқчилик ҳайкаллари»ни таъқиб қилмоқда</p>		
<p>Полиция Америка фуқароси Жорж Флойднинг бўйинин тўққиз минут оёғи билан босиб туриши натижасида вафот этганидан сўнг АҚШда ирқчилик намойишлари бошланиб кетди. Бу намойишлар ирқий тенглик йўқлиги сабабли бошланди ва ўзини «Кора танлиknинг ҳаёти муҳим» номли ҳаракат деб номлади. Бу намойишлар нафақат норозилик, ҳайқириқ ва шиорлар билан</p>		

чекланди. Балки намойишчилар ирқчилик, қулдорлик ва құллар савдосини күтәйтиришда мухим роль үйнаган деб ҳисобланған Америка ва Европа тарихидаги машхур фигуralарнинг ҳайкалларини ҳам нишонга олишди. Бу намойишлар дунёning турли минтақалари, хусусан Европага ҳам етиб борди. АҚШдаги намойишчилар энг күп қулатган ҳайкаллардан бири Американи кашф этган Христофор Колумб ҳайкали бўлди. Намойишлар унинг баъзи ҳайкалини бутунлай йўқ қилган бўлса, баъзиларига бўёқ суркашди, баъзиларини ёқиб юбориши ва баъзиларини денгизга улоқтиришди. Улардан яна бири собиқ конфедератив штатлар президенти Жефферсон Дэвиснинг Вержиния штати, Ричмонд шаҳридаги ҳайкали бўлиб, у қулчилик ва мустамлака даврига алоқадор ҳайкал бўлгани учун уни йўқотиш тўғрисида хукуматга босимлар кўп бўлди. Бу эса, Америка тарихига алоқадор ҳайкаллар ҳакида баҳс мунозараларни кўзғайди. АҚШда кўпчилик Колумбни ўн бешинчи асрда янги олам, яъни икки Американи кашф қилган дея мақтashади. Лекин Американинг туб аҳолисидан бўлган фаоллар Колумбни хурматлашга қаршиидирлар. Чунки улар Колумбнинг Америкага келиши мустамлакага ва уларнинг аждодларининг йўқ қилинишига олиб келди дейишади. Кулчиликка алоқадор ҳайкаллар улоқтирилиши бир қанча Европа давлатларида ҳам рўй берди.

Ал-Ваъй: Бу нарса Америка ва Европанинг тарихи битта бўлиб, у ҳам бўлса жиноятчи, қонхўр ва босқинчи тарих эканига, шунингдек, Ғарб жамиятларининг мозаикавий жамият эканига далилдир. Шунинг учун ҳақиқат болғаси пайдо бўлгач, капитализм санамини осонгина парчалаб ташлайди. □

ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА



﴿إِنَّ الَّذِينَ ءامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الزَّكَوةَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزُنُونَ ﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقَى مِنَ الْرِّبَوْا إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴾ فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا فَأَذْنُوا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِنْ تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ ﴾
وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرْهُ إِلَى مَيْسَرَةٍ وَأَنْ تَصَدِّقُوا بِخَيْرٍ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴾ وَأَتَقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّ كُلُّ نَفْسٍ مَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

«277. Албатта имон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни түкис адo қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари хузурида ажер бор. Улар учун ҳеч қандай хавфхатар ийк ва улар гамгин бўлмайдилар. 278. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) 279. Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайгамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. 280. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. 281. Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди»

[Бақара 277-281]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ хифзу химоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Рибо жуда қаттиқ ҳаромдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَمَ الْرِّبَوْا﴾

«Холбуки, Аллоҳ байни ҳалол, судхұрлыкни ҳаром қилган»

[Бақара 275]

Яна айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَتَقْوَا اللَّهَ وَذَرُوا مَا يَقَى مِنَ الرِّبَّوْا إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴾ فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا فَأَذْنُوا بِحَرَبٍ مِّنْ أَنْفُسِهِمْ وَرَسُولِهِ وَإِنْ تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ ﴾
 ﴿وَلَا تُظْلِمُونَ﴾

(Эй мұмнинлар, Аллоҳдан құрқингиз әгап чиндан мұмнин бўлсанғизлар, судхұрлык сарқитларини тарқ қилингиз. (Яни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) Энди агап (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ әга пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз), у Аллоҳ ва Росулига қарши уруш очишдир. Шунингдек, Пайғамбар ﷺ нинг ҳадисларида ҳам рибонинг жуда қаттиқ ҳаромлиги баён қилинган.

Муслим Абу Хурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«اجْتَنِبُوا السَّيْئَةَ الْمُوْبَقَاتِ وَفِيهَا: وَآكِلُ الرِّبَا»

«Етти ҳалок қилгувчидан ўзингизни олиб қочинг. Улар орасида судхұрлык ҳам бор». ¹

Абу Довуд Ибн Масъуддан ривоят қилади:

«لَعْنَ رَسُولِ اللَّهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ أَكْلُ الرِّبَا وَمَؤْكَلُهُ وَكَاتِبُهُ وَشَاهِدُهُ»

«Пайғамбар ﷺ: Рибони егани ҳам, едирганни ҳам, ёзганни ҳам, унга гувоҳ бўлганини ҳам лаънатладилар». ²

Доруктний Абдуллоҳ ибн Ҳанзаладан (бу зотни фаришталар ювган) ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَدِرْزُهُمْ رَبًا أَشَدُّ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى مِنْ سِتٍ وَثَلَاثُونَ زَيْنَةً فِي الْخُطْبَةِ»

«Рибо билан келган бир дирхам Аллоҳнинг наздида хатолик борасида ўттиз олти марта зино қилгандан ҳам қаттиқроқдир». ³

Ҳоким Ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

⁽¹⁾ Бухорий: 2560, 6351, Муслим: 129.

⁽²⁾ Абу Довуд: 2795. Термизий: 1127. Ибн Можа: 2268. Ахмад: 1/83, 87, 3/304.

⁽³⁾ Тафсири Куртубий: 3/364.

«الرِّبَا تَلَاقَهُ وَسَبْعُونَ بَابًا أَيْسَرُهَا أَنْ يَنْكِحَ الرَّجُلُ أُمَّهُ، وَإِنْ أُرْبَى الرِّبَا عَرْضُ الرَّجُلِ الْمُسْلِمِ»

«Рибонинг етмиш уч боби бор. Уларнинг энг енгили кишининг ўз онасини никоҳ қилиб олиши(га тенг). Рибонинг ҳам рибоси мусулмон кишининг таклифидир».¹

Хүш, у қандай жиноят бўлдики, уни қилган одам Аллоҳ ва Росулига қарши уруш очган ҳисобланса? У қандай жиноят бўлдики, уни содир этган одам ўттиз олти марта зино қилгандан ҳам қаттикроқ гуноҳ қилгандек ёки ўз онасини никоҳлаб олгандек бўлса? У рибодир. Рибоки, жамиятларни парчалайди, уларни очкўзлик, мустамлакачилик, қонларни сўриш чоҳига йиқитади, одамларни қул қилиш даражасигача олиб боради. Ажабланарли жойи шундаки, у қадимда ҳам мавжуд бўлган, ҳозир ҳам мавжуд. Шакллар турлича бўлса-да, одамларни қул қилиш, энг ёвуз, энг разил, энг жирканч воситаларни қўллашдан ҳам тап тортмаслик, юртлару одамларни барбод қилиб бўлса ҳам дунё кўпайтириш ортидан итдек югуриш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайди.

Исломдан олдинги жоҳилият даврида судхўрлар рибодан одамларни қул қилиш воситаси сифатида фойдаланардилар. Судхўр муддат ортгани сайин қарзни ҳам ошириб бораверарди. Ҳатто қарздор қарзини тўла олмайдиган даражага бориб қоларди. Шу билан у ўзини сотишга мажбур бўларди-да, сотиладиган, сотиб олинадиган, хорланадиган, хўрланадиган қулга айланарди. Пулдорлар қулларини қўпайтириш, уларнинг турар жойларини тортиб олишда бошқа воситалар қаторида рибодан ҳам фойдаланардилар.

Демак, рибо одамларни қул қилиш, уларнинг қонини сўриш, улар устидан ҳукмрон бўлиб олиш воситаларидан бири эди.

Ийллар давомида жамиятлар ривожланганига қарамасдан, шу кунгача рибонинг мана шу белгиси ҳамон мавжуд. Ҳозирда одамларни қул қилиш, улар устидан ҳукмрон бўлиб олиш воситалари, усуллари янада хилмахиллашган.

Бизнинг асримизга келиб, рибонинг ўз ташкилотлари, муассасалари қад кўтарди. Бу вабодек даҳшатли иллат шу қадар кенг тарқалдики, рибога асосланган молиявий муассасаси, банки, пул жамғармаси бўлмаган бирон минтақа қолмади. Худди Пайғамбар ﷺ ўзларининг мана бу муборак ҳадисларида бизнинг замонамизни гапириб берётгандеклар:

«يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ يَأْكُلُونَ الرِّبَا، فَمَنْ لَمْ يَأْكُلْهُ أَصَابَهُ مِنْ غُبَارٍ»

⁽¹⁾ Мустадрак: 2/37. Дуррул Мансур: 1/364. Мажмауз завоид: 4/116.

«Одамлар бошига шундай замонлар келадики, рибони ейдилар, (судхүр бўладилар), уни емаган одамга ҳам унинг чангি, ғубори юқади». Бу ҳадисни Насоий Абу Хурайра дан чиқарган.

Капиталистик ғарб жаҳоннинг аксар мамлакатларини, агар ҳаммасини бўлмаса, ғарб мамлакатларидағи марказий банклар чархига илаштириб олган. Бу иш бевосита ҳам, яъни, расмий банклар билан бевосита алоқа боғлаш билан ҳам, билвосита ҳам, яъни, Халқаро Банк ва Халқаро Валюта Фонди орқали ҳам юз бериб келяпти. Судхўрлик низоми ўша мамлакатларнинг кўз ўнгиди, марказий банкларида ва бошқа савдо банкларида ўрнатилиди. Кейин эса бу мамлакатлардаги ижрочиларга нисбатан капиталистик давлатлардан олинган қарзларга боғланадиган шундай сиёsatлар йўлга қўйилганки, айнан улар (сиёsatлар) бу диёрлардаги иқтисодий инқирознинг дастлабки қадамлари бўлади. Зеро, рибо туфайли қарзлар кўпайгандан кўпайиб бораверади. Бориб-бориб, устига қўйилган фойдалар сармоянинг ўзидан ҳам бир неча баробар ортиб кетади. Ана шунда қарздор давлат ғарбнинг ўлжасига айланиб, ўзи ҳам, ғарбнинг малайлари ҳам юртнинг бойликларини қуртдек сўриб, кемириб, уни сўйилаётган ҳайвон ҳолатига олиб келиб қўядилар.

Шундан кейин иккинчи қадам ташланади. Ишни Халқаро Валюта Фонди ўз қўлига олиб, ўзича иқтисодни ўнгламоқчи бўлади. У ишни одамларни эзишдан, нархларни кўтаришу солиқларни оширишдан бошлайди. Токи, бу тузоқقا илиниб колган давлат иқтисодий йўналишни ўнглаш шаҳодатномасини кўлга киритсин ва у орқали асл қарзларни тўлаш муддатини узайтиrsин. Бунинг учун эса янги риболи янги қарзлар олсин. Бир сўз билан айтганда қаттол жамғарма сиёsatига қарзларни тўлаш муддатини яна янги қарзлар қўшиш билан янги муддатларга чўзиш учун бўйсунилади.

Диёрлару одамларни қул қилиш воситаси сифатида қўлланётган бу ифлос, разил рибо сиёsatи иқтисодий ислоҳотлар каби камроқ таъсир қиладиган номлар билан номланяпти. Аслида эса унинг номи иқтисодий ислоҳот эмас, иқтисодий инқирозни тезлаштиришdir. Улар рибо номини ҳам ўзгартириб, кўнгилга енгилроқ ботадиган «фойда» сўзи билан алмаштириб қўйганлар.

Бу бир томондан. Иккинчи томондан ўша капиталистик давлатлар ва уларнинг банклари, савдо ширкатлари бошқа диёрларни ўз бойликларини капиталистик ғарб банкларига қўйишларига мажбурлаш учун йўлдан уриш, таҳдид қилиш воситаларини қўлляяптилар. Токи, ўз иқтисодининг филдираги ўша

диёрларнинг маблағлари хисобига энг катта тезлик билан айлансын. Кейин у диёрларнинг тоқатлари етмай қолса, моллари музлатилади, ўзларининг пуллари билан ўзларининг қонлари сўрила бошлайди. Бу майдондаги кўпгина таникли давлатлар билан шундай ишлар қилинди.

Биз риболи қарзларнинг шахсларга таъсири ҳақида тўхталмаган бўлсак, бундан бу таъсирнинг озлиги келиб чиқмайди. Шахслар риболи қарз олавериб, охири бошлари қарздан чиқмай қолади. Қарз устига олинадиган рибо кўпаяверади, асл сармоя эса боягидек тураверади. Натижада қарзни тўлаш оғирлашади. Унинг рибоси шахсни эзib ташлади. Айниқса, агар шахс камбағал бўлса, (камбағаллар кўпчиликни ташкил қиласи) қамалиши ва хаёти танг ахволда қолиши аниқ.

Бу рибонинг бевосита кўрсатадиган таъсири. Яъни, диёрларнинг елкаларига қарзлар, қарзлар устига эса рибо юкланиб, уларга яна оғир бўлади. Тоқати етмай қолган давлатнинг эса моллари музлатиб қўйилади.

Энди рибонинг билвосита таъсири ҳақида тўхталсак. Рибо ўша банкларнинг қандай қилиб бўлмасин, ҳар қандай разил воситани қўллаб бўлса ҳам фойда олишига омил, сабабчи бўлади. Банклар аввало ўзи учун, қолаверса, сармоядорларга рибо бериш учун ҳар қандай разил воситани қўллашдан ҳам тоймайдилар. Капиталистик гарб ва унинг аравасида юрган юртлардаги турли хил бузғунчиликлар савдоси учун авж олаётган ўша бозор фикримизнинг далилидир.

Бошқа томондан сармоядорлар ўз сармояларини диёрлару одамларга фойдаси тегадиган лойиҳаларга сарфлаб, улардан ҳалол, пок фойда олиш ўрнига судхўр бўлиб қўя қоладилар.

Биз мусулмонлар диёрида катта рол ўйнаётган судхўрликка асосланган капиталистик тузум ортида ётган ифлос, ёвуз ғаразлар ҳақида тафсилотга киришмадик. Ҳозирги кундаги яхудий ва капиталист кофиirlар табақаларининг маккор раҳбарлари хусусида ҳам тўхталиб ўтирадик. Мусулмонлар диёрларида йўлга қўйилган рибога оид маккор иқтисодий сиёсатлар ҳақида ҳам оғиз очмадик. Ҳалқаро банк ва ҳалқаро валюта жамғармаларининг мусулмонларни, нафақат мусулмонларни, балки тузогига илинган бошқа давлатларни ҳам бўғадиган сиёсатлари ҳақида ҳам сўзламадик. Негаки, бу ишлар тафсилоти тафсиrimiz мавзусига кирмайди. Рибога асосланган бу тузумнинг хатарлилиги ҳақидаги айтиб ўтган гапларимиздан мақсад одамларга рибонинг Аллоҳга ва Пайғамбар ﷺга қарши уруш очиш эканининг, жамиятни зинодан

хам баттарроқ бузадиган иллат эканининг бир учини англатиш эди.

Модомики, Умматнинг иқтисодий ҳаётини рибо тузуми бошқарар экан, у иқтисодий соодатга хам, иқтисодий барқарорликка ҳам эриша олмайди.

Шу ўринда кимлардир мана бундай дейишлари мумкин: Одамлар орасидаги иқтисодий алоқалар ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, улар орасида кимдир бой, пули кўп бўлади, энди агар у молини банкка қўйиб, фойда олиб турмаса, унинг моли ишламасдан бекор туриб қолади-ку. Бу бир жиҳатдан.

Иккинчи жиҳатдан улар орасида камбағаллар, қарзларини уза олмаётган муҳтоjlар ҳам бор. Рибо оладиган банкларнинг мавжудлиги уларни кейинроқ бериладиган фойда эвазига бўлса ҳам ҳозирда бўлиб турган қарзларидан халос қиласди-ку.

Гоҳида шахслар қандайдир ишларни йўлга қўйиш учун маблағга муҳтоj бўладилар ва банклардан қарз олиб мавжуд ҳолатларини ўнглаб оладилар-да, кейинроқ қарзни фоизи билан тўлаб қўядилар.

Ҳозирги мавжуд рибога асосланган иқтисодий тузумсиз бу муаммолар қандай ҳал этилади?

Бу муаммоларнинг ечимини Ислом кишининг қалби таскин топадиган, қаноат ҳосил қиласиган тарзда, етарлича баён қилиб қўйган. Унга амал қилган одам ҳаётнинг ҳамма жабҳаларидаги иқтисодий хотиржамликни ҳис этади. Бойликлардан унумли, одамларни кул қилишу диёrlарни вайрон этишсиз ҳам фаровон ҳаётни кафолатлайдиган тарзда фойдалана билади.

У латиф (лутфу марҳаматли), хобир (ҳамма нарсадан хабардор), ҳаким (ҳар бир ишни бир ҳикмат билан қиласиган), алим (ҳамма нарсани биладиган) Зот томонидан юборилган диндир. У Зот махлукотларини нима ўнглашини ҳам, уларни дунёю охират соодатига нима олиб боришини ҳам яхши билади.

Хўш, Ислом бу муаммоларни қандай ҳал қиласи? Энди мана шунинг баёнига киришамиз.

1 – Ислом мол тўплашни, ҳазина қилишни ҳаром қилди. Молни кераксиз тўплаш мумкин эмас. Уни саноат, зироат, тижорат ёки бошқа соҳаларда ишлатиш лозим. Токи, бойлик жамиятда ҳаракатда бўлиб турсин. Ундан эгаси ҳам, уни ишлатаётганлар ҳам, закот чиқариш эътибори билан камбағаллар ҳам, ҳамма фойдалансин.

Бинобарин, бойликни керакли ишларда ишлатмасдан, бекордан бекор тўплаш, ҳазина қилиш Исломда ҳаром.

﴿وَالَّذِينَ يَكْثُرُونَ الْذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يُنفِقُوهُنَا فِي سَبِيلٍ أَللَّهُ فَبِشِّرُهُمْ بِعَدَابٍ﴾

﴿أَلَيْمَ﴾

«Эй мүмінлар, ўша донишмандолар, роҳиблардан күпчиліги одамларнинг молларини ноҳақ (йўл) билан ейдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Олтин-кумушни босиб уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хуш хабарини» етказинг!» [Тавба 34]

Бу бойлар ҳақидаги гап.

2 – Хўш, энди ким фақир ва муҳтоҷ ҳисобланади.

а) Ислом қарзни рибосиз беришга ундаиди ва икки марта қарз беришни бир марта садака қилиш билан тенглаштиради.

«فَرْضٌ مَرَتَّبٌ يَعْدِلُ صَدَقَةً مَرَّةً»

«Икки марта берилган қарз бир марта қилинган садақага тенг». ¹ Бу ҳадисни Баззор Ибн Масъуддан, у Пайғамбар ﷺдан ривоят қилганлар.

б) Агар қарздор камбағал бўлиб, қарзини тўлай олмаса, Ислом унга муҳлат беришни вожиб қиласи.

﴿وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرْهُ إِلَى مَيْسَرَةٍ﴾

(Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг!), қарзнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан кечиб, уна садақа қилиш эса мандубидир.

﴿وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَكُمْ﴾

(Садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир).

в) Қарздорга қарзини узиб олиши учун байтулмолдан, закотдан улуш ажратади.

﴿إِنَّمَا الْصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسَكِينِ وَالْعَمَلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤْلَفَةُ قُلُوبُهُمْ وَفِي أَرْقَابِهِمْ وَأَغْرِمِهِمْ﴾

﴿وَأَغْرِمِهِمْ﴾

«Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йигувчиларга, қўнгиллари (Исломга) ошно қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга» [Тавба 60]

⁽¹⁾ Тафсири Табарий: 16/25, 17/85. Тафсири Қуртубий: 3/359.

г) Ишлашга рухсат берган, унинг ҳукмларини осон қилган, унга ундаған, мұхтож одамга уни вожиб қилған.

﴿فَامْشُوا فِي مَنَابِكُهَا وَلُكُوْا مِنْ رِزْقِهِ﴾

«Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (сайр-саёҳат қилиб ё тижорат билан, ёки деҳқончилликни касб қилиб) юраверинглар ва (Аллоҳнинг берган) ризқ-рӯзидан енглар» [Мулк 15]

«إِنَّ مِنَ الدُّنْوَبِ مَا لَا يُكَفِّرُهَا إِلَّا هُمُومٌ فِي طَلَبِ الرِّزْقِ»

«Шундай гуноҳлар борки, уларга фақат ризқ талабидаги ғамташвишларгина каффорат бўлади».¹

3 – Шундан сўнг давлатнинг роли келади:

а) Ҳамма фуқароларни озуқа, кийим бош ва маскандан иборат бўлган асосий эҳтиёжлар билан давлат таъминлайди. Бу иш учун давлатга келаётган даромаддан ёки нафака қилиши вожиб бўлган одамларнинг нафакаларидан маблағ ажратади. Булар мавжуд бўлмаса, байтулмолдан сарфлайди.

﴿وَالسُّلْطَانُ وَلِيٌّ مِنْ لَا وَلِيَّ لَهُ﴾

«Султон валийси йўқ одамнинг валийисидир».²

б) Шунингдек, давлат олтин, темир, мис, фосфат, нефт, газ ва бошқа қаттиқ ҳамда суюқ маъданлардан иборат бўлган омма мулкини ҳам бошқариб, уларни ҳамма мусулмонларга етказиб бериб туради.

в) Хирож, жизя, ўлжалар ва бошқалардан иборат бўлган давлат мулки ҳам давлатнинг қўлида бўлиб, ундан бойларга эмас, фақат камбағалларга беради.

﴿كَمْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

«Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун» [Ҳашр 7]

г) Лойиҳачилар учун ҳам давлат рибосиз қарз беради. Деҳқонларга эса ер шундоқ берилади. Шу билан одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига йўл очиб беради. Хулафои рошидинлар шундай қилғанлар.

д) Агар байтулмолда маблағ тугаб қолган бўлса, камабағалларнинг эҳтиёжларини қондириш учун давлат мусулмон бойларга солиқ солади. Бу ишни Аллоҳ мусулмонларга вожиб қилған.

⁽¹⁾ Сараҳсийнинг Мабсүт китоби: 30/258. Мұхаммад ибн Ҳасаннинг Касб китоби.

⁽²⁾ Аҳмад: 6/47, 165. Муватто: 1053.

Сўзимиз якунида айтамизки:

- Модомики, бойга ўз молини түплаб, хазина қилиш ҳаром экан, модомики, уни ҳар хил лойиҳаларга ишлатиши ва ундан одамлар фойдаланишлари, бу ишнинг жамиятга иқтисодий таъсир кўрсатиши, унинг закотидан камбағалларнинг фойдаланишлари керак экан;
- Модомики, камбағал ўзининг асосий эҳтиёжларини меҳнат билан, валийнинг инфоқи билан, давлатнинг байтулмоддан ажратган маблағи билан қондириши мумкин экан;
- Модомики, карздорга қарзини узиб олишига муҳлат берилар ва қарзнинг ҳаммаси ёки бир қисмидан кечилиб, унга садақа қилинар экан;
- Лойиҳачига лойиҳасини амалга ошириши учун рибосиз қарз берилар ёки шундок бекорга маблағ берилар экан;
- Модомики, жуда кўп миқдордаги омма мулкини мусулмонларга тақсимлаб берар ва давлат мулкидан бойларни кўйиб, камбағалларга маблағ ажратар ва шу билан бойликнинг фақат бойлар қўлидагина қўлма қўл бўлиб қолишининг олдини олиб турар экан;
- Модомики, Ислом эҳтиёж қондирилишини саргузаштлару кутишларга ташлаб қўймасдан, камбағалларнинг эҳтиёжларини қондириш ва жиҳод учун байтулмоддаги маблағ етмай қолган пайтда мусулмон бойларга солиқ солар экан;

Модомики, шундай ишлар амалга оширилар экан, агар бойларнинг пулинни рибо билан кўпайтириб бериб турадиган, камбағалларга рибога қарз бериб турадиган банклар бўлмаса, бойлар нима қиласиди камбағаллар нима қиласиди, деган саволнинг ҳеч ҳам ҳожати қолмайди.

Муаммо шундаки, бугунги кундаги етакчи тузумлар инсон томонидан ўйлаб топилган ўта қабих ва тубан капиталисик, социалистик тузумлардир.

Улардан бири – капитализм шахсий мулкчиликнинг тизгинини бутунлай кўйиб юборди. Ундан бошқасини тан олмади. Молни ҳар қандай тубан, разил, маънавиятларни поймол этадиган, жамиятни вайрон қиласидиган воситалар билан йиғишига кенг йўл очиб берди. Уларда ҳаётнинг мазмуни рибо бўлиб қолди. Шу билан ширкатлар, банклар пайдо бўлди. Улар ҳатто ҳукumatни ҳам ўз назоратига оладиган даражага етди. Уларнинг домига тушган диёrlару одамлар қўл қилинди.

Яна бири – социализм эса шахсий мулкчиликни батамом тақиқлаб, мулкни фақат давлатнинг ўзига қамаб қўйди. Очкўз-

юхолар ширкатлардан партия раҳбарлигига ўтиб олдилар-да, одамларнинг бойликларини ўзлаштириб, мана шундай моғор босган иқтисодий низомлари билан ер юзини бузғунчиликка түлдирдилар.

Булар қаёқда оламлар Павардигори томонидан қўйилган низом қаёқда. Бу низомда ишлар ўз ўрнига қўйилган. Махлуқотларга нима тўғри келишини Холиқнинг Ўзи жуда яхши билади. Шу билан:

- Шахсий мулкчилик ҳам бўлди.
- Омма мулкчилиги ҳам бўлди.
- Давлат мулкчилиги ҳам бўлди.

Шуларнинг ҳаммаси шариат хукмларига қараб, бири иккинчисига зулм қилмасдан бир тартибда, ҳаким, хобир, одил Зот тарафидан қўйилган низомда юрди. Унда ҳалол, пок мол қуйидаги жойларга сарф қилинди:

- Аллоҳ Таолонинг фарзлари адо қилинди
- Кишининг ўзига ва қарамоғидагиларга берилиши керак бўлган фарз нафақа адо қилинди
- Фарздан кейин ундан камбағалларга, мискинларга, муҳтожларга садақа, эҳсон қилинди
- Бу ишлар бузғунчиликсиз, бузилишсиз амалга оширилди.

﴿وَأَتَبْعَثُ فِيمَا ءاتَيْتُكَ اللَّهُ الْدَّارُ الْآخِرَةُ وَلَا تَسْكُنْ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا وَأَحْسِنْ

﴿كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ وَلَا تَبْغِ الْفَسَادَ فِي الْأَرْضِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ﴾

«Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни сўймас» [Қасос 77]

Хуллас, бу иқтисодий низом Аллоҳ ва Росули билан урушиш, гуноҳу фаҳш ишларга эмас, аксинча, Аллоҳ ва Росулига итоат этадиган, кучли, азиз, ҳаким, хобир Зот томонидан қўйилган, башариятни саодатга эриштирадиган, дунё ҳаётини охират неъматларига олиб борувчи ширин, қулай йўлга айлантирадиган, очкўзликка, рибога, бошқаларни қул қилишларга барҳам берадиган низомdir.

Ҳақ мана шудир. Ҳақдан кейин фақат залолат бор. Ҳамд бутун оламлар Парвардигори Аллоҳгадир. □

РОСУЛУЛЛОХ ӘНИНГ АМАЛИ ДАВОМЛИ БҮЛГАН

- Бухорий ва Муслим Алқамадан ривоят қиласы: «Оиша әдінен Росулуллох ән күнлар учун бирор амални белгилаганми? – деб сұраган әдим, у: ийүк, у кишининг амали давомли бүлган. Росулуллох ән тоқат қылған нарсага қай бирларингиз тоқат қила оларди? – деб жавоб берди».
- Бухорий ва Муслим Машруқдан ривоят қиласы: «Оиша әдінен Пайғамбаримиз ән қандай амални яхши күрар әди деб сүрасам, у: давомлисими дея жавоб берди».
- Бухорий ва Муслим ривоят қиласы: Пайғамбаримиз әдінен Аллоҳ учун қайси амал суюклироқ дея сүралганида, у киши: «Оз бүлса-да, давомлиси деб жавоб бердилар».
- Имом Муслим Оиша онамиздан ривоят қиласы: «Росулуллох ән агар бир иш қылсалар пухта килар әдилар. Агар тунда ухлаб қолсалар ёки кундузида касал бўлиб қолсалар, ўн икки ракат намоз ўқир әдилар».

Имом Нававий (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) ҳадисдаги «Росулуллох әннинг амали давомли әди» иборасини узмасдан, давомли қилар әдилар деб тафсир қилған. Ҳофиз (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) айтади: Луғат олимлари: الديمة аслида бир неча кун давом этадиган ёмғирга айтилади. Кейинрок давомли бүлган ҳар бир нарсага айтиладиган бўлиб қолган.

Росулуллох әннинг кўплаган ҳадислари борки, уларда қурбат масаласида давомли бўлиш, уни сақлаш, унда тўхтамаслик ва уни давомли қилиш кераклиги хақида айтилади. Қуйида ўша ҳадислардан намуналар келтирамиз:

- Термизий ривоят қилған ҳадисда Росулуллох ән айтдилар:
مَنْ ثَابَ عَلَى شَيْئٍ عَشْرَةً مِنْ السُّنَّةِ بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ

«Ким ўн икки ракат суннат намозини тўхтамай ўқиса Аллоҳ унга жаннатдан бир уй қуради». Албоний саҳиҳ деган.

- Абу Довуд ва Термизий Пайғамбар ән аёллари Умму Ҳабибадан қилған ривоятда онамиз айтади: Мен Росулуллох әнни шундай деганларини эшитганман:

«مَنْ حَفِظَ عَلَى أَرْبَعِ رَكَعَاتٍ قَبْلَ الظُّهُرِ وَأَرْبَعَ بَعْدَهَا حَرَمَهُ اللَّهُ عَلَى النَّارِ»

«Ким пешиндан олдин түрт ракат ва ундан кейин түрт ракат суннат ўқишига одатланса, Аллоҳ унга дўзахни харом қилади». Албоний саҳих деган.

— Термизий Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилиб, саҳих деган ҳадисда шундай келган: Ресулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«خَلَّتَانِ لَا يُحِصِّيهِمَا رَجُلٌ مُسْلِمٌ إِلَّا دَخَلَ الْجَنَّةَ، أَلَا وَهُمَا يَسِيرُ وَمَنْ يَعْمَلْ بِهِمَا قَلِيلٌ»: يُسَيِّدُ
الله في ذُبْرِ كُلِّ صَلَاةٍ عَشْرًا وَيَحْمِدُهُ عَشْرًا وَيُكَبِّرُهُ عَشْرًا، قَالَ: فَتَلَكَ حَمْسُونَ، وَمِائَةٌ بِاللِّسَانِ،
وَأَلْفٌ وَحَمْسُ مِائَةٌ فِي الْمِيزَانِ. وَإِذَا أَخْدَثَ مَضْجِعَكَ تُسَبِّحُهُ وَتُكَبِّرُهُ وَتَحْمِدُهُ مِائَةً، فَتَلَكَ مِائَةً
بِاللِّسَانِ وَأَلْفٌ فِي الْمِيزَانِ، فَإِنَّكُمْ يَعْمَلُونَ فِي الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ أَلْفَيْنِ وَحَمْسِ مِائَةٍ سَيِّئَةً؟ قَالُوا: فَكَيْفَ
لَا يُحِصِّيهَا؟ قَالَ: يَأْتِي أَحَدُكُمُ الشَّيْطَانُ وَهُوَ فِي صَلَاةٍ فَيَقُولُ اذْكُرْ كَذَا اذْكُرْ كَذَا حَتَّى يَنْفَلِ
فَلَعْلَهُ لَا يَفْعَلُ، وَيَأْتِيهِ وَفُوْ في مَضْجِعِهِ فَلَا يَزَالُ يُنَوْمَهُ حَتَّى يَنَامُ»

«Икки хислат бор, қайси мусулмон кишида иккиси топилса, Аллоҳ уни жаннатга киритади. Бу икки хислат жуда ҳам енгил, лекин унга амал қилувчилар жуда ҳам оздир. Яъни, ҳар бир намоздан кейин ўн марта тасбех, ўн марта ҳамд ва ўн марта такбир айтади. Бу тилда бир юз элликта бўлса, тарозида бир минг беш юздадир. Агар тўшагингдан турсанг Аллоҳни ширкдан поклайсан, улуғлайсан ва мақтайдан. Бу тилда юзта бўлса, тарозида мингта бўлади. Қайси бирингиз бир кеча-кундузда икки минг беш юзта ёмонлик қилардингиз? Шунда саҳобалар: Эй Аллоҳнинг Ресули бу қандай-қачон ҳисобланмай қолади?

- деб сўрашди. Ресулуллоҳ ﷺ эса шундай дедилар: Сизлардан бирингиз намоз ўқиб турганингизда шайтон келиб ва мана буни эсга ол, мана буни эсга ол дейди, шунда сиз уни айтишни унутасиз. Ёки тўшакда ётганингизда келиб, сизни ухлатади ва сиз уни айтишни унутасиз». Албоний саҳих деган. Абу Довуд ривоятида шундай лафзлар билан келган:

«خَصَّلَتَانِ أَوْ خَلَّتَانِ لَا يُحَافِظُ عَلَيْهِمَا عَنْدَ مُسْلِمٍ إِلَّا دَخَلَ الْجَنَّةَ، هُمَا يَسِيرُ وَمَنْ يَعْمَلْ بِهِمَا

قَلِيلٌ...»

«Икки хислат ёки хусусият борки, қайси мусулмон уни давомий қилса, Аллоҳ жаннатга киритади. У иккиси жуда осон. Лекин унга амал қилувчи кишилар жуда оз...». Муборакфурый Тухфатул ахуций китобида: «**Унга амал қилувчилар жуда ҳам оз**» иборасини: Яъни, уларни доимий қилган кишилар, деб тафсир қилган.

Имом Муслим Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ шундай дейдилар:

«تَعاهُدوْ هَذَا الْقُرْآنَ، فَوَاللَّهِ نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ هُوَ أَشَدُ تَفَلُّتاً مِنَ الْإِلَيْلِ فِي عَقْلِهَا»

«Куръонни давомли тиловат қилишга одат қилинглар. Чунки Мұхаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, у арқонга боғланган туядан ҳам кўра тезроқ бўшалиб кетади (яъни унутилади)». Ҳадиснинг лафзи Ибн Барродники.

Пайғамбаримиз ﷺ одамларнинг энг сахийси эдилар, рамазонда эса яна ҳам сахийроқ бўлиб кетар эдилар. Чунки унда Жаброил ﷺ келиб Қуръондан дарс берар эди. У киши Жаброил ﷺ билан учрашгач Аллоҳ (ёмғир ва раҳмат билан) юборган шамолдан ҳам кучлироқ сахий бўлар эдилар. Жаброил ﷺ ҳар йили рамазонда бир марта келиб, у кишига Қуръондан дарс берар эди. Росулуллоҳ ﷺ вафот этадиган йили эса икки марта келди.

Аллоҳ фарз қилган ишларда давомий бўлиш ва Аллоҳнинг тўғри йўлида сабот билан туриш диндаги вожиб вазифалардандир... Чунки фарз амалларда бепарволик қилиб бўлмайди, мусулмон кишининг уларда давомий бўлиши мажбурийдир... Аммо (фарз намозлардан олдин ва уларнинг ортидан ўқиладиган) суннатлар ва фазилатли амаллар мустаҳабдир. Мусулмон киши уларни қилишда ихтиёри бўлиб, қилган киши савоб олади ва тарк этган киши азобланмайди. Лекин ҳадисларда мусулмонни кучи етганича уларни давомий қилишга қизиқтирилган. Токи, мусулмон оз бўлса ҳам уларга амал қилсин ва вақтини сарфласин. Чунки тома-тома кўл бўлур деганлариdek оз-оздан қилиб тоғ баробар бўлади. Чунки мусулмон киши уларни давомли қилиши туфайли улар унинг хислатига айланиб қолади ва уларни қила олмай қолса бир нарсани йўқотгандек бўлади.

Агар нафс бир ибодатга одатланса, уни яхши кўриб қолади ва унда Аллоҳнинг розилигини излаб ҳаракат қилади. Лекин мусулмон киши суннат ва нафллар билан машғул бўлиб, фарзларга эътиборсиз бўлиб қолмаслиги керак. Бу мутлақо жоиз эмас. Чунки Аллоҳ Таоло мусулмонга биринчи фарзларни кейин нафлларни буюрди. Росулуллоҳ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ قَالَ: مَنْ عَادَى لِي وَلِيًا فَقَدْ آذَنَهُ بِالْحُرْبِ، وَمَا تَغَرَّبَ إِلَيْ عَبْدِي بِشَيْءٍ أَحَبَّ إِلَيْ مِمَّا افْتَرَضْتُ عَلَيْهِ، وَمَا يَرَأُ عَبْدِي يَتَغَرَّبُ إِلَيْ بِالْتَّوَافِلِ حَتَّى أَحَبَّهُ، فَإِذَا أَحَبَّهُ: كُنْتُ سَمِعْتُ الَّذِي يَسْمَعُ بِهِ، وَبَصَرَهُ الَّذِي يُبَصِّرُ بِهِ، وَبَدَاهُ الَّذِي يَبْطَشُ بِهَا، وَرِجْلَهُ الَّذِي يَمْشِي بِهَا، وَإِنْ سَأَلَنِي لِأُعْطِينَهُ، وَلَيْسَ اسْتَعَاذُنِي لِأُعِيدَنَهُ...»

«Аллоҳ Субханаҳу айтади: Ким Менинг бир дўстимни хор қилса, Мен унга уруш очаман. Бандамни Менга яқинлаштирадиган, менга суюкли бўлган амаллари мен унга фарз қилган амаллардир. Агар бандам нафл амалларини адo қилиш билан Менга яқинлашиб келаверса, бориб-бориб Мен уни яхши кўриб қоламан. Ана шунда Мен унинг эшитадиган қулогига, кўрадиган кўзига, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғига айланаман. Мендан сўраса бераман, паноҳ тиласа паноҳ бераман...».

Шунингдек, гарчи эчкини соққанчалик вақт бўлса-да тунда туриб намоз ўқишига одатланиш керак. Бундан ташқари, хар ойнинг ўртасида уч кун ёки ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишига одатланиш керак. Яна муайян зикрларни қилиш, тунда туриб Қуръон ўқиш, дарс қилиш ва ёдлаш лозим. Зухо намозларини ўқиш, тонгдан кун чиққунгача Қуръон ўқиш, шуруқ намозини ўқиш ва шом намозидан кейин муайян ракатларни ўқишига одатланиш лозим.

Мусулмон киши ушбу нафл ибодатларга нисбатан фарз ибодатлар каби муомала қилмаслиги лозим. Токи, уларни маҳкам тутиб, уларга кўра ўзини ҳисоб-китоб қилиб ҳамда уларга доимий боғланиб қолиб, фарзлардан чалғиб қолмасин. Чунки улар суннат амаллар бўлиб, ўзининг шаръий воқелиги доирасида қолиши керак. Уларнинг шариатда тутган ўрни фарзлардан кейин келади. Агар улар фарз ибодатлар билан

түқнаш келиб қолса, фарз олдин бажарилади, лекин бу уларни доимий суратда қилинишига путур етказмайди. Баъзида киши қандайдир иш билан машғул бўлиши, ёки сафарга чиқиши, ёки касал бўлиб қолиши мумкин. Шунда у киши бу амалларни тарк этиши мумкин.

Бу ерда яна айрим суннат амаллар борки, Ресулуллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ уларни баъзида қилсалар, баъзида қилмаганлар. Шунинг учун мусулмон ҳам шунга риоя қилиб, уларни давомли қилмагани яхши. Масалан зухо намозини ўқиш ҳамда пешин ва аср намозининг охирги икки ракатида Фотиха сурасига ўшимча яна сура ўқиш каби амаллар шулар жумласидандир.

Мусулмон киши қандайдир ибодатларни доимий қилишга ўрганиши учун уларга енгил киришиши ва уларни тўла қилиши учун ишнинг бошида енгил суратда қилиши лозим. Сўнгра унга бошқа ибодатларни ҳам қўшади. Шундай қилиб, у кўп вақтини Аллоҳнинг зикрисиз ўтказмайдиган бўлади. Натижада, у Аллоҳни кўп зикр қилгувчи кишиларга айланади.

Мусулмон киши шундай қилиб, ўз вақтини Аллоҳ буюрган барча фарз амалларни бажариш билан ўтказадиган бўлади. Мусулмон бу амалларга эътиборсизлик қилмайди ёки уларни кечиктирмай қиласди. Сўнгра ўз вақтини суннат ва нафллар билан ўтказади. Унинг суннат ва нафллар билан шу тарзда машғул бўлиши фарзларни чиройли амалга оширишига ёрдам беради. Чунки у обод имон ва хотиржам қалб билан итоатга киришади.

﴿أَنَّذِينَ إِمَّا مُؤْمِنُوْا وَتَطْمِئِنُ قُلُوبُهُمْ بِذِكْرِ اللّٰهِ أَلَا بِذِكْرِ اللّٰهِ تَطْمِئِنُ الْقُلُوبُ﴾

«Улар имон келтирган қалблари Аллоҳни зикр қилиши-эслаш билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиши билан қалблар ором олур» [Роъд 28]

﴿أَنَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللّٰهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَالصَّابِرِينَ عَلَىٰ مَا أَصَابَهُمْ وَالْمُقْيِمِي الصَّلَاةَ وَمِمَا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِعُونَ﴾

«Улар Аллоҳни зикр қилинганида, диллари қўрқувга тушадиган, ўзларига етган балоларга сабр-тоқат қиласидиган, намозни тўкис адo этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиласидиган зотлардир» [Хаж 35] □

БҮЮК САҲОБИЯ УММУ СУЛАЙМ ﷺ

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар:

«رَأَيْتُنِي دَخَلْتُ الْجَنَّةَ، فَإِذَا أَنَا بِالرُّمِيقَاءِ، إِنْرَأَةٌ أَيْ طَلْحَةُ»

«(Бир куни тушимда) ўзимни жаннатда кўрдим. (Қарасам) Абу Талҳанинг аёли Румайсо турган экан».

Соғлом, яроқли ақидага, ҳаёт ҳақидаги тўғри тушунчаларга ҳамда шаръий аҳкомларга эга хақ дин бўлган Исломнинг Қуръон «инсонлар учун чиқарилган энг яхши Уммат» дея сифатлаган тирик Умматни тарбиялаб етиштириши, аёл кишига мард ўғлонларни тарбиялаш вазифасини юклаш орқали унинг қадрини юксак қилиши табиийдир. Ҳа, аёл Исломда улкан роль ўйнади, чунки тарих Мадинадан олдин Маккада Ислом пайдо бўлганидан бошлаб у ҳақда ёзди. Бунга яхши мисоллар Хадича ؓ ва Сумайя бинт Хиёт Умму Аммор ибн Ёсирлардир... Аммо Мадинада ҳам шубҳасиз буюк саҳобия ва тобиийлар чиқдики, мусулмонлар тарихида улар ҳақида жуда кўплаган қиссалар мавжуд. Шундан келиб чиқиб айта оламизки, Исломда аёлларнинг муҳим ўрни бор, шунинг учун улардан фақиха, шоира, мужоҳида ва мараббиялар чиқсан... Аёл киши етук ўғлонларни тарбиялаб етиштирган мадраса бўлди. Шунинг учун, аёллар иштирокисиз Умматнинг обрў-эътибори қайта тикланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Биз Исломдаги аёл тарихини эслар эканмиз, қиз, опа, она, амма ва холалар тарихда салмоқли роль ўйнаганини билишимиз учун эсламоқдамиз.

Дарҳақиқат, Ислом тонгги отганидан бошлаб ҳимматда, саҳоватда, фидокорлик ва жиҳодда эркаклардан қолишмайдиган аёллар бўлганини эшитганмиз. Албатта уларнинг ичидаги энг яхшилари саҳобиялар бўлса, саҳобиялар ичидаги энг яхшиларидан бири Умму Сулайм исмли ўз жонини қурбон қилган буюк мужоҳида саҳобиядир. Росууллоҳ ﷺ бу аёл ер юзида тирик юрган пайтидаёқ у ҳақида жаннат хабарини берганлар.

У фазилатли саййида, ўз жонини қурбон қилган мураббия, улуғ саҳобия, мужоҳида Умму Сулайм бўлиб, ўз ўғлини Росууллоҳ ﷺ га хизматкор қилиб берган эди. У Милхоннинг қизи Хазраж қабиласидан бўлган ансория, Росууллоҳ ﷺ нинг хизматкори Анас ибн Моликнинг онаси Ғумайсо бўлиб аёллар ичидаги энг фазилатлиги эди. У эри Молик ибн Назр вафот этгач, Абу Талҳа Зайд ибн Саҳл ансорийга турмушга чиқди. Ундан Абу Умайр ва

Абдуллоҳ каби фарзандлар қўрди. У ўз эрига энг кўп меҳр кўрсатган аёл эди.

Исҳоқ ибн Абдуллоҳ бувиси Умму Сулаймдан шундай ривоят қиласиди: Мен Росулуллоҳ ﷺ имон келтиргач, Абу Анас келиб: Юлдузпараст бўлдингми? – деди. Шунда мен: Юлдузпараст бўлмадим, лекин имон келтиридим – дедим. Сўнг Анасга Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳуммадур Росулуллоҳни ўргатиб, шуни айт деган эдим, у шундай қилди. Унинг отаси эса: Ўғлимни мен билан уриштирма деган эди, мен: Уриштирмаюпман дедим. Сўнгра Молик ташқарига чиққан эди душмани уни ўлдириб қўйди. Мен эса: Нима ҳам қиласар эдим, энди Анас ўзи кўкракдан безор бўлмагунича уни эмизавераман ҳамда у буюрмагунича турмушга чиқмайман дедим. Сўнг Абу Талҳа совчи қўйган эди – ўшанда у мушрик эди – кўнмадим. Лекин Абу Талҳа бир неча марта совчи юборгач, ундан катта маҳр талаб қилдим. Умму Сулаймнинг ўғли Анас ﷺ айтади: «Абу Талҳа Умму Сулаймга совчи юборгач, у айтдики: Мен мушрикка турмушга чиқмайман. Эй Абу Талҳа билмайсанми? Ахир сизларнинг санамларингизни фалон қабиланинг қули ўйиб ясайди. Агар сизлар уларга ўт қўйсангиз, ёниб кетади – деди. Шунда Абу Талҳа қайтиб кетди, лекин кўнглига бир нарса тушди. Сўнг қайтиб келиб: Сен сўраган нарсани қабул қилдим деди. У талаб қилган маҳр Ислом бўлган эди»... Ҳеч қайси аёл Умму Сулайм талаб қилган маҳрдан қимматлироқ маҳр талаб қилмаган.

Умму Сулайм ﷺ Пайғамбаримиз ﷺ билан бирга жиҳодга чиқар, ярадорларга хизмат кўрсатар, касалларни муолажа қиласар ва сув ташир эди. Ҳатто у қурол кўтариб юрар эди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, у Пайғамбаримиз ﷺ билан бирга Уҳуд ва Ҳунайн ғазотларида қатнашган. Имом Муслим Анас ﷺдан ривоят қилишича, Умму Сулайм Ҳунайн ғазотида ханжар кўтариб олган эди. Абу Талҳа уни кўриб: Эй Аллоҳнинг Росули Умму Сулайм ханжар кўтариб олиби – деди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ: Бу ханжарни нима қиласан деган эдилар, у: агар бирор мушрик яқинлашса, у билан қорнини ёраман деди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ кулдилар.

Умму Сулайм ﷺ Пайғамбаримиз ﷺдан оқаётган тердан олиб, хушбўй нарсаларга аралаштирас эди. Анас ﷺ ривоят қиласиди: Пайғамбаримиз ﷺ Минода сочини олдиришни хоҳлагагач, Абу Талҳа у кишининг соч толасини олди. Сартарош Росулуллоҳнинг сочини олиб, уни Умму Сулаймга олиб келган эди, у соч толаларини атиридишига солиб қўйди. Умму Сулайм айтади: Бир

куни Росулуллоҳ менга яқин жойда дам олаётган эди, танглайида тер бор экан. Шунда мен ундан шиша идишга оқизиб олдим. Пайғамбаримиз ﷺ уйғонгач: Эй Умму Сулайм нима қиляпсан – деди. Шунда мен: Оқаётган терингизни атиrimга аралаштиришни хоҳлаган эдим – деб айтдим. Ибн Сайд чиқарган.

Умму Сулайм Росулуллоҳ ﷺ ни яхши кўрганига яна бир мисол, унинг ўғли Анаснинг пешонасиға тушиб турадиган кокили бор эди. Умму Сулаймнинг эри кокилнинг узайиб кетганини кўриб уни қисқартироқчи бўлган эди Умму Сулайм унамади. Чунки қачон Анас Росулуллоҳ ﷺ га йўлиқса, у киши Анаснинг бошини ушлаб, пешонасиға тушиб турадиган кокилидан силаб қўяр эдилар...

Росулуллоҳ ﷺ бир сафар газотга чиққанларида бўлиб ўтган ҳодиса ҳам Умму Сулаймнинг Пайғамбаримиз ﷺ ни яхши кўрганига далиллар. Анас ибн Молик ривоят қилишича, Абу Талҳа Умму Сулаймга шундай деди: Мен Росулуллоҳ ﷺ заиф аҳволда гапираётганини эшитдим ва у киши очлигини билдим, егулик бирор нарсанг борми? Шунда Умму Сулайм бир сиким арпа олиб ундан хамир қилди. Сўнг нон пишириб, уларни (кўздан беркитиш учун) кийимлар остига солиб берди. Сўнгра мени Росулуллоҳ ﷺ га юборди. Мен бориб, Росулуллоҳ ﷺ масжиддан топдим, атрофида одамлар бор экан. Мен уларнинг устига келиб турган эдим, Росулуллоҳ ﷺ сени Абу Талҳа юбордими? – дедилар. Мен: Ҳа деган эдим у киши таом билан юбордими? – деди . Шунда мен ҳа деган эдим, у киши атрофидагиларга: «Туринглар деди ва улар жўнашди, мен ҳам улар билан жўнадим. Абу Талҳанинг олдига келган эдим, у: Эй Умму Сулайм Росулуллоҳ ﷺ одамлар билан келибди. Бизда улар учун бирор егулик борми? – деди. Умму Сулайм эса, Аллоҳ ва Росули билгувчироқ деди. Абу Талҳа Росулуллоҳ ﷺ билан учрашиб, иккиси уйга киришди. Росулуллоҳ ﷺ: Бу ёққа кел эй Умму Сулайм, егулик ниманг бор – дедилар. Умму Сулайм нон келтирди, Росулуллоҳ ﷺ нонга буюрган эдилар, у майда майда бўлакларга бўлинди. Шунда Умму Сулайм уларни ёғ идишга солиб аралаштириди. Сўнгра Росулуллоҳ ﷺ унга Аллоҳ хоҳлаган сўзларни айтиб, айтинглар ўн киши кирсин – дедилар. Ўн киши киргач, нондан тўйгунича ейишди ва чиқиб кетиши. Сўнгра яна ўн киши кирсин – дедилар, шунда яна ўн киши кирб нондан тўйгунича ейишди. Сўнгра яна ўн киши кирди ва шу тарзда барча одамлар тўйди. Улар саксон киши эди. Муттафақун алайх.

Умму Сулайм ﷺ ақлли ва зийрак аёл ҳамда солих мураббия бўлган эди. Унинг қилган ишлари ақлли эканидан дарак берар эди.

Анас ﷺ ривоят қиласы: Пайгамбаримиз ﷺ бир кун Умму Сулаймниң кириллалық исемін көрді. Шунда Пайгамбаримиз ﷺ: «ёғингизни мешекпеге қайтариб қүйинг, хурмойингизни эса идишига солинг, чунки мен рұзадорман», дедилар. Сүнгра туриб уйнинг бир чеккасига бориб, намоз (фарз бўлмаган) ўқидилар ҳамда Умму Сулайм ва аҳли байтига дуо қилдилар. Шунда Умму Сулайм: Эй Аллоҳнинг Росули мени хос эҳтиёжим бор деди. Расулуллоҳ ﷺ нима у деган эдилар. У: хизматкорингиз Анас, у дунё ва охиратда нима яхшилик бўлса, барчасини мен учун амалга оширди, унга дуо қилинг деди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ:

«اللَّهُمَّ ارْزُقْهُ مَالًا وَوَلَدًا، وَبَارِكْ لَهُ فِيهِ»

«Эй Аллоҳим унга мол-дунё ва бола-чақа ато эт ҳамда бу нарсаларни у учун баракотли қил», деб дуо қилдилар.

Икки сахиҳда Анас ибн Моликдан Умму Сулаймнинг кучли имони ва қаттиқ сабрига далолат қилувчи ҳадис келган: Абу Талҳанинг касал ўғли бор бўлиб, у бир жойга кетган пайтда, ўғли вафот этди. Абу Талҳа қайтгач, ўғлимга нима бўлди деган эди, Умму Сулайм: У аввалгидан кўра тинчроқ деди ва кечки овқатни олиб келди. Абу Талҳа овқатланиб бўлгач, аёлига қўшилди. Сўнг Умму Сулайм бола вафот этганини айтди. Эрталаб Абу Талҳа Росулуллоҳ ﷺ олдига бориб, бўлган ҳодисани айтиб берди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ: «Бу кеча қўшилдингизми?», деб сўрадилар. Абу Талҳа: Ҳа деган эди, У киши: **«Эй Аллоҳим уларга баракот ато эт», деб дуо қилдилар.** Вақт ўтиб Умму Сулайм ўғил туғди, Абу Талҳа уни кўтариб, Росулуллоҳ ﷺ олдига олиб келди. Росулуллоҳ ﷺ эса, уни қўлига олиб, ўзида бўлган хурмодан унга едиридилар ва унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар. Ровий айтади: Ўша бола улғайиб еттита ўғил кўрди ва барчаси Куръонни ёд олишди. Аллоҳдан аёлларимиз ва зурриётларимизни ислоҳ қилишини ҳамда худди ушбу салафлардек яхши бўлишимизни сўраймиз. □

«ДҮНЁ ҚАНДАЙ БҮЛСА ШУНДАЙЛИГИЧА»: АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ОБАМАНИҢ АРАБЛАР ҲАҚИДАГИ КҮЗ-ҚАРАШИНИ БАЁН ҚИЛГАН КИТОБ

Обама даврида стратегик алоқалар бүйича миллий хавфсизлик маслаҳатчиси ўринбосари лавозимида ишлаган, Обаманиң нұтқларини ёзған ва Сурия, кейин Эрон ишлари бүйича масъул бўлган Бен Родс «Дунё қандай бўлса шундайлигича: Обама давридаги Оқ уй хотиралари» номли китобни нашр қилди. У бу китобда шундай ёзди: «Президент Обама арабларни ғайриоддий тарзда ёмон кўрар эди. У ўзининг маслаҳатчилари олдида доим: араблар мағкура ёки ҳазоратга эга эмас, улар қолоқ ва бадавий, деб тақрорларди... Эрон ҳақида эса, очиқ хайриҳоҳлик ва унинг ҳазоратига қойил қолиш билан гапиради». У яна шундай дейди: «Президент Обама ядрорий масалада келишувга эришиш учун 2010 йилдан бошлаб Эрон билан алоқа ўрната бошлади. Эрон Обама маъмуриятига санкциялар бекор қилиниши ва бутун араб шарқида ўзига мутлақ эрк берилиши эвазига ўн йил давомида ядрорий фАОлиятини тўхтатишини таклиф қилди... ва ниҳоят, бу амалга ошди». Китобда таъкидланишича, Эрон санкциялар олиб ташланишидан бошлаб 400 миллиард доллардан ортиқ даромад қилди. Ундан 100 миллиарддан ортигини Сурия, Ироқ, Яман, Ливан, Африка ва Мағриб давлатларидағи ўзининг экспансиясини (кенгайишини) қўллаб-қувватлашга сарфлади. Бу китобдаги Бен Родс 2013 йили Ироқда бўлиб ўтган сайловни муҳокама қилган абзац жуда эътиборлидир. Китобда келишича, сайловда Иёд Алавийнинг ғолиб бўлиши Эронни жуда безовта қилган. Шунинг учун Эрон агар Алавий Ироқ бош вазири бўладиган бўлса яширин музокараларни тўхтатишини айтиб таҳдид қилган ва Обамадан Моликийнинг ҳокимиютга келишига қулайлик яратишини ва уни қўллаб-қувватлашни очиқ талаб қилган... натижада бу амалга ошган».

Бен Родснинг айтишича, «ИШИД» ташкилотини таъсис этиш вазифасини зиммасига олган «Ал-Қоида» ташкилотидан Эрон малайларининг қочиб қутулиши учун қамоқхонани очиб қўйишига буйруқ берган одам айни шу Моликийдир. Қўшинни Мосулдан атайин қочишига, қиймати йигирма миллиард доллардан юқори бўлган ҳарбий техникаларни ташлаб чиқиб кетишига ҳамда марказий банкнинг Мосулдаги бўлимида 600 миллион долларни қасддан қолдиришига буйруқ берган ҳам Моликийдир. Бу билан у ИШИД-Эрон сериали (саҳна ўйини) бошланиши ҳамда ишлар Техрон ҳукмдорлари истагига мувофиқ бориши учун 2014 йили 600 нафар ИШИД аъзосининг кириб келишига ҳисса қўшди. Китоб муаллифининг таъкидлашича, Обама ИШИДни Эрон ҳаракатга келтираётганини билган ва бундан кўз юмган. Чунки у нима қилиб бўлса ҳам, Эроннинг ядрорий куролни қўлга киритишига монелик қиласидиган келишувни охирига етказишни истаган... Унинг бу истаги 2015 йили амалга ошди. Родс 2013 йили Футага кимёвий зарба берилгани ҳақида ёзар экан, Обаманиң «қизил чизиқ»ни босиб ўтганига ишора қиласиди. Унинг билдиришича, бундан мақсад суряликларни режим ва унинг иттифоқчилари зулмидан ҳимоя қилиш бўлмаган, аксинча, Эрон яширин музокараларни тўхтатиш билан таҳдид қилган пайтда унга қарши фойдаланиладиган кузир картани қўлга киритиш учун бўлган.

Ал-Ваъй: Муаллифнинг сўзларидан Америка ва Эроннинг минтақадаги сиёсати битта эканлиги тушунилади... Бироқ у Эрон сайлов натижаларини ўзгартириши ҳамда Алавийни четлатиб, Моликийни олиб келишини талаб қиласиди. Унга кўра, Моликий ИШИДнинг дунёга келишида Американинг режасини эмас, балки, Эроннинг режасини амалга оширган ва ИШИДни Эрон ҳаракатга келтирган, Обама бундан кўз юмган... Бу китоб Эроннинг минтақада мусулмонлар танасига санчилган Америка қўлидаги заҳарли ханжар эканлигини баён қиласиди. □

ГАРДИАН: ТРАМПНИНГ ХИТОЙГА ҖАРШИ УРУШИДА «МЁРДОК» МЕДИАИМПЕРИЯСИ ҮНГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Гардиан газетаси собиқ Австралия бosh вазири Кевин Раддинг мақоласини нашр қилди. Унинг ўз мақоласида ёзишича, Роберт Мёрдок медиаимперияси АҚШ президенти Доналд Трамп айтаётган «фитна назарияси»ни олга сурмоқда. Бу назарияга кўра, коронавирус Хитойнинг Ухан шаҳридаги лабораториядан сизиб чиқсан. Радд Мёрдок медиасининг Ироққа бостириб кирилганида ҳам ҳақиқатларни манипуляция қилиш ва уруш ногорасини чалиш ролини ўйнаганини эслатиб ўтади. Радд шундай дейди: «Бу бизни COVID-19 ҳамда у бутун дунёда соғлиқни сақлаш тизимининг вайрон бўлишига ва иқтисоднинг издан чиқишига олиб келгани ҳақида гапиришга ундаиди. Бутун дунё ахолиси: Вирус қаердан ва қандай пайдо бўлди? Вируснинг мустақил тадқиқотлар учун сақлаб қўйилган генетик намунаси борми? Маҳаллий ҳокимият марказий ҳокимиятни хабардор қилишга кечикдими? Нима учун баъзи маҳаллий шифокорлар сукут сақлашга мажбур қилиниб, кейин жазога тортилишди? каби саволлар жавобини билишга ҳақли. Яна бу ерда: Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти ўз ролини муносиб тарзда бажардими?, Халқаро ҳамжамиятни ўз вақтида огохлантиридими? – деган мазмундаги асосли саволлар ҳам бор.

Ушбу саволлар ҳамда натижали тергов олиб бориш механизми кераклигига доир музозаралар билан бир қаторда, кутилмаганда Трампнинг ва АҚШ давлат котиби Помпеонинг «вирус Ухандаги вирусология институтидан сизиб чиқсан», деган мазмундаги бир томонлама баёноти пайдо бўлди. Айтидан, Трампнинг, шунингдек, уни қўллаб-кувватлаётган Мёрдок медиаимпериясининг хотирасидан Ироқ уруши сабоқлари учиб кетган кўринади.

Кейин, Австралиядаги Мёрдокка тегишли Australian Daily Telegraph газетасида «Хитойнинг кўршапалаклар ҳақидаги илмий назарияси» сарлавҳаси остида эсклюзив мақола пайдо бўлди. Мақолада Хитой айбланади ва вируснинг бутун дунёга тарқалишибдан Хитой жавобгар эканлигига доир, номи айтилмаган Farb ҳукуматлари томонидан сиздирилган 15 саҳифали ҳужжат қўлга киритилгани даъво қилинади. Мақолада ёзилишича, бу ҳужжатни АҚШ, Британия, Австралия, Канада ва Янги Зelandия разведка хизматларини ўз ичига олган «Беш кўз» разведка ташкилоти тайёрлаган. Мақолада «Беш кўз» разведка хизмати олиб борган текширувлар ҳақидаги маълумотлар манбаси келтирилмайди. Газетада таъкидланишича, бу ҳужжат Трамп ва Помпеонинг даъвоси тўғрилигини исботлашга ёрдам беради. Мақола Хитой тадқиқотчиларининг тадқиқотлари ҳақидаги ҳикоялар билан безалган бўлиб, унда бу тадқиқотчилар «кўршапалаклар арбоблари», дея номланади. Радд яна шундай дейди: «Аслини олганда, вируснинг манбасини ҳозиргача ҳеч ким билмайди ва Австралия ҳукуматининг таъкидлашига кўра, вируснинг Ухан лабораториясидан сизиб чиқсанлиги нисбати 5 %дан ошмайди».

Муаллиф (Радд) Австралия ҳукуматига қўйидагича саволларни йўллади:

Ҳужжатнинг сизиб чиқиши «разведка» фаолиятининг натижасими ёки мақола очиқ манба сифатида жамоатчилик фикрига таянганми? Бундай маълумотларни сиздириш жиноят ҳисбланганни ҳолда бу ҳужжатни ким сиздирган?

Унинг сиздирилишига Австралия ҳукумати расмийлари аралашганми?

Нима учун бу масалада ҳар томонлама текширув олиб борилмаган?

Ёки бу ҳужжат ҳақида ва у Американинг сайлов олди манфаатларига хизмат қилиши ҳақида хабар топишимиздан ҳукумат кўрқмоқдами?

Ал-Ваъй: Farb дунёси ҳамда унинг ёлғон тўқишига, ҳеч бир сабабсиз уруш ва можароларни келтириб чиқаришга асосланган ўзгармас сиёсати мана шудир. Сионист «Мёрдок» медиа империясининг ўзгармас роли мана шудир. Мана шулардан кейин ҳам дунё биз мусулмонларга ҳамда Раббоний низомни, яъни, Халифалик давлати низомини ўрнатиш орқали дунёни тубдан ўзгартиришимизга мухтоҷ эмасми. Зоро, Халифалик низоми Америка империясининг ёвузликларига чек қўяди. □